



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

2022 yil “19” dekabr

№ 328

Toshkent sh.

Болалар гематология, онкология ва онкогематологияси йўналишида клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 17 июн куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 50-сон баёни 1.4-банди ижросини таъминлаш, шунингдек, илғор чет эл тажрибасига мос равишда болалар онкогематологияси йўналишида клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларини тасдиқлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 17 июн куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 50-сон баёни 1.4-банди раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Болаларда ўткир лимфобласт лейкозни даволаш клиник баённомаси **1-иловага;**

Болаларда ўткир миелоид лейкозни даволаш клиник баённомаси **2-иловага;**

Лимфобласт ва миелоид лейкозлар бўйича ташхислаш ва даволаш стандартлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази (А.Абдихакимов) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларини барча тиббиёт муассасаларига етказилишини, амалиётда кенг татбиқ этилишини ҳамда клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларидаги тартиб ва кўрсатмалардан тўлиқ фойдаланишни ташкил этсин.

4. **Фан ва таълим бошқармаси** (Ў.Исмаилов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларини 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббий олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура, клиник ординатура босқичлари, шунингдек, шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларига киритилишини таъминласин.

5. **Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси** (Б.Акилов) тиббиёт муассасаларида ўтказиладиган ўрганишларда иловага мувофиқ тасдиқланган клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларининг тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

6. **“IT-MED” МЧЖ** (А.Хакимов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларини вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари У.Сабиров зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б. Мусаев



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
ИННОВАЦИОН СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ МИЛЛИЙ ПАЛАТАСИ
БОЛАЛАР ГЕМАТОЛОГИЯ, ОНКОЛОГИЯ ВА КЛИНИК
ИММУНОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Болаларда ўткир лимфобласт лейкозни даволаш
клиник баённомаси

ТОШКЕНТ 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ИННОВАЦИОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИЛЛИЙ ПАЛАТАСИ
БОЛАЛАР ГЕМАТОЛОГИЯ, ОНКОЛОГИЯ ВА КЛИНИК ИММУНОЛОГИЯ
МАРКАЗИ



Болаларда ўткир лимфобласт лейкозни даволаш
клиник баённомаси

ТОШКЕНТ 2022

КИРИШ ҚИСМИ

Клиник муаммо	Болаларда ўткир лейкозлар
Ҳужжатнинг номи	Болаларда ўткир лимфобласт лейкозни даволаш клиник баённомаси
Тиббий ёрдам кўрсатиш босқичлари	Стационар ва амбулатор
Ишлаб чиқилган сана	2022 й.
Режалаштирилган янгилаш санаси	2024 й.
Мурожаат учун	Тошкент ш., Чилонзор тумани, Арнасой кўч., 17 ^А Тел.: (71) 203-11-03 E-mail: bgoskim@gmail.com

Мундарижа

Кириш	6
Атамалар	7
МКБ-10 бўйича кодланиши	8
Таърифи, этиологияси, эпидемиологияси	8
Таснифи	9
Клиник кўриниш	10
Диагностикаси	10
Ташхис қўйиш мезонлари	11
Шикоятлар ва анамнез	11
Физикал текширув	12
Текширувлар рўйхати	12
Лаборатор текширувлар	17
Инструментал текширувлар	19
Қўшимча диагностик текшривлар	20
Қиёсий ташхис	22
Даволаш	23
Ҳамроҳ терапия	28
Бошқа терапевтик чоралар	30
Номедикаментоз даво.....	30
Жарроҳлик даво.....	31
Диспансер кузатув	31
Беморни кейинги босқичларда олиб бориш.....	31
Тиббий реабилитация	32
Тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштириш	33
Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари	34
Иловалар	36
<i>Клиник баённомани ишлаб чиқиш методологияси</i>	<i>36</i>
<i>18 ёшгача бўлган ўЛЛ билан касалланган беморларни даволаш баённомалари</i>	<i>37</i>
<i>Ота-оналар учун маълумот</i>	<i>47</i>
Фойдаланилган адабиётлар	51

Лойиҳа асосчиси:

Карачунский А.И. РФ ССВ Дмитрий Рогачев номидаги Онкология, радиология ва ядроли тиббиёт институти директори, т.ф.д., профессор

Ишчи гуруҳ раҳбари:

Абдихакимов А.Н. Болалар гематология, онкология ва клиник иммунология маркази директори, т.ф.д., профессор

Ишчи гуруҳ таркиби:

Ибрагимова С.З. Болалар гематология, онкология ва клиник иммунология маркази бош шифокори, т.ф.н.

Бабаханова Н.Н. шифокор-гематолог, Болалар гематология, онкология ва клиник иммунология маркази 1-бўлими раҳбари

Методологик ёрдам:

Ядгарова К.Т., т.ф.н. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бошқармаси бошлиғи

Усмонов С.К. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Тақризчилар:

Исхаков Э.Д. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Гематология ва трансфузиология кафедраси мудири, т.ф.д., проф.

Сулейманова Д.Н. РИГИАТМ Анемия маркази раҳбари, т.ф.д., проф.

Клиник баённомани ишлаб чиқишдан мақсад: далилларга асосланган маълумотлар ва тавсияларни тиббиёт ходимларига тақдим этиш, ўткир лимфобласт лейкозларни олиб бориш бўйича ягона ёндашув тизимини ташкил этиш ва тадбиқ этиш.

Беморлар тоифаси: болалар.

Баённомадан фойдаланувчи гуруҳлар: гематологлар, онкологлар, онкогематологлар, педиатрлар, оила шифокорлари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари, тиббиёт ОТМ ўқитувчилари, талабалари, клиник ординаторлари, магистрантлари ва аспирантлари.

Қисқартмалар рўйхати:

ВtE АТ	биспецифик антитанача
BFM – Berlin-Frankfurt-Munster	Ўткир лимфобласт лейкозни ўрганиш бўйича немис тадқиқот гуруҳи
CD	дифференцировка (фарқланиш) кластери
EGIL	EuropeanGroupofImmunologicalMarkersforLeukemias; Лейкозларнинг иммунологик тавсифи бўйича Европа гуруҳи
FISH	<i>in situ</i> флуоресцент гибридизацияси
МВ	Москва–Берлин; Болаларда ўткир лимфобласт лейкозни даволаш бўйича Россия тадқиқот гуруҳи
TCR – T cell receptor	T-хужайрали рецептор
АЛТ	аланинаминотрансфераза
АСТ	аспартатаминотрансфераза
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ВЎ-ЎЛЛ	В-хужайра ўтмишдошларидан ўткир лимфобласт лейкоз
Г-КСО	гранулоцитлар колониестимулловчи омил
ХБЛ	Ходжкин бўлмаган лимфомалар
т.ф.д.	тиббиёт фанлари доктори
ТКИ	тирозинкиназа ингибитори
КТ	клиник тадқиқотлар
СИ	суяк илиги
КТ	компьютер томографияси
ЛДГ	лактатдегидрогеназа
КМҚ	касалликнинг минимал қолдиғи
МРТ	магнит-резонанс томографияси
УҚА	умумий (клиник) қон таҳлили
ЎЛЛ	Ўткир лимфобласт лейкоз
ТТ-ПЗР	тескари транскриптаза полимераза занжирли реакцияси (ПЗР)
ТР	тўлиқ ремиссия
ПКТ	поликимёвий терапия
ПЗР-РВ	ПЗР реал вақт режимида
ЎЛС	шишнинг ўткир лизис синдроми
ГТХТ	гематопоетик тана хужайралари трансплантацияси
УТТ	ультра-товушли тадқиқот
ФАБ	Франция-Америка-Британия бирлашган гуруҳи
ХТ	химиотерапия (кимётерапия)
МАТ	марказий асаб тизими
ЭКГ	электрокардиография
Эхо-КГ	эхокардиография

Кириш

Острый лимфобластный лейкоз (ОЛЛ) – это злокачественное заболевание системы кроветворения, характеризующееся неконтролируемой пролиферацией опухолевого клона из клеток – кроветворных предшественников линий лимфоидной дифференцировки, составляющего не менее 25% от других ядерных клеточных элементов костного мозга, с возможным вовлечением в процесс различных органов и систем (лимфоидная ткань любой локализации), и в своем естественном течении неизбежно приводящее к фатальному исходу. В республике каждый год выявляются около 300 детей с острым лимфобластным лейкозом.

ОЛЛ составляет около 25 % от всех злокачественных опухолей у больных в возрасте до 18 лет и является самым частым онкологическим заболеванием детского возраста. Заболеваемость составляет около 4 на 100 000 детского населения. Пик заболеваемости ОЛЛ у детей приходится на дошкольный возраст (2 – 5 лет при медиане 4,7 года). Несколько чаще болеют мальчики – соотношение 1,6:1 для В -линейного и 4:1 для Т - линейного ОЛЛ.

В настоящее время, выживаемость детей с острым лимфобластным лейкозом в Узбекистане составляет около 70% (т.е. 70 больных детей из 100 выздоравливают). Хотя имеется нехватка медикаментов и реактивов для диагностики. Диагностика (400 долларов США за 1 диагностику) проводится пока в основном в России на деньги родителей, и спонсоров, организованных волонтерами и общественными организациями, фондами. Это произошло благодаря тесному сотрудничеству с коллегами из других стран, внедрению современных международных протоколов химиотерапии. На сегодняшний день обеспеченность цитостатическими препаратами и препаратами для сопроводительной терапии по Республике составляет 25-30%.

Атамалар

- **Ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ)** – Бу қон ишлаб чиқариш тизимининг хатарли касаллиги бўлиб, у ҳужайралардан – лимфоид дифференциация чизиқларининг қон ишлаб чиқарувчи ўтмишдошларидан ўсимта клонининг пайдо бўлишидан иборат.
- **Ph-мусбат ЎЛЛ (Ph+ЎЛЛ)** – (9;22) (q34;q11) транслокацияси билан кечувчи ЎЛЛ – ва BCR-ABL1 химер генининг шаклланиши.
- **BCR-ABL1-га ўхшаш ЎЛЛ** – ЎЛЛ кичик гуруҳи бўлиб, (9;22) (q34;q11) транслокациясига эга эмас, бироқ BCR-ABL1-мусбат ЎЛЛ га ўхшаш ген экспрессияси профили билан ABL1 ва JAK2 тирозинкиназ сигнал йўлларининг фаоллашувидан дарак беради. CRLF2, ABL1, JAK2, IKZF1, EPOR, PDGFRB ва бошқаларнинг реаранжировкаси (рекомбинацияси, қайта тартибга солиниши) кузатилади.
- **ЭТЎ-ЎЛЛ** – эрта Т-ҳужайра ўтмишдошларидан келиб чиққан ЎЛЛ (early T-cell precursor ALL – ETP-ALL) бўлиб, ўзига хос иммунофенотипга эга (CD3 ички ҳужайраларда, CD5нинг паст экспрессияси (камида 75%), CD1a ва CD8ларнинг экспрессияси етишмаслиги, миелоид антигенлар ва ўтмишдош ҳужайралар антигенларидан ақалли биттасининг экспрессияси (CD13, CD33, CD11b, CD117, CD65, CD34, HLA-DR).
- **Тўлиқ ремиссия** экстрамедулляр белгиларнинг йўқлиги ҳамда суяк илигида бошқа қон ишлаб чиқариш ўсимталарига нормал нисбатда 5% бласт ҳужайралар борлиги билан касалликнинг ҳеч қандай клиник белгилари / кўриниши йўқлигини англатади.
- **Молекуляр ремиссия** суяк илигида ўткир лейкознинг дастлабки аниқланган ҳеч қандай молекуляр белгилари сезилмаганда тўлиқ клиник-гематологик ремиссияни англатади.
- **Рецидив** ўсимта ҳужайраларини ситологик усуллар билан аниқлашнинг имкони бўлмаган даврдан кейин лейкокемия билан боғлиқ иммунофенотипли морфологик аниқланадиган бласт ҳужайраларининг пайдо бўлишини англатади.
- **Суяк илиги рецидиви** – бу суяк илигида бир вақтда ремиссиянинг констатациясидан сўнг МАТнинг зарарланишисиз ва/ёки бошқа экстрамедулляр шикастланишларсиз 25% ва ундан кўпроқ ўсимта лимфобластлар борлигини аниқлаш.
- **МАТ-рецидиви (нейрорецидив)** – цитологик текширув пайтида ликвор (мия суюқлиги)да лимфобластларнинг пайдо бўлиши, шунингдек бошқа касалликлар ва шикастланишлар билан боғлиқ бўлмаган неврологик симптоматика (аломатлар). Агар КТ / МРТда мия ички шаклланиши бўлса ҳамда ликвор (мия суюқлиги), қон ва суяк илигида бласт ҳужайралари бўлмаса, МАТнинг

изоляцияланган рецидивини ташхислаш учун гистологик тасдиқ ёки миянинг битта фотонли эмиссияси КТни олиш керак. Суяк илигида ўсимта бласт ҳужайралар сони 5% кам бўлиши керак.

▪ **Тестикуляр рецидив** – бир ёки икки томонлама оғриқсиз мояк пайдо бўлиб, суяк илигида $\leq 5\%$ ўсимта лимфобластлари борлигида пальпация пайтида унинг зичлиги сезиларли даражада ошганида, бунда марказий асаб тизими шикастланмайди, изоляцияланган моякнинг рецидиви аниқланади ва гистологик тасдиқни талаб қилади.

▪ **Бирлаштирилган рецидивлар:** ҳар хил локализациядаги икки ёки ундан ортиқ шикастланишларнинг комбинацияси (бирикмаси). Бирлаштирилган рецидивлар деб суяк илигининг 5% ва ундан кўпроқ ўсимта лимфобластлар билан шикастланганлигига айтилади.

▪ **Кечиккан рецидив** – бу парваришlash терапияси тугаганидан сўнг олти ой ёки ундан кўп вақт ўтгач пайдо бўладиган рецидив.

▪ **Эрта рецидив** – парваришlash терапияси тугаганидан сўнг олти ой ўтмасидан аввал пайдо бўладиган, бироқ терапия бошланишидан бошлаб 18 ой ўтганидан кейин қайд этиладиган рецидив.

▪ **Жуда эрта (ўта эрта) рецидив** – терапия бошланганидан кейин 18 ой ичида ривожланадиган рецидив.

▪ **Молекуляр рецидив** – бу клиник ва гематологик ремиссиянинг давом етиши фонидида икки марта такрорий (қисқа вақт оралиғида ўтказилган) таҳлилда ўткир лейкознинг дастлаб аниқланган молекуляр маркер (белги)ларининг пайдо бўлиши.

▪ **Касалликнинг минимал қолдиғи (КМК; minimal residual disease – MRD)** – ремиссия ҳолатидаги беморда доимий морфологик усуллар билан аниқланмайдиган, бироқ юқори сезгир лаборатория технологиялари (реал вақтда ПЗР ва / ёки кўп рангли цитометрия) ёрдамида аниқланадиган лейкомик ҳужайраларнинг қолдиқлари мавжудлиги.

▪ **Воқеасиз омон қолиш (event-free survival – EFS)** – даволаш бошланган кундан бошлаб ҳар қандай "салбий" ҳодисагача ёки беморнинг охириги марта кўринган кунигача ҳисобланади. "Салбий" ҳодиса деганда, рецидив, ҳар қандай сабаб билан ўлим, иккинчи ўсимтанинг ривожланиши ёки рефрактерлик (терапия баённомасида белгиланган вақт ичида тўлиқ ремиссиянинг йўқлиги) тушунилади.

▪ **Умумий омон қолиш (overall survival – OS)** – даволаш бошланган кундан бошлаб беморнинг ҳар қандай сабабга кўра вафот этишигача ҳисобланади. Тақдири номаълум беморлар тирик эканликлари маълум бўлган пайтда текширилади.

▪ **Индукция** – бу бошланғич даволаниш даври, индукция даври дейилади – унинг мақсади ўсимта массасини энг тез ва сезиларли даражада камайтириш ва тўлиқ ремиссияга эришишдир.

▪ **Консолидация** – ўсимтага қарши эришилган таъсир кучини мустаҳкамлашга қаратилган терапиянинг иккинчи босқичи. Бу даврнинг мақсади индукциядан кейин қолган лейкомик ҳужайралар сонини иложи борича камайтиришдан иборат.

▪ **Парваришlash терапияси (мустаҳкамловчи терапия)** – бу кичик дозаларда давомий цитостатик терапия бўлиб, эҳтимолий қолиб кетган ўсимта клонининг қолдиғини парчалаш ва йўқ қилишга қаратилган.

МКБ-10 бўйича кодланиши

C91.0 Ўткир лимфобласт лейкоз

Таърифи, этиологияси, эпидемиологияси

Ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ) ҳужайралардан, яъни лимфоид фарқланиш (дифференцировка) чизиқларининг қон ишлаб чиқарувчи ўтмишдошларидан ўсимта клонининг суяк илигидаги бошқа ядро ҳужайралари элементларининг 25% кам бўлмаган миқдорини ташкил қилиб, назоратсиз кўпайиши ҳамда ушбу жараёнга турли аъзо ва тизимларнинг (ҳар қандай локализациядаги

лимфоид тўқима) жалб этилиши мумкинлиги билан тавсифланадиган, шунингдек, табиий равишда муқаррар ўлимга олиб келувчи қон ишлаб чиқариш тизимининг хатарли касаллиги ҳисобланади.

ЎЛЛ ривожланишининг аниқ сабаблари номаълум. Ҳар хил мойилликлар (генетик, вирусли, радиацион, кимёвий физик таъсир ва бошқалар) омилларининг эҳтимолий таъсири кўриб чиқилган, бироқ уларнинг ЎЛЛ ривожланишига аниқ таъсири ҳозирча аниқланмаган.

Замонавий тушунчаларга кўра, ЎЛЛнинг патогенези гематопоестик (қон ишлаб чиқарувчи) илдиз ҳужайрали мутациясига асосланган бўлиб, бу ҳужайраларни нормал фарқлаш (дифференцировка) қобилиятини йўқотишига ҳамда пролиферация ва апоптоз жараёнларидаги бузилишларга олиб келади.

Мутант клон оддий гематопоестик ҳужайраларни сиқиб чиқариб, бутун гемопоезни эгаллайди. Оддий гематопоестик ҳужайраларнинг сиқиб чиқарилиши ва уларни этилишга қодир бўлмаган ўсимта ҳужайралари билан алмаштирилиши табиий равишда анемия, гранулоцитопения, лимфопения ва тромбоцитопения ривожланиши билан периферик қондаги етук ҳужайраларнинг камайишига олиб келади, бу тегишли клиник тасвирда намоён бўлади. Ўсимта ҳужайралари суяк илигидан чиқиб, турли аъзо ва тўқималар (талоқ, жигар, лимфа тугунлари, тимус, марказий асаб тизими (МАТ), тери ва бошқалар)га ўтиб кетиши ва тарқалиши мумкин.

ЎЛЛ 18 ёшгача бўлган беморлардаги барча хатарли ўсимталарнинг тахминан 25% ташкил этиб, болаларда энг кўп учрайдиган онкологик касаллик ҳисобланади.

Ушбу касаллик билан касалланиш ҳолатлари 100 000 нафар болалардан тахминан 4 нафарида учрайди. Болаларда ЎЛЛ билан касалланиш чўққиси мактабгача бўлган пайтга (ўртача 4,7 йил билан 2-5 ёшларга) тўғри келади. Ўғил болаларда бу касаллик нисбатан кўпроқ учрайди – В-зиқли ЎЛЛ учун 1,6:1 нисбатда, Т-зиқли ЎЛЛ учун эса 4:1 нисбатда.

Таснифи

ЎЛЛнинг морфологик таснифи (FAB-классификация):

- L1 – микролимфобласт вариант бўлиб, лимфобластларнинг кичик ўлчамли билан, кичик, яхши кўринмайдиган нуклеолаларга эга ёки умуман уларсиз ядронинг кўпроқ тўғри шакли билан (баъзан парчаланган бўлиши мумкин) ажралиб туради; юқори (20-25% ЎЛЛдан кўп бўлмаган) ядро-плазматик нисбат билан характерланади.
- L2 – кўпроқ ўзгарувчан. Кўпинча лимфобластлар диаметри катта; уларнинг ядроси тартибсиз шаклда (парчаланган бўлиши мумкин); нуклеоллар (одатда бир нечта) ёруғлик микроскопида аниқ кўринади; туссиз цитоплазма, ўртача миқдорда (ЎЛЛнинг барча шакллари орасида 70% ҳолларда).
- L3 – ЎЛЛ ҳолатларининг 5% дан камроғи. Лимфобластлар катта, Беркит лимфомасига ўхшаш; уларнинг ядролари мунтазам шаклда (айлана ёки овал шаклида); катта аниқ нуклеолалар (бир ёки бир нечта); етарли миқдордаги цитоплазманинг базофилия ва вакуолизацияси аниқ кўринади.

ЖССТга кўра, болалардаги ўткир лимфобласт лейкознинг таснифи умумэтироф этилган бўлиб, барча учун баробар:

- В-ҳужайра ўтмишдошларидан келиб чиқувчи ЎЛЛ (ВЎ-ЎЛЛ)
 - Ҳеч қандай ўзига хос хусусиятларсиз (NOS – not otherwise specified)
- Цитогенетик кичик гуруҳлар
 - t(9;22)(q34;q11.2); BCR-ABL1, Ph+-ALL
 - t(v;11q23); KMT2A қайтадан тартибга келиши (аввал MLL)
 - t(12;21)(p13;q22.1), ETV6-RUNX1 (аввал TEL-AML)

- гипердиплоидия билан
- гиподиплоидия билан
- t(5;14)(q31.1;q32.1); IGH/IL3
- t(1;19)(q23;p13.3), TCF3-PBX1
- «шартли/дастлабки» кичик гуруҳлар (provisional entity)
- BCR-ABL1-га ўхшаш
- iAMP21
- Т-хужайра ўтмишдошларидан келиб чиқувчи ўЛЛ (Т-ўЛЛ)
 - «шартли/дастлабки» кичик гуруҳ (provisional entity)
 - ОЛЛ из эрта Т-хужайра ўтмишдошларидан келиб чиқувчи ўЛЛ (ETP-ALL)

Анъанавий тарзда, ўЛЛ В-хужайра ўтмишдошларидан келиб чиқувчи ўЛЛ (Вў-ўЛЛ) и Т-зиқли ўЛЛ (Т-ўЛЛ)га ажратилади.

ЖССТ таснифининг охириги кўриб чиқилишида (2016 йилда) Вў-ўЛЛдан ажраб чиқадиган цитогенетик кичик гуруҳлар орасидан иккита янги кичик гуруҳлар қўшилган: BCR-ABL1-га ўхшаш (ёки Ph-ўхшаш ўЛЛ) ва iAMP21 билан бўлган Вў-ўЛЛ (21-хромосоманинг хромосома-ички амплификацияси).

Т-ўЛЛ орасидан алоҳида генетик кичик гуруҳлар ажралиб чиқмайди, лекин, касалликнинг прогнозига таъсир қилиши мумкин бўлган TAL1, TLX1, TLX3, LMO1, LMO2 ва бошқа генларнинг реаранжеровкаси каби кўп учрайдиган мутациялар, ҳамда NOTCH1, FBXW7, PTEN генларидаги мутациялар тавсифланади. ЖССТ таснифининг сўнгги версиясига кўра, Т-ўЛЛ орасида ўзига хос иммунофенотипга эга бўлган эрта Т-хужайралар ўтмишдошларидан келиб чиққан ўЛЛ алоҳида ажралиб туради (early T-cell precursor ALL, ЭТў-ўЛЛ).

Фарқланмайдиган ўЛЛ (дифференцияланмайдиган ўЛЛ) ўЛЛнинг гетероген гуруҳини ташкил қилади. Мазкур вариантда бласт хужайралар ўткир лейкознинг лимфоид ва миелоид антигенларига хос бўлган мусбат (мусбат) цитокимёвий реакцияларни пайдо қилмайди. Улар дифференцировканинг у ёки бу чизиғига аъзолигини белгилаб берувчи ўзига хос кўп-клонли антитаначалар билан реакцияга киришмайди, TdT-мусбат ва TdT-негатив бўлиши мумкин, цитоплазматик иммуноглобулинни ифода (экспрессия) қилмайди (Ig).

Клиник кўриниш

Касалликнинг анамнезининг давомийлиги биринчи клиник белгилар пайдо бўлган пайтдан бошлаб ташхисни морфологик верификациясигача бир неча ҳафтадан бир неча ойларга қадар давом этади. Касалликнинг клиник кўриниши суяк илиги функциясининг бузилиши даражаси билан (анемия, геморрагик синдром ва ҳар қандай оғирлик даражасидаги инфекцияларнинг ривожланиши) ҳамда ўсимта массаси мавжудлиги билан (аъзоомегалия, периферик қонда ўсимта хужайраларининг катта миқдорда мавжудлиги, лимфоаденопатия, умуртқа ва кўкрак қафаси оралиғи катталаниши, МАТ, тери, мойк, тўр парданинг лейкомик инфильтрацияси) белгиланади. Баъзи ҳолларда суяк шикастланиши билан боғлиқ оғриқ синдромининг ривожланиши кузатилади.

Диагностикаси

Кўплаб тавсия этиладиган диагностика услублари (далиллар ишончилиги ҳамда Тавсияларнинг асослилиги даажасини баҳолаш шкаласига мувофиқ) клиник тадқиқотлар (КТ) етарлича мавжуд эмаслиги сабабли ҳали тўлиқ ўз исботини топмаган. Лекин шунга қарамай, улар ташхис қўйиш ва даволаш механизмини танлашда беморни текширишнинг зарур элементлари ҳисобланади, чунки ҳали бундан самарали ва тасдиқланган усуллар ишлаб чиқилмаган.

Ташхис қўйиш мезонлари

ЎЛЛ ташхиси (тегишли лимфобластлар морфологик ва цитокимёвий белгиларига кўра) суяк илигида (СИ) 25% ва ундан кўпроқ бласт ҳужайралари аниқланганда ўрнатилади. Бласт ҳужайралари иммунофенотипи аниқланишига кўра, цитометрия ёрдамида лимфобластларнинг чизиқли алоқадорлиги белгиланади (Т-ЎЛЛ, ВЎ-ЎЛЛ). Молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида цитогенетик кичик гуруҳлар аниқланади.

Шиллиқ қаватлар (бурун, милклар, ошқозон-ичак в.б.)дан қон кетиши, терида геморрагик синдром, ранги ўчганлик. Бласт ҳужайраларининг лимфа тугунлари ва паренхимал аъзоларга тарқалиши лимфаденопатияга, қорин оғриғи билан намоён бўлувчи жигар ва талоқнинг катталашишига, бўғилиш синдромининг ривожланиши билан умуртқа ва кўкрак қафаси оралиғи кенгайишига, ўғил болаларда моякларнинг катталашиши олиб келади.

ЎЛЛ юқори босқичининг клиник белгилари бешта асосий синдромлардан иборат:

- гиперпластик (лимфа тугунлари, жигар ва талоқнинг барқарор ва оғриқсиз катталашуви (30-50%). 4 дан 1 беморда бодомсимон безлар, аденоидлар, қорин бўшлиғи лимфа тугунлари ва умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи лимфа тугунлари бўғилиш синдормлари билан катталашиши кузатилади. Жумладан, бирламчи ЎЛЛда 5-30% ҳолларда ўғил болаларда моякларнинг дастлабки катталашуви кузатилади. Терида қизғиш-кўкиш рангдаги тошмалар кўринишида лейкоз инфилтратлари (лейкемидлар) пайдо бўлади. Лейкемик инфилтрация натижасида буйраклар сезиларли даражада катталашиши мумкин, камдан-кам ҳолларда эндокард ва эпикард йўллариининг беркилишида миокард инфилтрацияси ва йирингли перикардит пайдо бўлиши мумкин. Тимус ёки умуртқа ва кўкрак қафаси оралиғи катталашиши Т-ҳужайрали ЎЛЛга хос бўлиб, ўпка тўқималарининг лейкемик инфилтрацияси рўй бериши ёки уларга қон кетиши мумкин;
- геморрагик (тери ва шиллиқ пардаларда аниқ ва кичик доғлар пайдо бўлишидан тортиб, бурун, бачадон, ошқозон-ичак, буйрак ва бошқа аъзолардан (кўп) қон кетишига ва мия қон айланишининг ўткир бузилишигача қадар);
- анемик (ҳолсизлик, ланжлик, бош оғриғи, тери қатламлари рангининг ўчиши, иштаҳа йўқолиши);
- интоксикацион;
- инфекцион (юқумли) асоратлар (ўткир лейкоз билан касалланган 80-85% беморларда кузатилади). Бактериялардан келиб чиқувчи инфекцион асоратлар 70- 80%ни ташкил қилади (жумладан, пневмония, сепсис, йиринглар), вирус (4-12%) ва замбуруғ (18-20%) генезидан келиб чиқувчи оғир инфекцион асоратлар. Чуқур нейтропения билан азоб чекувчи болаларда аниқланган безгак инфекция борлигидан далолат беради).
- оғриқли синдром (оссалгия и артралгиялар, қорин соҳасидаги оғриқлар). Суяк пардаси ва бўғим пардаси лейкемик инфилтрацияси, суяклар инфарктлари ва суяк илиги ҳажмининг шишли катталашуви оғриқлар пайдо бўлишига олиб келади.

Шикоятлар ва анамнез

5С ЎЛЛга шубҳа қилинган барча 18 ёшга тўлмаган беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморлардан уларнинг гематолог / онкологга ҳар ташрифида қон ва қон ишлаб чиқариш аъзолари касалликларига оид анамнез ва шикоятларини йиғиб олиш тавсия этилади. Бу

беморнинг ҳолатини баҳолашга ҳамда даволаш тактикасини аниқлашда таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлашга ёрдам беради

ЎЛ учун анамнез олиш ҳозирда ёки аввал терапия амалга оширилганлиги, ҳамроҳ касалликлар ва сурункали патология мавжудлиги, бемор қариндошларида саратон касаллиги бор-йўқлиги борасида тўлиқ маълумотлар йиғишни назарда тутати. Оиланинг эпидемиологик анамнезини аниқлаш мажбурийдир: бунга яшаш шароитлари, атроф-муҳитнинг санитария-гигиеник даражаси, яқин қариндошларида сурункали юқумли касалликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар киради. Беморнинг қаердан келганини аниқлаш жуда муҳим: уйдан ёки бошқа тиббий муассасалардан. Агарда бемор яқинда бошқа шифохоналарда даволанган бўлса, терапиянинг барча тафсилотларини, хусусан, инфекцияга қарши терапияни, шунингдек, катетеризация, наркоз, интубация, ўпкаларни сунъий вентилляциялаш каби ҳар хил даволовчи-диагностик манипуляциялар бор-йўқлигини аниқлаш жуда зарур.

Физикал текширув

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда уларнинг дастлабки ва қайта ташрифида касалликнинг тарқалишини аниқлаш ва беморнинг ҳолатини, шу жумладан алоҳида аъзолар ва тизимлар ҳолатини баҳолаш мақсадида визуал терапевтик кўрик, терапевтик пальпация (пайпаслаш) ва терапевтик аускультация ўтказиш тавсия этилади

Умумий кўрик беморнинг умумий жисмоний ҳолати, бўйи ва тана вазни, ҳамда барча аъзо ва тизимларнинг ҳолати, шунингдек, неврологик ҳолатини батафсил баҳолашни назарда тутати. Алоҳида эътиборни асосий касаллик кўринишларини қайд этиб боришга (катталашган лимфа толаларининг барча гурӯҳлари тавсифи (ўлчамлари билан), жигар ва талоқ ўлчами – сантиметрда қовурға ёйининг пастки четидан ўрта клавикуляр чизиқ бўйлаб, ўғил болаларда моякларнинг ўлчами, терида лейкоидлар бор-йўқлиги) ва инфекцияни пайдо қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлашга қаратиш лозим.

Текширувлар рўйхати

Амбулатория шароитида амалга ошириладиган асосий (мажбурий) диагностик текширув:

- умумий қон таҳлили (суртмада лейкоформулани, тромбоцитларни ҳисоблаш);
- миелограмма.

Амбулатория шароитида амалга ошириладиган қўшимча диагностик текширувлар:

- умумий пешоб (сийдик) таҳлили;
- коагулограмма;
- қон гуруҳи ва резус фактор;
- биокимёвий қон таҳлили (умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, тўғри билирубин, креатинин, карбамид (мочевина), АЛаТ (аланинаминотрансфераза), АСаТ (аспартатаминотрансфераза), глюкоза, ЛДГ (лактатдегидрогеназа), С-реактив оқсил, ишқорли фосфотаза);
- Вирусли гепатитлар маркерларига ИФТ (иммунофермент таҳлил);
- ОИВга ИФТ;
- Герпес гуруҳи вирусларига ИФТ;
- ЭКГ;

- қорин бўшлиғи аъзолари УТТ (жигар, талоқ, ошқозон ости беши, ўт пуфағи, лимфатик толалар, буйраклар), аёлларда – кичик тос УТТ;
- кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси.

Ташҳис, прогностик омиллар ва беморнинг умумий ҳолатини аниқлаш учун стационар шароитда амалга ошириладиган лаборатор текширувлар:

- умумий қон таҳлили (суртмада лейкоформулани, тромбоцитларни ҳисоблаш);
- миелограмма;
- бласт ҳужайраларнинг цитокимёвий текшируви (МПО (миелопероксидаза), гликоген, альфа-НЭ, қора судан);
- оқим цитофлуориметрия услуби ёрдамида “ўткир лейкозлар учун иммунофенотиплаш панели”;
- стандарт цитогенетик текширув;
- FISH услуби ёрдамида текширув ва молекуляр-генетик текширув;
- HLA – типлаш;
- умумий пешоб (сийдик) таҳлили;
- қон гуруҳи ва резус фактор;
- коагулограмма;
- қон плазмасида антитромбин IIIни аниқлаш;
- қон плазмасида D – димерлар даражасини миқдорий аниқлаш;
- биокимёвий қон таҳлили (оқсил, альбумин, АЛаТ, АСаТ, билирубин, ишқорий фосфатаза, ГТПП (гамма-глутамилтранспептидаза), креатинин, карбамид (мочевина), сийдик кислотаси, электролитлар, ЛДГ, глюкоза, С-реактив оқсил, иммуноглобулин G, A, M);
- Реберг пробаси;
- вирусли гепатитга ИФТ;
- ОИВга ИФТ.

Ташҳис верификацияси суяк илиғи ва периферик қон суртмаси цитологик ва цитокимёвий текшируви, суяк илиғи ҳужайраларининг рангдор оқим цитометрияси, ўсимта лимфобластларининг цитогенетик ва молекуляр-генетик таҳлили ёрдамида ўтказилади. Диагностика даври 2 суткадан ошмаслиғи лозим (цитогенетик ва молекуляр-биологик текширувлар бундан мустасно).

5С

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда дастлабки қабул вақтида ва ХТ (кимётерапия) ўтказиш пайтида батафсил мажбурий дифференцияланган (фарқланган) лейкоцитлар ҳисоби (лейкоцитар формула) билан умумий (клиник) қон таҳлилини олиш тавсия этилади. Бу ташҳисни верификация қилишга (аниқлашга), терапияни назорат қилишга, бемор билан ишлаш тактикаларини/усулларини ишлаб чиқишга имкон беради

Умумий қон таҳлили маълумотлари ёрдамида тромбоцитопения ва анемиянинг ифодаланганлигини белгилаш, ҳамда қон компонентлари билан алмаштириш (ўрнини босиш) терапиясини ўтказиш зарур/зарур эмаслигини аниқлаш мумкин. Терапия бошланишидан олдин умумий лейкоцитлар миқдори ва бласт ҳужайралар бор-йўқлиғи кейинги босқичларни белгилаш (стадиялаш), хавф остида бўлган гуруҳни аниқлаш ва оқилона терапияни тайинлаш учун зарур.

5C

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлардан ташхис верификацияси учун суяк илиги цитологик препаратини пункция (даволаш ва диагностика мақсадида махсус игна суқиш) ёрдамида олиш, кейинчалик эса суяк илиги суртмасини цитологик текшириш (миелограмма) тавсия этилади

Суяк илиги пунктатасида лимфоид дифференцировка вариантларидан бири морфологик ва цитокимёвий жиҳатдан исботланган 25% ортиқ лейкемик ҳужайралар аниқланганда ЎЛЛ ташхиси қўйилади. Суяк илиги 3-4 анатомик нуқтадан аспирация қилинади (сўриб олинади). Пункциялар (тешиш, игна суқиш) учун қовурға билан қорин орасидаги суяк қанотларининг орқа ва олди қирралари олинади.

ФАБ (Франция-Америка-Британия бирлашган гуруҳи)га асосан, ЎЛЛнинг морфологик таснифи бўйича лимфобластлар ядро ўлчами, тузилиши, аралашмалар ва бошқа белгиларга кўра L1, L2 ва L3 гуруҳларга ажратилади. Ҳозирги кунда бласт ҳужайралардаги етилган В-фенотипли ва L3-морфологияли ўткир лейкоз ходжкин бўлмаган лимфомалар гуруҳига киради. Унинг диагностикаси ва даволаниши тегишли клиник тавсиялар асосида олиб борилиши шарт.

5C

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморларда ташхис верификацияси учун суяк илиги препарати цитокимёвий текширувини ўтказиш тавсия қилинади

Лейкемиянинг бошқа вариантлари билан дифференциал диагностика қилиш учун ўсимта ҳужайраларининг цитокимёвий текшируви муҳим ҳисобланади. Бласт ҳужайралардаги ЎЛЛда нолимфоид ўтмишдош ҳужайраларнинг ҳал қилувчи маркерлари ҳисобланадиган миелопероксидаза ва носпецифик эстеразининг фаоллиги етишмайди. Шунинг учун ҳам ушбу икки цитокимёвий реакцияларини – миелопероксидаза ва носпецифик эстеразага реакцияни ўтказиш мажбурий ҳисобланади.

5C

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморларда ташхисни верификация қилиш, бласт ҳужайраларнинг чизиқли алоқадорлигини аниқлаш, прогностик хавф остидаги гуруҳлар ва терапия тактикаларини белгилаш учун суяк илигидаги гемапоэтик ўтмишдош ҳужайраларни иммунофенотиплаш тавсия этилади

Лейкемик клонни аниқ белгилаш мақсадида ўтказиладиган мультипараметрик оқим цитометрияси ЎЛЛ диагностикасида марказий ўринни эгаллайди ва ЎМЛ (ўткир миелоид лейкоз) и МРАЛ (mixed-phenotype acute leukemia – аралаш фенотипли ўткир лейкоз) билан дифференциал (фарқлаш) диагностикани ўтказишга имкон бериб, ЎЛЛнинг ҳар қандай вариантларини диагностика қилиш, хавф остидаги гуруҳларни стратификациялаш (ажратиш) ҳамда кейинчалик КМҚ (касалликнинг минимал қолдиғи)ни аниқлаш учун жуда зарур ва мажбурий усул ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ЎЛЛнинг иммунологик таснифи учун Лейкозларнинг иммунологик тавсифи бўйича Европа гуруҳининг тизими (European Group of Immunological Markers for Leukemias, EGIL) (ўзгартиришлари билан) ҳамда ЖССТ таснифи ишлатилади. Нафақат В-, балки Т-зиқли ЎЛЛ орасидан яна бир қанча вариантлар ажралиб чиқиб, улар ўсимта ҳужайраларининг (BI-BIV ва TI-TIV) “етилганлиги” билан фарқланади. Бундан ташқари, ЎЛЛнинг эрта Т-зиқли ўтмишдошларидан (ЭТЎ-ЎЛЛ) келиб чиқувчи алоҳида гуруҳи ҳам мавжуд.

Ўсимта ҳужайралари устки қисмидаги иммуноглобулиннинг оғир ва/ёки енгил занжирларининг устки экспрессияси билан кечувчи ВЎ-ЎЛЛнинг камдан-кам учрайдиган ҳолатларида Беркитт лимфомаси/лейкозининг бошқа аломатлари мавжуд бўлмайди (ФАБ таснифи бўйича L3

морфологияси, МҮС генининг реаранжировкаси / қайта тартибга келиши, юқори тезликдаги пролиферация). Мазкур ҳолатларни расман BIV-иммуновариантга киритишади, лекин ЎЛЛнинг умумэтироф этилган даволаш механизмига қўшишади. Т-ЎЛЛ диагностикаси учун антигенлар панели албатта CD1a ва Т-ҳужайрали рецепторларни (TCR) ўз ичига олиши шарт.

EGIL бўйича ЎЛЛнинг иммунофенотипик таснифи, 1995 йил кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган

В-зиқли ЎЛЛ	
CD19+ ва/ёки CD79a+ ва/ёки CD22cyt+ ва Т-ОЛЛ, ОМЛ, МРАЛ мезонларига мос келмаслик	
VI (Про-В-ЎЛЛ)	CD10 ⁻ iIg ⁻ Ig ⁻
VII («Common»-ЎЛЛ)	CD10 ⁺ iIg ⁻ Ig ⁻
VIII (Пре-В-ЎЛЛ)	iIg ⁺ Ig ⁻
IV (В-ЎЛЛ)	Ig ⁺

Т-зиқли ЎЛЛ	
iCD3 ⁺ ва МРАЛ мезонларига мос келмаслик	
TI (Про-Т-ЎЛЛ)	CD2 ⁻ CD5 ⁻ CD1a ⁻ CD3 ⁻ TCR ⁻
TII (Пре-Т-ЎЛЛ)	CD1a ⁻ , CD2 ⁺ и/или CD5 ⁺ и/или CD8 ⁺
TIII (Кортикал Т-ЎЛЛ)	CD1a ⁺
TIV (Этилган Т-ЎЛЛ)	CD3 ⁺ , CD1a-TCR ^{+/-}

Изоҳ: i – маркернинг ички ҳужайра экспрессияси

5C

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморларда ташхисни верификация қилиш, бласт ҳужайраларнинг чизиқли алоқадорлигини аниқлаш, прогностик хавф остидаги гуруҳлар ва терапия тактикаларини белгилаш учун суюқ илигининг аспириати бир жуфт хромосомаларининг цитогенетик тадқиқоти (кариотип) ва молекуляр-генетик текшируви (FISH-услуги)ни ўтказиш тавсия этилади

Лейкемик ҳужайраларнинг цитогенетик текшируви типик реаранжировкалар (қайта тартибга келиш)нинг бутун спектрини аниқлаш учун албатта кариотиплаш, флуоресцент in situ гибридизацияси (FISH) ва ТТ-ПЗР услублари ёрдамида текширув ўтказишни ўз ичига олиши шарт.

Ҳозирги кунда қуйидаги транслокациялар шубҳасиз клиник аҳамиятга эга – t(9;22)(q34;q11)/BCR-ABL1; t(4;11) (q21;q23) /KMT2A-AFF1 ва t(12;21)(p13;q22)/ETV6-RUNX1, юқори гипердиплоидия, гипоплоид кариотип, 21-хромосоманинг ички-хромосома амплификацияси (iAMP21). Бироқ, ЖССТнинг сўнги қайта кўриб чиқилишида ВЎ-ЎЛЛда маълум бир прогностик аҳамиятга эга 9-та цитогенетик кичик гуруҳлар ажралиб чиқади.

BCR-ABL1-га ўхшаш ЎЛЛни баъзи ҳолларда алоҳида терапевтик опциялар (механизмлар)ни талаб этувчи алоҳида кичик гуруҳга ажратилишини ҳисобга олсак, дастлаб CRLF2, ABL1, ABL2, JAK2, EPOR, PDGFRB ва бошқа генларнинг қайта тартибланишини аниқлаш, шунингдек IKZF1-плюс лейкозларининг гуруҳини ажратиш (ERG генидан ташқари CDKN2A, CDKN2B, PAX5 ёки PAR1 генлари билан биргаликда IKZF1 гени делециясини амалга ошириш (йўқ қилиш)) мақсадга мувофиқдир.

Бошқа тасодифий бўлмаган қайта тартибланишларни (айниқса мультимарказий клиник тадқиқотлар доирасида) аниқлаш мақсадга мувофиқ, бироқ, терапевтик қарорларни қабул қилиш учун уларнинг клиник аҳамияти ноаниқлигича қолмоқда.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда дастлабки қабул пайтида ва ХТ (химиотерапия – кимёвий терапия) ўтказилиши вақтида оғир геморрагик/тромботик асоратларнинг ривожланиши эҳтимолини диагностика қилиш / аниқлаш учун коагулограмма (гемостаз тизимининг таҳминий таҳлили)ни ўтказиш тавсия этилади

Гемостазнинг турли хил бузилиш ҳолатлари (нафақат тромбозлар, балки қон кетиши ҳам) ЎЛЛни даволаш жараёнида етарлича кўп тарқалган асоратлар сарасига киради. Бу нафақат асл касалликнинг хусусиятлари, балки қўлланилувчи кимёвий препаратлар билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун терапиядан олдин ва терапия пайтида коагулограмма текширувини ўтказиш жуда ҳам зарур.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда диагностика даврида ва терапия жараёнида МАТ шикастланиши юз берган – юз бермаганлигини аниқлаш, олдиндан хавф остидаги гуруҳларни белгилаш ва терапия тактикаларини танлаш учун орқа мия пункциясини амалга ошириш ҳамда кейинчалик орқа мия суюқлиги таркибида оқсил, глюкоза даражаларини текшириш, орқа мия суюқлигини микроскопда таҳлил қилиш, ҳисобловчи камерада ҳужайраларни ҳисоблаш (цитозни аниқлаш) ва орқа мия суюқлигидаги ҳужайраларнинг цитологик текширувини ўтказиш тавсия этилади

Марказий асаб тизими шикастланиши (нейролейкемия) юз берган – юз бермаганлигини аниқлаш, хавф остидаги гуруҳларни аниқ белгилаш ва оқилона терапияни тайинлаш учун ликвор таҳлили мажбурийдир. Ликвор таҳлили натижасида қўйдаги вариантлар кўриб чиқилиши мумкин:

- CNS1 – травматик бўлмаган пункция (<10 эритроцитлар/мкл), лейкомик ҳужайралар мавжуд эмас.
- CNS2 – травматик бўлмаган пункция, <10 лейкоцитлар/мкл, лейкомик ҳужайралар бор бўлиши мумкин.
- CNS3 – травматик бўлмаган пункция, ≥10 лейкоцитлар/мкл, цитоцентрифугалашдан сўнг лейкомик ҳужайралар мавжуд.
- TLP+ – лейкомик ҳужайралар аралашмасига эга травматик пункция.
- TLP– – лейкомик ҳужайралар аралашмасисиз травматик пункция.

МАТдаги периферик қон бласт ҳужайраларининг механик силжиши ва шикастланиши хавфини камайтириш мақсадида, диагностик люмбал пункция фақатгина тажрибали шифокор томонидан умумий анестезия остида ўтказилиши шарт. МАТ шикастланганлигининг дастлабки аниқ диагностикасини фақатгина дастлабки ликворнинг цитопрепаратини цитоцентрифугада тайёрлаш орқали амалга ошириш мумкин. Табиий тарзда ликвор ҳужайраларининг шиша устига чўкиши кўпроқ вақтни талаб қилади, бу эса ҳужайраларнинг деформациясига, артефактлар пайдо бўлишига ва маълумотларнинг нотўғри талқин қилинишига олиб келади.

Кимёвий препаратларни интратекал юбориш орқали даволовчи люмбал пункцияларни амалга ошириш ЎЛЛни даволашда мажбурий компонент ҳисобланади. Ҳар гал люмбал пункция ўтказилганда ликвор албатта таҳлил қилинади.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда дастлабки қабул пайтида ва ХТ (химиотерапия – кимёвий терапия) ўтказилиши вақтида касалликнинг тарқалишини аниқлаш ва беморнинг умумий ҳолатини, алоҳида аъзо ва тизимлар ҳолатини баҳолаш мақсадида биокимёвий умумтерапевтик (карбамид, креатинин, умумий оқсил, билирубин, глюкоза, ЛДГ, амилаза, аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), натрий, калий, кальций) қон таҳлилини ўтказиш тавсия қилинади

Биокимёвий қон таҳлили ҳар хил аъзо ва тизимларнинг ҳолати тўғрисида керакли маълумотни беради, бу эса токсик асоратларнинг ривожланишидан огоҳлантиришда ва кимёвий терапияга “чидай олиш имконияти”ни аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда қон компонентлари билан алмаштирувчи (ўрнини босувчи) терапияни ўтказиш учун АВ0 тизимига кўра қоннинг асосий гуруҳларини аниқлаш, Резус (резус-фактор) тизимининг D антигенини аниқлаш, С, с, Е, е, Сw, К, к антигенлари бўйича фенотипни аниқлаш ҳамда антиэритроцитар антитаначаларни аниқлаш тавсия этилади

Даволаниш мобайнида қон компонентлари трансфузиялари зарурлигини инобатга олган ҳолда, барча беморларнинг қон гуруҳи ва резус-факторини аниқлаб олиш зарур.

Лаборатор текширувлар

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморларда индукция босқичида (терапиянинг 15-кунда ва индукция тугашида) беморнинг касаллик бўйича (ремиссия, резистентлик) ҳолатини верификация қилиш ва келгуси терапиянинг тактикасини танлаш учун пункция ёрдамида суюк илигининг цитологик препаратини олиш ҳамда кейинчалик суюк илиги суртмасининг цитологик таҳлилини (миелограмма) ўтказиш тавсия этилади

Касалликнинг терапияга нисбатан эрта жавоб қайтаришини баҳолаш ЎЛЛни даволашда ҳал қилувчи давр саналади. Терапияга нисбатан ёмон деб топилган касалликнинг илк жавоби салбий прогноз омили ҳисобланиб, кўп ҳолларда терапияни ўзгартиришни (модификация қилишни) талаб этади. Индукция босқичи тугаши билан ремиссияга эришмаган беморлар юқори хавф остида турувчи гуруҳга ўтказилади.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлардан индукция терапиясининг 8-кунда касалликнинг терапияга нисбатан илк жавоби (периферик қондаги бласт ҳужайраларининг камайиши/ўзгармаслиги)ни баҳолаш ва келгуси терапия тактикасини танлаш учун батафсил умумий (клиник) қон таҳлили (лейкоцитар формула – лейкоцитларнинг мажбурий дифференциация бўйича ҳисобланиши билан биргаликда) олиниши тавсия этилади

Касалликнинг терапияга нисбатан эрта жавоб қайтаришини баҳолаш ЎЛЛни даволашда ҳал қилувчи давр саналади. Стероид «фор-фаза»га нисбатан ёмон деб топилган жавоб салбий прогноз омили ҳисобланиб, кўп ҳолларда (терапия баённомалари ва лейкокемиянинг вариантларига қараб) терапияни ўзгартиришни (модификация қилишни) талаб қилади.

5C Ph-мусбат ЎЛЛ аниқланган барча 18 ёшгача бўлган беморларда келгуси терапиянинг тактикасини танлаш ва унинг самарадорлигини назорат қилиш учун (терапиянинг ҳар

босқичи бошланишидан аввал ва мустаҳкамловчи терапия босқичи даврида 3 ойда бир марта ва унинг тугашидан сўнг) мРНК BCR-ABLp210 (миқдорий) экспрессияни аниқлаш ва мРНК BCR-ABLp190 (миқдорий) динамик ҳолатдаги экспрессияни аниқлаш тавсия этилади

Rh-мусбат ЎЛЛ билан касалланган беморларда BCR-ABL транскрипт титри мониторинги ушбу беморларни даволашнинг муҳим шарти ҳисобланади, зеро молекуляр ремиссияга эришмаслик/йўқотиш ҳолларида тирозинкиназа ингибитори (ТКИ) дозасини кўпайтириш/алмаштириш талаб этилади.

КМҚ мониторинги

Ҳозирги кунда ЎЛЛни даволашнинг самарадорлигини мониторинг қилиш стандарти бўлиб оқим цитометрияси ва/ёки молекуляр-биологик усуллар ёрдамида олиб борилувчи ҳужайраларнинг ўсимта популяцияси қолдиғи мониторинги (КМҚ мониторинги) хизмат қилади. Келтирилган усуллар юқори сезувчанликка эга бўлиб (10/4–6 нормал гемопэтик ҳужайраларга 1 лейкемик ҳужайра аниқланади), улар ёрдамида лейкемик клоннинг тақдирини динамик ҳолатда кузатиб бориш мумкин. Цитостатик таъсирдан сўнг КМҚ сақланиб қолиши ЎЛЛ билан касалланган беморларда терапевтик тактикани ўзгартириш заруратидан дарак берувчи энг кучли прогностик омил саналади.

Прогнозни белгилаб берувчи КМҚ тадқиқоти нуқталари нафақат турли хил терапевтик баённомаларда, балки турли хил услубларда ҳам фарқланади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда Россияда кўп ҳолларда беморларни хавф остидаги гуруҳларга ажратиш учун зарур бўлган КМҚ натижаларини қўллаш кўзда тутилмайдиган баённомалардан фойдаланилади.

Шунинг учун ҳозирги вақтда ЎЛЛ билан касалланган барча беморларга КМҚ мониторингини тавсия қилишга ҳали эрта. Бироқ, терапевтик баённомаларнинг татбиқ қилинишида КМҚ мониторинги асосий стратификацияловчи (ажратувчи) параметрлардан бири сифатида қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳам юқори хавф остида бўлган гуруҳга мансуб беморларда гемопэтик тана ҳужайралари трансплантацияси (ГТХТ)ни ўтказиш муддати ва мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилишда КМҚ мониторинги жуда зарурдир, чунки трансплантациядан олдин КМҚ-негатив ремиссия мавжудлиги ГТХТ муваффақиятли амалга оширилишининг зарурий шарти ҳисобланади. Даволаш тактикасини белгилашда КМҚ натижаларидан фойдаланишнинг мажбурий шарти маълум терапевтик баённома учун мўлжалланган махсус лабораториялардан бирида текширувни амалга оширишдир.

2B

Юқори хавф остида бўлган гуруҳга мансуб бирламчи-рефрактерли ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган барча беморларда терапиянинг ҳар босқичидан сўнг гемопэтик тана ҳужайралари трансплантацияси (ГТХТ)ни ўтказиш муддати ва мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилиш учун КМҚ мониторинги (гемобластозларда КМҚ маркерларини аниқлаш учун биологик материални иммунофенотиплаш)ни амалга ошириш тавсия этилади

Юқори хавф остида бўлган гуруҳга мансуб беморларда ГТХТни ўтказиш муддати ва мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилиш учун КМҚ мониторинги жуда зарур ҳисобланади, чунки трансплантациядан олдин КМҚ-негатив ремиссия мавжудлиги ГТХТ муваффақиятли амалга оширилишининг зарурий шарти ҳисобланади. Терапия мобайнида терапевтик қарорларни қабул

қилишда КМҚ мониторинги учун бир хил услубдан фойдаланиш ва битта лабораторияда тадқиқотларни олиб бориш лозим. КМҚ таҳлили суяк илигининг намуналарида олиб борилади.

2B КМҚ мониторинги (гемобластозларда КМҚ маркерларини аниқлаш учун биологик материални иммунофенотиплаш) терапия тактикасини белгилаш ва унинг самарадорлигини назорат қилиш мақсадида КМҚ ўлчамига қараб беморларни стратификациялашни кўзда тутувчи баённомалар асосида даволанувчи ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшга тўлмаган беморларда ўтказилиши тавсия этилади

Цитостатик таъсирдан сўнг КМҚни аниқлаш ЎЛЛ билан касалланган беморларда кучли прогностик омил ҳисобланади, шунинг учун у ҳозирги кундаги айрим мавжуд бўлган даволаш баённомаларида стратификацияловчи омил сифатида қўлланилади. КМҚ ўлчамига қараб, терапия тактикаси аниқ баённома билан белгиланган назорат нуқталарига ўзгаради. Прогнозни белгилаб берувчи КМҚ тадқиқот нуқталари турли хил даволаш баённомаларида фарқланади. Қўлланилувчи баённоманинг назорат нуқталаридан ҳоли бўлган беморларга КМҚни ўлчаш тавсия этилмайди.

Терапия мобайнида терапевтик қарорларни қабул қилишда КМҚ мониторинги учун бир хил услубдан фойдаланиш ва битта лабораторияда тадқиқотларни олиб бориш лозим.

Инструментал текширувлар

- Қорин бўшлиғи ва талоқ (қоражигар) соҳасида УТТ: жигар ва талоқ ўлчамининг катталишиши.
- Периферик ва ички қорин лимфа тугунлари УТТ – лимфа тугунлари ўлчамининг катталашиши ва улар тузилишининг ўзгариши.
- Кўкрак соҳаси компьютер томографияси (КТ): ўпка тўқимасининг инфильтратив ўзгариши, кўкракички лимфа тугунлари ўлчамининг катталашиши, умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи аъзолари ҳажмининг кенгайиши.
- ЭКГ: юрак мускулида импульслар ўтказилишининг бузилиши.
- ЭхоКГ: юрак етишмовчилигининг аломати (ҳайдаш фракцияси)

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда диагностика даврида умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи аъзолари шикастланиши юз берган –юз бермаганлигини аниқлаш ҳамда терапиянинг тактикасини танлаш учун кўкрак қафаси аъзоларининг олд ва ўнг ёнидаги проекцияларидан мўлжалланган рентгенографияни амалга ошириш тавсия этилади

Олд томондан умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи аъзоларида ўсимта массаси ташхиси рентген тасвиридаги кўкрак қафасининг олд ва ўнг ёнига кўра қўйилади. Ўсимта массаси аниқланганда, унинг аниқ ўлчамини баҳолаш учун қўшимча кўкрак қафаси аъзолари компьютер томографиясини ҳам амалга ошириш зарур. Кўкрак қафасининг олд ва ўнг ёни рентген тасвирлари бир вақтда ва даволаш бошланишидан аввал қилинган бўлиши зарур.

5C ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшга тўлмаган беморларда, рентгенография натижаларига кўра, умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи аъзоларининг олд томонида ўсимта массаси аниқланганда, ўсимта билан шикастланишнинг аниқ ўлчамини баҳолаш ва кейинчалик индукция терапияси тугаши билан ўсимтанинг қолдиқ ўлчамини қайта текшириш ҳамда терапиянинг тактикасини ишлаб чиқиш учун кўкрак қафаси аъзолари компьютер томографиясини ҳам амалга ошириш тавсия этилади

Рентгенография натижаларига кўра, умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи аъзоларининг олд томонида ўсимта массаси аниқланганда, ўсимта массасининг ўлчамини аниқ баҳолаш билан бирга, визуализациянинг энг аниқ услубларидан фойдаланиш зарур. Бу кейинчалик терапиянинг самарадорлигини баҳолаш, ремиссия ҳолатини қайд этиш ёки терапияни ўзгартириш зарурати мавжудлигини тасдиқлаш учун муҳимдир.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда диагностика даврида касалликнинг тарқалишини аниқлаш, беморнинг, хусусан алоҳида аъзо ва тизимларнинг ҳолатини баҳолаш учун қорин бўшлиғи аъзолари (комплекс равишда), қоринорқа соҳаси ва кичик тос аъзолари (комплекс равишда)да ультратовушли текширув (УТТ)ни амалга ошириш тавсия этилади

УТТни амалга ошириш қорин бўшлиғи, тухумдон, кичик тос аъзоларининг инфилтрланган паренхиматоз аъзолари ҳамда лимфа тугунлари ўлчамини ва шикастланганлигини баҳолаш, шунингдек, ҳамроҳ патология бор-йўқлигини аниқлаш учун зарурдир.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда тухумдонлар биопсияси тавсия қилинмайди

Тухумдонларнинг дастлабки шикастланганлиги ташхиси клиник маълумотлар ва УТТ натижаларига асосан қўйилади. Бирламчи шикастланишга шубҳа қилинганда тухумдон биопсияси (тана қисмининг кесиб олиниши) тавсия этилмайди. Тухумдонларнинг дастлабки шикастланиши ҳеч ҳам терапияни танлаш ва стратификация қилишга таъсир кўрсатмайди; бир ёки икки томонлама орхиэктомия кўзда тутилмаган.

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда диагностика даврида МАТ дастлабки шикастланиши мавжуд / мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида бош мия КТ ёки бош мия МРТни амалга ошириш тавсия этилади

5C ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда диагностика даврида ва даволаниш жараёнида ҳамроҳ патология бор-йўқлигини ҳамда эҳтимолий кардиологий асоратларни аниқлаш учун электрокардиограммани ўтказиш, шунингдек, электрокардиографик маълумотлар ва эхокардиография (Эхо-КГ) натижаларини кўриб чиқиш, тавсифлаш ва уларни талқин қилиш тавсия этилади

ЎЛЛни даволашда қўлланиладиган антрациклинлар гуруҳига мансуб препаратларнинг юракка зарарини инобатга олган ҳолда, ҳар сафар уларни беморларга беришдан аввал барча беморларда ЭКГ, Эхо-КГ текширувларини амалга ошириш тавсия этилади.

Қўшимча диагностик текшурлар

Топ мутахассислар консультацияси учун кўрсатмалар:

- рентгенэндоваскуляр диагностика и даволаш шифокори – периферик кириш йўлидан марказий вена катетерини ўрнатиш (PICC);
- гепатолог – вирусли гепатит диагностикаси ва даволаниши пайтида;
- гинеколог – ҳомиладорлик, метроррагия, меноррагия, бирлашган орал контрацептивларни тайинлашда консультация;
- дерматовенеролог– тери синдроми;

- инфекционист – шубҳали вирусли инфекциялар;
- кардиолог – бошқариб бўлмайдиган АГ (артериал гипертензия/гипертония), сурункали юрак етишмовчилиги, юрак ритми ва ўтказувчанлигида бузилишлар;
- невропатолог – мия қон айланишининг ўткир бузилиши, менингит, энцефалит, нейролейкоз;
- нейрохирург – мия қон айланишининг ўткир бузилиши, дислокация синдроми;
- нефролог (эфферентолог) – буйрак етишмовчилиги;
- онколог – таҳминий катта ўсимталар мвжудлиги;
- оториноларинголог – бурун ва ўрта қулоқ ўсимта қўйнидаги яллиғланиш касалликлари диагностикаси ва даволаниши;
- офтальмолог – кўриш қобилятидаги бузилишлар, кўз ва кўз қисмларининг яллиғланиши касалликлари;
- проктолог – анал ёриғи, парапроктит;
- психиатр – психозлар;
- психолог – депрессия, анорексия ва бошқалар;
- реаниматолог – оғир сепсис, септик шокни даволаш, дифференцировка ва терминал ҳолатлар синдромида оғир ўпка шикастланиши синдроми, марказий вена катетерларини ўрнатиш.
- ревматолог – Свит синдроми;
- торакал хирург – экссудатив плеврит, пневмоторакс, ўпкалар зигомикози;
- трансфузиолог – нотўғри антиглобулин тестда, трансфузиялар самарасизлигида, ўткир массив қон йўқотишда трансфузия муҳитини танлаш учун;
- уролог – сийдик йўллари тизимидаги инфекция ва яллиғланиш касалликлари;
- фтизиатр – таҳминий туберкулёз;
- жарроҳ – хирургик асоратлар (инфекцион, геморрагик);
- юз-ияк жарроҳи – тиш-жағ тизимининг инфекция ва шикастланиш касалликлари.

5C

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган 18 ёшгача бўлган барча беморлар ҳамда ЎЛЛ аниқланган барча беморларда диагностика даврида касалликнинг тарқалишини аниқлаш ва терапиянинг тактикасини танлаб олиш учун дастлабки шифокор-невролог қабули (кўриги, консультацияси), дастлабки шифокор-офтальмолог қабули (кўриги, консультацияси) тавсия этилади

Невролог кўриги нейролейкемия белгилари (МАТ шикастланиши, фокусли симптоматика) бор-йўқлигини аниқлаш учун муҳим. Офтальмолог кўригида лейкомик инфильтрация, қон қуюлиши ҳолатлари бор-йўқлигини аниқлаш учун кўз остининг мажбурий текшируви ўтказилади.

5C

ЎЛЛга шубҳа қилинаётган юқори ҳавф остида турувчи гуруҳга мансуб бўлган барча 18 ёшгача бўлган беморлар, шунингдек, уларнинг опа-ука, ака-сингил, от-оналарида ГТХТ ўтказиш учун потенциал донорни топиш мақсадида HLA-антигенларини аниқлаш тавсия этилади

Тўлиқ мос келувчи қариндошлик донори аниқланганда, барча юқори хавф остида турувчи гуруҳга мансуб беморларда 1- ремиссия пайтида ГТХТни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Индукция терапияси ўтказилганидан сўнг ремиссияга эриша олмаган беморларда ҳар қандай турдаги аллоген ГТХТни (донор бор-йўқлиги ва техник имкониятлар етарлилигига қараб) мажбуран ўтказиш лозим. Шунинг учун барча беморлар юқори хавф остидаги гуруҳга ажратилганидан кейиноқ уларда HLA-типлашни амалга ошириш ва донорни излашга киришиш лозим

Проведение ТГСК показано всем больным высокого риска в 1-й ремиссии при условии обнаружения родственного полностью совместимого донора. Пациентам, не достигшим ремиссии

после проведения индукционной терапии, облигатно показана аллогенная ТГСК любого типа (в зависимости от доступности доноров и от технических возможностей). Поэтому всем пациентам HLA-типирование и инициация поиска донора должны проводиться сразу после стратификации пациентов в группу высокого риска.

Тез тиббий ёрдам босқичида ўтказиладиган диагностик чора-тадбирлар:

- шикоятлар ва касаллик анамнезини йиғиш;
- физикал текширув (нафас олиш тезлиги, юрак уриш тезлигини аниқлаш, тери устки қатламини баҳолаш, жигар, талоқ, периферик лимфа тугунларининг ўлчамини белгилаш).

Диагностик мезонлар

Суюк илигида иммунологик ва цитокимёвий хусусиятларга кўра лимфобластлар деб аталувчи бластлар миқдори 20% ошиқ бўлганда, бу ўЛЛнинг асосий мезони ҳисобланади.

Қиёсий ташхис

Дифференциал ташхис қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- Вирусли этиологияга мансуб инфекциялар (инфекцион моноклеоз, цитомегаловирус, Parvo B19, аденовирус, ҳамда бактериал токсоплазмоз)
- Суюк илигидаги неоплазиялар (ўткир миелобластик лейкоз, лимфомалар, миелодисплазии)
- Суюк илигининг метастатик шикастланиши (нейробластома, рабдомиосаркома, Юинг саркомаси)
- Аутоимунн ва ревматологик касалликлар (апластик анемия, ревматоид артрит, тизимли қизил тери сили касаллиги)
- Ўткир миелобластик лейкоз. Суюк илигининг бластлар билан (20%дан ошиқ) инфильтрацияси лейкокемия мавжудлигига ишора қилади. Иммуногистокимёвий текширувларни ўтказиш ва суюк илиги ҳужайраларини иммунофенотиплаш касаллик турини аниқлашга ёрдам беради.
- Миелодиспластик синдромлар. Диспоэза белгилари, суюк илигидаги бластларнинг керагидан ортиқ кўплиги, хромосомалар абберрацияси (бузилиши), жумладан қайтарилиувчи (7 хромосоманинг моносомияси, 5q-) МДСга хос. Бластлар миқдори 20%дан ошиғини ташкил қилса, иммуногистокимёвий текширувларни ўтказиш ва суюк илиги ҳужайраларини иммунофенотиплаш касаллик турини аниқлашга ёрдам беради.
- Апластик анемия – бластозлар йўқ бўлганда, шунингдек, ўзига хос клиник белгилар (пастбўйлик, терида “сутли қаҳва” рангидек доғлар, скелет ва буйраклар аномалиялари) мавжуд бўлмаганда ва хромосома синувчанлиги тест орқали тасдиқланмаган бўлса, чиқариб ташланади. Баъзи ҳолларда клиник тасвирлар намоён бўлмаслиги мумкин. Касаллик асосан 3-14 ёшда аниқланади, лекин айрим ҳолларда 40 ёшдан кейин ҳам аниқланиши мумкин.
- Катта грануляцияланган лейкоцитлар лейкози, Ходжкин лимфомаси, миелофиброзли Ходжкин бўлмаган лимфомалар оқим цитометрияси маълумотлари (айниқса, бу йирик грануляр лейкоцитлар лейкози ва тукли ҳужайрали лейкокемия учун муҳим) ва суюк илигининг гистологик ва иммуногистокимёвий текшируви (лимфоцитларнинг фокал ёки диффуз пролиферацияси ва/ёки миелофиброз белгиларини аниқлайди) асосида чиқариб ташланади.
- Мегалобластик анемиялар. Асосий диагностика услуби витамин B12 ва фолий кислотаси даражасини баҳолашдир. Мегалобластик анемияларга хос бўлган қўшимча белгиларга миелограммага кўра эритроцитларда гемоглобиннинг ўртача миқдорининг ошиб кетиши, эритроцитларнинг ўртача ҳажми ошиб кетиши, қон ишлаб чиқаришнинг мегалобластик тури ва бластоз етишмаслиги киради.

Даволаш

Болаларда ЎЛЛни даволаш мақсад ва усуллари:

- лейкемик клон эрадикацияси;
- нормал қон ишлаб чиқаришни тиклаш;
- ҳеч қандай асоратларсиз узоқ вақтга омон қолишга эришиш.

Танланган даволаш баённомасига асосан, ЎЛЛни даволаш цитостатик препаратларни қабул қилиш давомийлиги, вақти ва дозаларига мувофиқ оғиз, вена томири ва мушаклар орқали ҳамда интратекал тарзда юбориш ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, баённомада кўзда тутилган баъзи беморларда марказий асаб тизимини нурлантириш амалиёти ҳам ўтказилади. Терапия иложи борича эртароқ бошланиши лозим, бироқ терапияни бошлаш учун ташхис аниқ қўйилган ва касаллик ҳажми аниқ белгиланганига ишонч ҳосил қилинган бўлиши керак. Самарали даволашни амалга ошириш учун оқилона танланган ҳамроҳ ва ўрнини босувчи терапия зарур.

2B ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморларни даволашни сезиларли самарадорликка эга терапевтик баённомалар асосида комбинацияланган (бирлашган) цитостатик даволаш ёрдамида олиб бориш қатъий равишда тавсия этилади

2B Москва–Берлин гуруҳи баённомалари (ALL-MB-2008 ёки ALL-MB-2015)

Даволаш фақат махсус ишлаб чиқилган кимётерапия дориларининг дозалари ва комбинациясини, қабул қилиш вақтини, текширув тафсилотларини ҳамда цитостатик ва ҳамроҳ терапияни амалга ошириш тактикасини батафсил тартибга солувчи терапевтик баённомалардан бирига мувофиқ тарзда амалга оширилиши керак. Кимётерапия дориларининг дозалари, қўлланилиш вақти ва давомийлиги танланган терапевтик баённомага қатъий мос бўлиши керак. Дори-дармонларни алмаштириш, ўтказиб юбориш, дори дозасини, давомийлиги ёки кетма-кетлигини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Даволашни бошлашдан олдин, беморлар хавф гуруҳларига – касалликнинг қайталаниш хавфи паст ва юқори бўлган беморларнинг кичик гуруҳларига бўлинади, бу эса ташхис пайтида аниқланган прогностик омиллар асосида амалга оширилади.

Турли хил терапевтик баённомалар хавф гуруҳларини аниқлаш учун бироз фарқланувчи мезонларга эга, унга кўра беморлар турли хил даволаш вариантларини қабул қилишади, лекин беморлар асосан учта хавф гуруҳига бўлинади: стандарт, ўрта ва юқори.

ЎЛЛни замонавий даволаш бир қанча асосий фазалардан иборат: 4-6 ҳафта мобайнида юборилувчи 4 ва ундан кўпроқ агент ёрдамида ремиссия индукцияси, ремиссия консолидацияси («бирлашуви») ва асосан 2-3 йил давомидида антиметаболитлар билан мустаҳкамловчи (ушлаб турувчи) терапия.

ЎЛЛни даволаш фазалари ва қўлланилувчи кимёвий препаратлар

Терапия фазаси	Кимёвий препаратлар тўплами
Индукцион терапия	Преднизолон, ёки дексаметазон, винкристин, даунорубицин, L-аспарагиназа/PEG-аспарагиназа
Бирлаштириш терапияси	Циклофосфамид, цитарабин, меркаптопурин. Меркаптопурин, метотрексат, L-спарагиназа/PEG-аспарагиназа
Реиндукцион терапия	Дексаметазон, L-аспарагиназа, доксорубицин, винкристин, цитарабин, циклофосфамид

Мустаҳкамловчи терапия	Меркаптопурин, метотрексат
------------------------	----------------------------

Камида 4 компонентли индукция терапиясидан фойдаланганда терапия самарадорлигини ошириш учун ишончли далиллар мавжуд (глюкокортикостероид, винкрестин, антрациклинлар ва L-аспарагиназа/PEG-аспарагиназа).

ЎЛЛ билан касалланган беморларда ремиссия индукцияси стационар шароитда амалга оширилиши шарт. ЎЛЛ билан касалланган беморни даволашда ортга суриб бўлмайдиган интенсив терапияни тақозо қилувчи оғир асоратлар ривожланишига ҳам тайёр туриш лозим. Терапиянинг самарадорлигини баҳолаш 8, 15-кунларда ва индукция тугаши – 36- кунда амалга оширилади. 8-кунда циторедуктив профазадан сўнг периферик қондаги бласт ҳужайралар миқдори баҳоланади. 15-кунда эса – суюқ илигидаги бласт ҳужайралар миқдори. Индукция терапияси сўнгиде ремиссияга эришилганлик – суюқ илигидаги бласт ҳужайралар миқдори, экстрамедулляр ўчоқ борлиги/сақланиб қолганлиги баҳоланади. Ликвор ҳар люмбал пункция ўтказилганда баҳоланади. Индукция терапиясидан сўнг ремиссияга эриша олмаган беморлар юқори хавф остидаги гуруҳга киритилади.

Индукция терапияси сўнгиде ремиссияга эришган беморлар танланган терапевтик баённомага қараб консолидация (бирлаштирувчи) терапияни қабул қилишади. Консолидация терапияси асоратлар бўлмаган тақдирда бир кун стационар шароитда амалга оширилиши мумкин. Агар баённомада метотрексатнинг юқори дозаларини қўллаш кўзда тутилган бўлса, унда терапия доимий стационар шароитида ўтказилиб, метотрексат концентрацияси мониторинги амалга оширилиши зарур. Консолидация терапияси қоидага кўра бир қанча фазадан иборат (МВ баённомалари: S1, S2, S3 фазалари). Ҳар босқич бошланиши олдидан умумий қон таҳлили, биокимёвий қон таҳлилини албатта текшириш зарур. Дори-дармонлар дозасини белгилаш учун консолидация терапиясининг ҳар босқичи бошланиши олдидан тананинг сирт майдони қайтадан ҳисоблаб чиқилиши зарур. Консолидациянинг индивидуал босқичларини бошлаш шартлари ҳар бир терапевтик баённомада белгиланган бўлиб, бироз фарқ қилиши мумкин. Клиник ва гематологик ремиссиянинг сақлаб қолиниши, инфекция белгиларининг йўқлиги ва периферик қонда цитопениянинг йўқлиги жуда зарур.

1A ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморларда нейрорлейкемияни олдини олиш ва даволашга қаратилган компонентларни албатта қўллаш тавсия этилади

ЎЛЛни даволашда нейрорлейкемияни олдини олиш ва даволаш муҳим компонент саналади. Нейрорлейкемияни олдини олиш ва даволаш асосий услубларига кимёвий препаратлар (метотрексат, цитарабин, преднизолон)ни интратекал тарзда ёш дозировкасига мувофиқ юбориш ва даволаш бошланишининг илк кунларида краниал (бош суюғига оид) нурлантиришни амалга ошириш киради. Краниал нурлантириш бевосита ва узоқ муддатга қўшимча таъсирларга эга бўлгани сабабли, ундан ҳозирги баённомаларга кўра фақат айрим аниқ белгиланган ўрта/юқори хавф остида турувчи кичик гуруҳларга мансуб беморларда фойдаланилади.

2A Ph+ЎЛЛ (Филадельфия хромосомасига эга ЎЛЛ – t(9;22)(q34;q11.2)/BCR-ABL1) билан касалланган 18 ёшгача бўлган беморларда стандарт терапияга қўшимча равишда тиразинкиназ ингибитори (ТКИ)ни қўллаш тавсия этилади

Алоҳида терапевтик гуруҳни одатда индукция терапиясига ёмон жавоб қайтарилиши ва рецидивларнинг юқори тезлиги билан боғлиқ бўлган ёмон прогноз билан ажралиб турувчи Ph-мусбат ЎЛЛ (t(9;22) ёки BCR/ABLга эга) билан касалланган беморлар ташкил этади. Яқин вақтгача бундай беморлар учун, агар ремиссияга эришилган бўлса, юқори дозаларда амалга оширилувчи интенсив кимёвий терапия, кейинчалик эса ГТХТни ўтказиш стандарт терапия ҳисобланар эди. Энди эса, ҳозирги кунда ўтказилган ТКИнинг кимёвий терапия фонида қўлланилишининг юқори самарадорлигини қайд этувчи халқаро тадқиқотлар натижаларини инобатга олган ҳолда, ушбу гуруҳдаги беморлар индукция терапиясининг 15-кунда ҳар куни 300 мг/м² дозада иматинибни қабул қилишлари тавсия этилади. ГТХТни энди биринчи ремиссиядаги беморларда қўллаш умуман тавсия этилмайди, лекин касаллик рецидиви ривожланганда ва рефрактер (таъсир қилмайдиган) беморлар учун терапевтик опция сифатида сақланиб қолган. Рефрактерлик пайтида иматиниб дозасини иккига кўпайтириш мумкин (600 мг/м²/сут). Агар бемор организми доза кўпайганига ҳам жавоб қайтармаса, 2-авлод ТКИ терапияси (дазатиниб, нилотиниб)га ўтиш тавсия қилинади. Бундан ташқари, ремиссияга эришилганига қарамасдан, иматинибни организм қабул қилмаслиги ва ABL1 генида мутациялар борлиги ҳам, 2-авлод ТКИ терапияси (дазатиниб)га ўтиш учун ҳам асос бўлади.

Терапиянинг биринчи босқичида дазатинибни МАТнинг дастлабки шикастланиши мавжуд бўлган тақдирда қўллаш тавсия этилади, чунки у марказий асаб тизимига осон ўтувчи ягона ТКИ ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, ТКИ терапиясининг давомийлиги бўйича стандарт тавсиялар йўқ. Аммо, мавжуд маълумотлар бизга кимётерапия тугаганидан кейин камида 3 йил давомида Ph-мусбат ЎЛЛ бўлган беморларда ТКИ монотерапиясини давом эттиришни тавсия қилиш имконини беради.

2A

BCR-ABL1-га ўхшаш ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган беморларда терапиянинг илк кунларда организм ёмон жавоб қайтарса ва ABL1, ABL2, PDGFRB, CSF1R генларида мутациялар мавжуд бўлса, стандарт терапияга қўшимча тарзда ТКИни қўллаш тавсия этилади

Генлар экспрессияси билан бўлган лейкомиянинг Ph⁺-ЎЛЛга ўхшаш варианти – BCR-ABL1-га ўхшаш (аммо, BCR-ABL1 кимерик гени аниқланмаса) ЎЛЛ билан касалланган беморлар алоҳида терапевтик гуруҳни ташкил этади. Мазкур кичик гуруҳга ёмон прогноз, рецидивлар ва рефрактерлик ривожланишининг юқори хавфи, клиник кўринишларнинг хилма-хиллиги, ҳар хил сигнал йўналирини фаоллаштирувчи мутацияларнинг турличалиги хосдир. ЎЛЛнинг ушбу вариантга хос бўлган барча генетик ўзгаришлар бир қанча кичик гуруҳларга бўлинади: CRLF2 қайта тартибланиши, ABL синфга мансуб генларнинг қайта тартибланиши, JAK2 ва EPOR қайта тартибланиши, JAK-STAT ёки MAPK сигнал йўлларини фаоллаштирувчи мутациялар, бошқа кам учрайдиган киназалардаги бузилишлар.

Мураккаб генетик тасвирга қарамасдан, ҳозирги кундаги клиник тадқиқотлар кўп ҳолларда таргет (мўлжалли) терапиясининг нишони бўлмиш BCR-ABL1-га ўхшаш ЎЛЛ борлигига ишора қилмоқда. Бир қанча тадқиқотларда шундай беморларда кимёвий терапия билан бирлашган ТКИнинг самарадорлиги намоён бўлган. ABL1, ABL2, PDGFRB ва CSF1Rларнинг барча дефектларида тирозинкиназ ингибиторлари (иматиниб ёки дазатиниб)га нисбатан сезувчанлик кўринган.

JAK-STAT йўлини фаоллаштирувчи JAK2/EPOR ва бошқаларнинг қайта тартибланиши JAK2 (руксолитиниб)га нисбатан сезувчан бўлиши мумкин.

1A ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган барча беморларда антиметаболитлар билан ушлаб турувчи (мустваҳкамловчи) терапияни албатта ўтказиш тавсия этилади

Мустваҳкамловчи терапия умумий терапиянинг давомийлигига эришгунга қадар – 2 йил давом этади. Мазкур терапия ҳар кун перорал тарзда меркаптопуринни қабул қилишдан ва ҳар кунлик метотрексатни юборишдан иборат. Мустваҳкамловчи терапияни оқилона ўтказишнинг мажбурий шarti лейкоцитлар миқдорига қараб меркаптопурин ва метотрексатнинг дозасини ўз вақтида белгилаб олишдир. Ушбу вазифа, биринчи навбатда, лейкоцитларнинг барқарор равишда 2000 дан 3000/мкл-гача бўлган даражада бўлиши учун муҳим. Аплазия ривожланиши ва лейкоцитларнинг 3000–3500/мкл-дан ошиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Москва–Берлин баённомаларида мустваҳкамловчи терапиянинг ҳар 6 ҳафтасида реиндукциялар (дексаметазон + винкрестин)ни ҳам амалга ошириш кўзда тутилади. Илк 3-та реиндукцияда кимёвий препаратлар интратекал тарзда юборилади. Краниал нурлантириш амалга оширилган беморларга фақат 2-та препарат юборилади – метотрексат юборилмайди.

3A Индукция терапиясидан кейин ремиссияга эриша олмаган (юқори хавф гуруҳига мансуб) ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморларда интенсив юқори дозаларда ПКТ (поликимёвий терапия) ўтказиш тавсия этилади

Юқори хавфли гуруҳга мансуб беморлар, индукция терапияси тугагандан сўнг, интенсив ПКТ курслари - "блоклар" ҳисобланган кетма-кет юқори дозали интенсив ПКТни оладилар. Кўрсаткичлар мавжудлигига, мос келадиган донорга ва клиник ҳамда гематологик ремиссия ютуқларига қараб, беморларда ГТХТ имкон қадар эрта амалга оширилади.

Юқори хавфли гуруҳига мансуб беморлар учун терапия фақат доимий (24 соат) стационар шароитида амалга оширилади. Ҳар бир юқори дозали кимётерапия бошланишидан олдин умумий қон текшируви, биокимёвий қон текшируви, буйрак фаолияти текшируви (эндоген креатинин клиренси) ва ЭКГни амалга ошириш керак. Дори дозаларини ҳисоблаш учун тананинг сирт майдони ҳар бир блок бошланишидан олдин қайта ҳисоблаб чиқилади. Ҳар бир кимётерапия блокини бошлашдан олдин ремиссия ҳолати баҳоланади. Терапия иложи борица тезроқ бошланиши керак, бу биринчи учта терапевтик элемент учун айниқса муҳимдир. Элементлар орасидаги вақт оралиғи аплазиядан чиқиш, беморнинг умумий ҳолати ва объектив қайд этилган органик (аъзовий) токсиклиги билан белгиланади.

Кетма-кет иккита терапевтик элементнинг бошланиши орасидаги минимал оралиқ 21 кунни ташкил этади. Дозани камайтириш назарда тутилмаган. Зарурат туғилган тақдирда, маълум бир дори воситасини киритиш вақти ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Терапевтик элемент узилиб қолмаслиги шарт.

5C ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган юқори хавф гуруҳидаги беморларда, агар стандарт юқори дозали кимёвий терапия дозаларига нисбатан рефрактерлик (организм сезмаслиги) кузатилса, юқори дозали КТнинг блоклари билан антинуклеозидлар гуруҳига мансуб препаратлар – клофарабин/неларабинли 2- терапияни қўллаш тавси этилади

Мазкур беморлар гуруҳига аллоген ГТХТни ўтказиш орқали терапияни кейинчалик кучайтириш талаб этилади. ГТХТнинг муваффақиятли амалга оширилиши шarti – трансплантациядан аввал

КМҚ-манфий ремиссия саналади, бироқ, бу кўп ҳолларда “стандарт” терапияга нисбатан касалликнинг жавоб қайтармаслиги ва янги фаол кимёвий препаратларнинг етишмаслиги сабабли мураккаб вазифа ҳисобланади. Кейинги халқаро тадқиқотларга кўра, резистентликни енгиб ўтиш ва КМҚ-манфий ремиссияга эришиш мақсадида кейинчалик ГТХТни ўтказиш орқали нуклеозидларга аналог ҳисобланувчи гуруҳга мансуб янги препаратлар – клофарабин (ВЎ-ЎЛЛ ва Т-ЎЛЛ баъзи гуруҳлари учун) ҳамда неларабинларни (Т-ЎЛЛ учун) қўллаш самарали экани кўрсатилган. Клофарабин – ўз ўтмишдошлари бўлмиш флударабин ва кладрибинларнинг барча афзалликларини ўзида жамлаб, яратилган 2-авлод пурин нуклеозид аналоги. Унинг таъсир қилиш механизми бирлашган бўлиб, ДНК синтези ферментларини ингибиция (тўхтатиш, секинлатиш) ҳамда проапоптотик оқсил ва С цитохромасини ажратиб, митохондрияга бевосита таъсир қилишга асосланган. Неларабин – дезоксигуанозин аналоги препарати бўлиб, аденозиндезаминаза билан ага-Г-да деметиллашади ҳамда дезоксигуанозинкиназа ва дезоксицитидинкиназа билан 5’– монофосфатда фосфориллашади, кейинчалик эса 5’– трифосфат, ага-GTP-га айланади. Лейкемий бласт ҳужайралардаги ага-GTP аккумуляцияси ДНК синтези ингибициясига ва ҳужайраларнинг нобуд бўлишига олиб келади. “Стандарт” юқори дозали терапиядан сўнг ремиссияга эриша олмаган юқори хавф гуруҳидаги беморларга (ЎЛЛнинг иммунологик вариантга қараб) клофарабинни максимал дозаларда ёки неларабинни бошқа кимёвий препаратлар билан бирлаштирган ҳолда 2-терапия сифатида КТнинг юқори дозали блоклари таркибида қўллаш тавсия этилади.

2С

Юқори дозали КТ ўтказилгандан сўнг КМҚ-нинг юқори даражаси қайд этилган юқори хавф гуруҳидаги ВЎ-ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган беморларда КМҚ-манфий ремиссияга эришиш мақсадида ва келгусида ГТХТни ўтказиш билан блинатумомабни қўллаш тавсия этилади

ГТХТни ўтказишдан аввал КМҚ-манфий ремиссия қайд этилиши зарур. Юқори хавф гуруҳидаги рефрактер беморлар учун бундай ремиссияга эришиш касалликнинг дастлабки босқичларида нотўғри даволаш ва янги фаол кимёвий препаратларнинг етишмаслиги сабабли мураккаб вазифа ҳисобланади.

Сўнги вақтларда ЎЛЛни даволашда иммунотерапевтик усулларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай усуллардан бири эффектор Т-ҳужайраларни ўсимтага қарши ҳаракатга келтирувчи биспецифик антитаналар (BiTE АТ)ни қўллашдир. Шундай BiTE АТлардан бири блинатумомаб – BiTE АТ анти-CD19/CD3 ҳисобланади. Ушбу бир занжирли АТнинг бир томони лейкомик ҳужайраларда экспрессияланувчи CD19-антигени билан бирлашади, бошқа томони эса – беморнинг ўзининг Т-лимфоцитлари CD3-антигени билан бирлашади. Шундай қилиб, блинатумомаб қўзғатилмаган Т-ҳужайраларни ҳаракатга келтириб, уларни В-лимфобластларининг CD19+га қарши тўғридан-тўғри цитотоксикликка мажбур қилади. Болалардаги ЎЛЛнинг энг кўп учрайдиган варианты В-ҳужайралар ўтмишдошлари ўсимтаси ҳисобланади. Фарқланишнинг тўхтаб қолиши В-ҳужайраларнинг ҳар қандай ривожланиш босқичида содир бўлиши мумкин. Бироқ, етилишнинг ҳам дастлабки, ҳам кейинги босқичларида улар CD19ни экспрессия қилиб, блинатумомаб учун нишон бўлади. ВЎ-ЎЛЛ билан касалланган КМҚ-нинг юқори даражаси қайд этилган беморларга юқори дозаларда КТ ўтказилгандан сўнг КМҚ-манфий ремиссияга эришиш мақсадида блинатумомабни қўллаш, кейин эса ГТХТ ўтказиш тавсия этилади. Блинатумомаб 45 кг вазнгача бўлган болаларга 24 соат давомида узлуксиз инфузия

сифатида 8- кунгача 5 мкг/м²/сут дозада, кейин эса 28- кунгача 15 мкг/м²/сут дозаларда қабул қилинади. Вазни 45 кгдан ошиқ болаларга эса – мос равишда 9 мкг/сут ва 28 мкг/сут.

Ҳамроҳ терапия

Терапевтик баённомаларнинг етарли даражада бажарилиши учун ҳар бир терапевтик баённомада батафсил тавсифланган ва қўлланиладиган кимётерапияга боғлиқ бўлган бир вақтда даволаш тамойилларига қатъий риоя қилиш зарур. Бироқ, "умумий" кўрсатмалар ҳам мавжуд.

5C Интенсив терапия даврида ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшгача бўлган беморларда марказий вена катетерини ўрнатиш тавсия этилади

Марказий вена босимини, тез-тез қон олинишини ва суюқликларни юборишнинг юқори тезлигини кузатиш имконини берувчи марказий вена катетери мавжудлиги интенсив юқори дозаларда КТ олаётган юқори хавф гуруҳидаги беморлар учун ҳам илк терапия босқичларида жуда муҳим саналади.

5C ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморларда терапиянинг илк кунларида (хафталарида) ўсимта лизиси синдроми (ЎЛС)ни олдини олишга қаратилган терапевтик чора-тадбирларни аниқ ўтказиш тавсия этилади

ЎЛС – бирданига ўсимта ҳужайраларининг йирик парчаланиши ҳамда ҳужайра таркибидаги моддалар ва метаболитларнинг периферик толалар ва плазмага бшатилиши натижасида юзага келувчи метаболит бузилишлар комплекси ҳисобланади. ЎЛС патофизиологияси ва клиник тасвири марказида метаболит бузилишлари ва калий, кальций, фосфатлар ҳамда сийдик кислотаси ажралиб чиқиши ётади. ЎЛС ПКТнинг илк 4 кунда тез ривожланади. Лекин синдром 7-кунгача, кечроқ бошланган ҳолатлар ҳам бор. ЎЛСнинг ривожланиш хавфи даражаси ўсимтанинг дастлабки массасига, КТ бошланиши арафасида беморнинг ҳолатига ва метаболитнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. ЎЛСни олдини олишнинг энг муҳим чора-тадбирларига оқилона гидратация, сийдик ишқорлашуви, гиперурикемиядан огоҳлантириш ва тузатиш, ҳамда экстролитик бузилишларга қарши курашиш киради. Стандарт оғирлик 3000 мл/м² ни, 10 кг вазнгача бўлган болаларда эса – суткасига 200 мл/кг суюқликни ташкил этади. Инфузиялар учун базавий эритма 1:1 нисбатда 5% глюкоза ва 0,9% NaCl дан иборат. Дастлабки инфузия – калийсиз амалга оширилади. Бироқ, кейинчалик биокимёвий таҳлилларга мувофиқ электролитлар коррекцияси ўтказилиши лозим. Юқори диурез – 100–250 мл/м²/ч-ни юзага келтириш ва ушлаб туриш муҳим чора-тадбир саналади.

Кислота (шўр) муҳитда сийдик кислотаси жуда секин эришини ҳисобга олиб, сийдикнинг нейтрал ёки енгил ишқорли рН ни ушлаб туриш зарур: литр инфузия учун 60 ммоль NaHCO₃ (60 мл 7,5% сода эритмаси ёки 100–120 мл 4% сода эритмаси) доимий инфузия (ёки 100–200 ммоль/м²/сут параллель инфузия)га қўшилади. Сийдик рНсига мос NaHCO₃ керакли ҳажми тартибга солиниши лозим. Барча беморларга терапиянинг илк кунларида (5–8 кунлари) 10 мг/кг/сут дозада 2–3 маротаба (тах – 500 мг/сут) аллопуринол қабул қилиш ёзилади. Лейкемик ҳужайралар массаси ҳаддан ортиқ бўлса ва/ёки аъзолар катталашиши кузатилса, глюкокортикостероидларнинг биринчи дозаси ЎЛСни олдини олиш учун суткалик дозадан 1/10 – 1/6 ни ташкил этиши зарур.

5C Кимётерапия олаётган ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшгача бўлган беморларда бутун даволаниш мобайнида ко-тримоксазол [сульфаметоксазол + триметоприм] билан пневмоцистик пневмонияни универсал профилактикаси (олдини олиш) тавсия этилади

Ко-тримоксазол [сульфаметоксазол + триметоприм] ҳафтада 3 марта триметоприм бўйича 5 мг/кг дозада бир марталик қабул қилиш ёки сульфаметоксазол per os бўйича 20 мг/кг (юқори дозали метотрексатни қўллаш даври бундан мустасно).

5C ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшгача бўлган беморларда безгак ёки бошқа инфекция белгилари майдо бўлганда, кечиктирмай дарҳол эмпирик антибактериал терапияни бошлаш тавсия этилади

Нейтропения (нейтрофиллар < 500/мкл) билан оғриган беморда безгак деб базавий тана ҳароратининг бир марталик > 38,5°Cга кўтарилиши ёки кўп марталик (суткасига 3-4 марта) 38°Cгача кўтарилишига айтилади. Инфекцияси бор беморлар вафот этиши хавфи юқорилигини инobatга олган ҳолда, нейтропения билан касалланган бемордаги миелосупрессив ПКТ мобайнида ривожланган безгак инфекция борлигидан далолат бериб, дарҳол эмпирик антибактериал терапияни бошлашни ҳамда инфекция характерини аниқлаш мақсадида аниқ текширувни амалга оширишни талаб қилади. Антибиотикларнинг бошланғич комбинациясини танлашда мазкур клиникадаги бошқа беморларда кўп мартаба ўтказилган бактериологик натижаларини ҳам ҳисобга олиш зарур: жорий нейтропения давомийлиги, аввал ўтказиладиган КТ, беморнинг инфекцион анамнези, аввал қабул қилинган антибиотиклар курслари ва уларнинг самарадорлиги, клиник симптоматика мавжудлиги.

Бошланғич антибактериал терапиянинг самарадорлиги унинг етарли эканлигини белгилаш мақсадида одатда 24-36 соат ўтганидан сўнг баҳоланади, бироқ гемодинамика барқарорлиги ва интоксикация даражаси, ҳамда янги инфекция пайдо бўлиши эҳтимолини баҳолаш учун 8-12 соат оралиқда беморни такроран батафсил кўриқдан доимо ўтказиб туриш муҳим. Антибактериал терапия нейтропения буткул йўқотилгунга қадар давом этади.

5C ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшдан кичик бўлган беморларда ҳам итраконазолни ёки вориконазолни, ҳам винкристинни бир вақтнинг ўзида қабул қилиш токсикликнинг кескин ошиши туфайли тавсия этилмайди

5C ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган беморларда гранулоцитар ва колониялар вужудга келишини қўзғатувчи фактор (Г-КСФ)ни фақатгина оғир, ҳаётга хавф туғдирувчи инфекциялар ривожлангандагина қўллаш тавсия этилади

Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Г-КСФни нотўғри қўллаш рецидив хавфини ошириши мумкин. Шунинг учун, Г-КСФдан гемопоезни қўзғатиш учун қон ишлаб чиқариш аплазияси фонида фақат ҳаёт учун хавфли бўлган оғир инфекциялар ривожланганда фойдаланиш тавсия этилади. Оғир инфекциялар ҳодисасидан ташқари, Г-КСФ-дан гемопоезни қўзғаш учун аплазия даврини қисқартириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилмайди.

5C Барча ЎЛЛ билан касалланган 18 ёшга тўлмаган беморларда гемоглобин миқдори 70 г/л-дан тушиб кетса, эритромаасса трансфузияси тавсия этилади

Пневмония ва нафас олиш етишмаслигидан ташқари барча ҳолатларда эритромаасса трансфузиясини гемоглобин 70 г/л-дан паст бўлганда, гематокрит эса 0,3 дан кам бўлганда ёки анемия синдромининг клиник симптомлари (дардчил серуйқулик, тахикардия, нафас қисилиши) мавжуд бўлганда амалга оширилиши лозим. Қўйиладиган эритромаасса дозаси 10 мл/кг-ни ташкил этади. Инфекция ривожланганда, эритромаасса трансфузияси гемоглобин миқдори 100 г/л-дан тушиб кетганда амалга оширилади.

5C

Барча 18 ёшгача бўлган ЎЛЛ билан касалланган беморларда тромбоцитлар миқдори 15 – 20×10⁹/л-дан тушиб кетганда, тромбоконцентрат трансфузияси тавсия этилади

Тромбоцитлар трансфузияси дастурий даволаниш пайтида ҳеч қандай ёмон асоратлар бўлмаса тромбоцитлар даражаси 15 000 – 20 000/мм³ дан тушиб кетганда амалга оширилади. Қўйиладиган тромбоцитлар миқдори 10 кг вазнга 1 дозани ташкил қилади (1,5 м 2 тана сирт майдонига 4-6 доза), бунда тромбомассанинг 1 дозасида 0,5–0,7×10¹¹ миқдорда тромбоцитлар бўлиши лозим. Инвазив манипуляциялар ўтказиш зарурати туғилганда, тромбомасса фақатгина тромбоцитлар 40 000 – 50 000 минг/мклдан тушиб кетганда қўйилади. Ҳозирги кунда қоида бўйича аферез йўли билан махсус сепаратор-ускуналар ёрдамида битта донордан олинган тромбоцитларни қўллаш керак.

Бошқа терапевтик чоралар

5C

ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморларда нур терапиясини (танланган терапия баённомасига қараб) фақат бошланғич нейролейкемия ёки бошқа ёмон омиллар бор бўлгандагина ўтказиш тавсия этилади

Краниал нурлантириш бевосита ва узоқ муддатга қўшимча таъсирга эга, шунинг учун ҳам ундан (танланган терапевтик баённомадаги тавсияларга қараб) фақатгина хавф гуруҳига мансуб айрим кам сонли беморларга нисбатан фойдаланилади. Краниал нурлантириш қоида бўйича 12 Гр дозада, консолидация даври тугашига ўтказилади. Нурлантириш бутун бош суюгини ва албатта умуртқанинг бўйин қисмидаги 3-та тепа сегентини қамраб олиши муҳим аҳамият касб этади. Ретроарбитал соҳалар, бош суюги асоси, ҳамда ўрта бош суюги чуқурчаси соҳасида чуқур ётган жойларнинг ҳам қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар кунлик доза биринчи кун учун – 1 Гр, кейинги кунлар учун – 1,7 Гр-ни ташкил қилади. Тегишли умумий дозага эришиш учун ҳафтасига 5 кун мобайнида нурлантириш зарур. Нурлантиришнинг умумий давомийлиги индивидуал тарзда қабул қилинадиган нурлантириш дозаларига боғлиқ. Краниал нурлантириш чизиғли ү-тезлаткичда ўтказилиши зарур.

5C

Юқори хавф гуруҳига мансуб 18 ёшга тўлмаган ЎЛЛ билан касалланган беморларда 1-ремиссия даврида ГТХТ ўтказиш тавсия этилади

Кўрсатмаларга, резервдаги донорга ва CRга эришишга қараб, юқори хавф гуруҳидаги беморларга иложи борича эрта муддатда ГТХТ ўтказилади. ГТХТни 1- ремиссиядаги юқори хавф гуруҳига мансуб барча касалларда ва ЎЛЛ рецидивлари мавжуд касалларда ўхшаш бўлган тўлиқ ўриндош донор топилиши шарти билан (юқори аниқликдаги HLA-типлаш) амалга оширишга рухсат берилади (кеч изоляцияланган экстремедулляр рецидивли беморлар бундан мустасно).

Шунинг учун барча беморларда HLA-типлаш ва донор излашни бошлаш беморларни тегишли юқори хавф остидаги гуруҳларга ажратишдан сўнг дарҳол йўлга қўйилиши зарур. Индукция терапияси ўтказилганидан кейин ремиссияга эришмаган беморларга ҳар қандай турдаги аллоген ГТХТни амалга ошириш (техник имкониятлар ва донор топилишига қараб) мажбурий ҳисобланади.

Номедикаментоз даво

- Тартиб ва парҳез бемор ҳолатининг оғирлигига боғлиқ.
- Тартиб – ётоқ.
- Парҳез – Стол №11, стол №1Б, стол №5П (оқсилга бой аччиқ, ёғли, қовурилган овқатлар ман этилади).

- изоляция қилинган (бокс) палаталардаги беморлар: Талаблар: ламинар ҳаво оқими; юқумли касалларни манфий босимга эга палаталарга изоляция қилиш; шахсий гигиена ва қўлларни тўғри тозалаш (“ЖССТнинг тиббий-санитария ёрдамда қўллар гигиенаси бўйича қўлланмаси”га асосан, Женева, 2006 г.);
- агранулоцитозда оғиз бўшлиғини поролон чўткалар билан тозалаш, антисептик билан чайиш;
- Парҳез: кам бактериал овқатлар, кўп овқатланиш – ёш бўйича нормага нисбатан оқсил миқдорининг бир ярим бараварини ташкил этувчи, витамин ва минералларга бой юқори калорияли парҳез. 1 Турли хил овқатланиш бузилиши бўлган болалар учун овқатга ҳар хил шифобахш аралашмаларни қўшиш.
- Марказий вена катетерини (тефлондан) ўрнатиш орқали вена йўлини таъминлаш. Катетерни чизиқ бўйлаб ўзгартириш тақиқланади. Полиэтилендан бўлган катетерларни юқори тромбогенлик ва инфекция ривожланиши хавфи борлиги сабабли қўллаш тақиқланади. Марказий катетерни фақат ўқимишли тиббиёт ходими кузатиб тура олади ва парваришлайди

Жарроҳлик даво

Ўткир жарроҳлик патологияси ривожланганда ҳаёт учун зарур кўрсатмаларга асосан ўтказилади.

Диспансер кузатув

ЎЛЛ билан касалланган беморларга нисбатан махсус профилактик чора-тадбирлар ҳали ишлаб чиқилмаган.

5С

ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморлар учун гематолог/педиаторнинг диспансер кузатувини/текширувини ўтказиш тавсия этилади

Мустаҳкамлаш терапиясини бошлашдан олдин тўлиқ ремиссия мавжуд бўлганда, бемор яшаш жойи бўйича педиатр (гематолог)га юборилади. Мустаҳкамлаш терапияси беморга яшаш жойи бўйича кўрсатилади. Маҳаллий педиатр (гематолог) аввал даволаган муассаса мутахассислари томонидан берилган тавсияларга амал қилади. Кейинги диспансер кузатувини туман педиатрлари ва гематологлари бошқа мутахассислар билан яқин алоқада олиб борадилар (кўрсатмаларга кўра). Касалликнинг ривожланишини, бошқа локализацияда ўсимтанинг ривожланиши эҳтимолини ўз вақтида аниқлаш диспансер кузатувининг асосий компоненти ҳисобланади.

Беморни кейинги босқичларда олиб бориш

Лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ҳамда мутахассис кўрикларининг даврийлиги:

- Умумий клиник қон таҳлили (лейкоцитар формулани ҳисоблаш мажбурий) мустаҳкамлаш терапияси тугагунига қадар ҳафтада бир марта олинади. Мустаҳкамлаш терапияси тугаганидан сўнг эса – ойда бир марта.
- Ташхислаш пайтида аниқланган барча позицияларни мужассам қилган биокимёвий қон таҳлили мустаҳкамлаш терапияси тугагунига қадар – 3 ойда бир марта, мустаҳкамлаш терапияси тугаганидан сўнг эса – 6 ойда бир марта олинади.
- Суюк илиги пункцияси ва люмбал пункция фақат касалликнинг рецидив ривожланишига гумон қилингандагина амалга оширилади.
- Қорин бўшлиғи, кичик тос аъзолари ва қорин орқа ҳудуди УТТси мустаҳкамлаш терапияси тугагунига қадар 3 ойда бир марта амалга оширилади. Мустаҳкамлаш терапияси тугаганидан сўнг эса – 6 ойда бир марта.

- Даволаган гематолог мустаҳкамлаш терапияси бошланганидан сўнг ва беморни яшаш жойи бўйича педиатр (гематолог)га топширганидан сўнг, беморни мустаҳкамлаш терапияси тугагунига қадар 3 ойда 1 марта кўриқдан ўтказди. Мустаҳкамлаш терапияси тугаганидан сўнг эса ҳамда касаллик рецидиви ривожланиши гумон қилинганда – 6 ойда бир марта.
- Бемор яшаш жойи бўйича педиатр (гематолог)га топширилганда, бир-бирига яқин фанлар мутахассисларининг режавий текширувига заррат йўқ. Агар беморнинг қайсидир аъзолар тизимида терапия жараёнида вужудга келган ва ёндош мутахассислар аралашувини талаб қилувчи патология мавжуд бўлса, назорат текширувлари даврийлиги ўша ўхшаш фан мутахассисининг ўзи томонидан индивидуал тарзда ўрнатилади ва белгиланади.

ЎЛЛ билан касалланган беморларни эмлаш/вакцинация қилиш:

- Даволаниш мобайнида беморлар эмланмайди (истисно тарзда иммунозаиф (заифлашган иммунитетга эга) беморларга махсус схема асосида терапия вақтида гепатит Вга қарши вакцина қилиниши мумкин).
- Агар мустаҳкамлаш терапияси тугашига тўлиқ ремиссияга эришилса, тирик вакциналарни чиқариб ташлаган ҳолда тўлиқ ҳажмда эмлаш ишларини амалга ошириш мумкин.

Ташкиллаштирилган коллективда бўлиш имконияти:

- Интенсив терапия ўтказилиши давомида тавсия этилмайди.
- Мустаҳкамлаш терапияси ўтказилиш даврида эпидемиологик ҳолат ва беморнинг клиник-лаборатор ҳолатидан келиб чиқиб чекланган.
- Мустаҳкамлаш терапияси тугаганидан сўнг чекланмаган.

Спорт ва оғир ишлар билан шуғулланиш имконияти:

- Интенсив терапия вақтида жисмоний зўриқишларга йўл қўймаган маъқул.
- Мустаҳкамлаш терапияси даврида беморнинг клиник-лаборатор ҳолатидан келиб чиқиб чекланган.
- Мустаҳкамлаш терапияси тугаганидан сўнг даволаниш вақтида таянч-ҳаракатланиш тизими патологияси ёки оғир ҳамроҳ касалликлар ривожланган тақдирда чекланади. Агар бундай патология ва ҳамроҳ касалликлар мавжуд бўлмаса, чекланмайди.

Тиббий реабилитация

5C ЎЛЛ билан касалланган барча 18 ёшга тўлмаган беморларда комплекс реабилитация ўтказиш тавсия этилади

Реабилитация бола касаллигининг биринчи кундан бошлаб ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Госпитализация босқичининг вазифалари биргалиқда касаллик ва асоратларни аниқлаш, асосий касалликни даволаш, ҳар томонлама тиббий ва психологик реабилитация қилиш ва ўзига хос терапия асоратларининг олдини олишдан иборат. Бемор бола психологик ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари, соғлом тенгдошлари билан мулоқотнинг йўқлиги, педагогик эътиборсизлик, бола-ота-она муносабатларининг гипер ҳимояланишга нисбатан деформацияси, алоқа функцияларининг бузилишидан келиб чиққан ҳолда, психологик ва педагогик реабилитация бу босқичда комплекс реабилитациянинг энг муҳим компоненти ҳисобланади. Мазкур босқичда реабилитациянинг якуний мақсадига эришиш учун касаллик ва ҳаракатиш фаоллиги чекланиши туфайли боланинг ўсиши ва ривожланишидаги бузилишларнинг олдини олиш, ҳаракатланишдаги бузилишларнинг

олдини олиш каби жуда муҳим бўлган вазифалар ҳам ҳал қилинади. Мустаҳкамлаш терапиясини бошлашдан олдин бемор тўлиқ ремиссияга эриша олса, яшаш жойи бўйича педиатр (гематолог)га юборилади. Беморга яшаш жойида ёрдамчи терапия кўрсатилади. Яшаш жойидаги педиатр (гематолог) аввал даволаган муассаса мутахассислари томонидан берилган тавсияларга амал қилади. Ушбу босқичда тиббий, жисмоний ва руҳий реабилитация ўтказилади, беморнинг аъзо тизимлари функционал ҳолати тикланади, шунингдек, бемор амбулатория режими шароитларига мослашади, унинг психологик ҳолатини/ ишлаш қобилияти тикланади, ўрганилади. Диспансер кузатуви туман педиатрлари ва гематологлари томонидан бошқа мутахассислар билан яқин алоқада олиб борилади (кўрсатмалар бўйича). Комплекс реабилитация диспансер кузатувининг ажралмас компоненти ҳисобланиб, бунга психопрофилактика, терапиянинг узоқ муддатли таъсири/ асоратларини ва ҳамроҳ касалликларни аниқлаш, дори-дармонли, психологик, жисмоний реабилитация, ўқитиш, касбга йўналтириш, оилавий маслаҳат каби ижтимоий ва ҳуқуқий реабилитация киради.

Тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштириш

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамга қон, қон ишлаб чиқарувчи аъзолар касалликларини, лимфоид, қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин толалардаги хавфли ўсимталарни олдини олиш, ташхислаш, даволаш, тиббий реабилитация қилиш ва соғлом турмуш тарзини ташкил этиш киради. Беморда ЎЛЛ борлиги шубҳа қилинганда, маҳаллий шифокор-педиатр, умумий амалиёт шифокори (оилавий шифокор) ёки бошқа мутахассис шифокорлар қонунда белгиланган муддат ичида бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатиш мақсадида беморни консултация (маслаҳат) учун ташхисни аниқ белгилаш мақсадида махсус манипуляциялар (суяк илиги пункцияси, суяк илиги трепанобиопсияси) ёрдамида асосий ташхислашишлари амалга оширилувчи махсус тиббий муассаса (гематологик кабинет, гематологиянинг клиник-диагностик бўлими)га юборадилар.

Ташхислаш (диагностика) тадқиқотларини ўтказишнинг имкони йўқ бўлган тақдирда, бемор юқори технологик, малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи ва гематологик касалликларни аниқ ташхисловчи бошқа тиббий муассасага йўлланади. Малакали, шу жумладан, юқори технологик тиббий ёрдам шифокор-гематологлар ва бошқа мутахассис шифокорлар томонидан доимий қолиб даволанишни кўзда тутувчи стационар шароитда кўрсатилиб, унга махсус услублар ва мураккаб уникал тиббий технологияларни талаб қилувчи касаллик ва ҳолатларни олдини олиш, ташхислаш, ва даволаш, шунингдек, зарур моддий-техникавий базага, юқори малакали мутахассисларга ва тиббий фаолиятни олиб бориш учун лицензияга эга тиббий муассасалар томонидан амалга оширилувчи тиббий реабилитация киради.

ЎЛЛ билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг мазкур босқичида, текширув ва даволаш тактикаси, ҳамда госпитализация зарурати шифокор-гематологлар томонидан (зарур бўлса, қўшимча бошқа мутахассис шифокорлар томонидан ҳам) белгиланади. Шифокорлар консилиуми (кенгаши) қарори тегишли баённомада қайд этилиб, унинг барча қатнашчилари томонидан имзо билан тасдиқланиб, беморнинг тиббий ҳужжатларига киритилади.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида ЎЛЛ шубҳа қилинганда ёки аниқланганда, махсус ўсимтага қарши даволаш услубларини қўллаш зарурати ва бемор билан ишлаш тактикасини аниқлаш мақсадида беморни гематологик/онкологик касалликларда тиббий ёрдам кўрсатувчи махсус тиббий муассасаларга юборилади.

Стационар шароитида (режа асосида) госпитализация қилиш учун кўрсатмалар:

- Илк маротаба диагностик босқичини амалга ошириш учун қонда хавфли касаллик гумон қилинганда

- Терапиянинг кейинги босқичини (мустаҳкамловчи терапиядан ташқари) амалга оширишга зарурат туғилганда

Показания для госпитализации в стационар (экстренно):

- Первично при подозрении на злокачественное заболевание крови для проведения первичного лечения
- Любое ухудшение состояния пациента, развитие осложнений, требующих проведения экстренной терапии в условиях стационара
- Подозрение на рецидив заболевания/развитие второй опухоли

Показания к выписке пациента из медицинской организации

- Окончание этапа терапии при условии отсутствия инфекционных и токсических осложнений, системных нарушений, требующих терапии в условиях стационара
- Окончание интенсивной терапии при сохранении клинико–гематологической ремиссии
- В случае признания пациента инкурабельным, для дальнейшего оказания паллиативной медицинской помощи в медицинской организации по месту жительства.

Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари

Ремиссия мезонлари:

Периферик қон

- бластемия йўқлиги;
- нейтрофиллар миқдори $1,0 \times 10^9$ /л-дан буткул юқорилиги;
- тромбоцитлар 100×10^9 /л-дан кўплиги;
- периферик қонда бластлар ва промиелоцитлар йўқлиги.

Суяк илиги

- ҳужайрали суяк илиги 5% дан кам бластлар;
- экстрамедулляр ўчоқлар йўқлиги.

Нейролейкоз

- цитологик текширувда орқа мия суюқлигида бластлар йўқлиги. 5 кл/мкл-дан кўпроқ цитоз кузатилиши мумкин, лекин бу белги кузатилиши муқаррар эмас.

Рефрактерлик:

- индукциянинг 1 фазасидан сўнг ремиссия йўқлиги

Прогрессия:

- Камида 25% циркуляция бластларининг ёки суяк илигидаги бластларнинг кўпайиши ёки экстрамедулляр ўчоқлар/маконларнинг пайдо бўлиши
- Суяк илиги рецидиви – Аввал тасдиқланган суяк илиги рецидиви мавжуд бўлган беморда навбатдаги суяк или текширувида 5% кўпроқ бластларнинг аниқланиши;
- Нейрорецидив – Цитоз ва бош суяги ичидаги ҳажмли ўсимталардан қатъи назар орқа мия суюқлигида гистологик тасдиқ билан бластлар аниқланиши. Агар мазкур ўзмаларни биопсия қилиш имкони бўлмаса, позитрон-эмиссион томография (ПЭТ) / компьютер томографияси ўтказилиши мумкин.
- Тестикуляр рецидив ташхиси пальпацияда зижлашган мойкнинг бир ёки икки томонлама катталашиши асосида қўйилади.

- Бошқа экстрамедулляр рецидивлар – тери, орбиталар, умуртқа ва кўкрак қафаси орасидаги шикастланишлар, лимфа тугунлардаги ҳамда бомодсимон безлардаги шикастланишлар ва бошқалар гистологик ва иммуногистокимёвий усул билан аниқланади.

№	Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари	Бажарилди
1.	18 ёшгача бўлган ва ЎЛЛ билан касалланган (дея гумон қилинган) беморларда дастлабки қабул пайтида, индукция терапиясининг 8 кунда ва кейин кимёвий терапия ўтказиши пайтида умумий (клиник) қон таҳлили олиниб, лейкоцитлар (лейкоцитар формула) дифференциал миқдори ҳисобланди.	Ҳа/Йўқ
2.	18 ёшгача бўлган ва ЎЛЛ билан касалланган (дея гумон қилинган) беморларда индукция даврида (терапиянинг 15-кунда ва индукция тугашига) пункция орқали суюк илигидан цитологик препарат олиниб, суюк илиги суртмаси цитологик текшируви (миелограмма) ўтказилди	Ҳа/Йўқ
3.	18 ёшга тўлмаган ЎЛЛга шубҳа қилинган беморда суюк илиги препарати цитокимёвий текшируви ўтказилди	Ҳа/Йўқ
4.	18 ёшга тўлмаган ЎЛЛга шубҳа қилинган беморда суюк илигидаги гемопозетик ўтмишдош ҳужайраларнинг иммунофенотипланиши ўтказилди	Ҳа/Йўқ
5.	18 ёшга тўлмаган ЎЛЛга шубҳа қилинган беморда суюк илиги аспириати бир жуфт хромосомасида цитогенетик текширув (кариотип) ва молекуляр-генетик текширув (FISH-услуги) ўтказилди	Ҳа/Йўқ
6.	18 ёшга тўлмаган ЎЛЛ билан касалланган (дея шубҳа қилинган) беморда диагностика даврида ва терапия жараёнида орқа мия пункцияси амалга оширилиб, орқа мия суюқлиги таркибидаги оқсил ва глюкоза даражалари текширилди, орқа мия суюқлиги микроскопода кузатилди. Шунингдек, ҳисоб камерасида ҳужайралар ҳисобланиб (цитоз аниқланиши), орқа мия суюқлигидаги ҳужайраларнинг цитологик текшируви ўтказилди.	Ҳа/Йўқ
7.	ЎЛЛ аниқланган 18 ёшгача бўлган беморни қуйидаги терапевтик баённомалардан бири, Москва –Берлин гуруҳи баённомалари (ALL-MB-2008 ёки ALL-MB-2015) ёки BFM гуруҳи баённомалари (ALL-BFM-95 ёки ALL-BFM-2000) бўйича даволашга кўрсатма берилди.	Ҳа/Йўқ
8.	18 ёшга тўлмаган, ЎЛЛ аниқланган беморда нейролейкемияни олдини олиш ва даволаш ишлари амалга оширилди.	Ҳа/Йўқ
9.	18 ёшга тўлмаган, ЎЛЛ аниқланган беморда антиметаболитлар ёрдамида мустаҳкамлаш терапиясини ўтказишга кўрсатма берилди.	Ҳа/Йўқ
10.	Rh+ЎЛЛ аниқланган 18 ёшга тўлмаган беморда (филадельфия хромосомали ЎЛЛ – t(9;22)(q34;q11.2)/BCR-ABL1) стандарт терапияга ТКИ ҳам қўшилди	Ҳа/Йўқ
11.	ЎЛЛ аниқланган 18 ёшга тўлмаган беморларда интенсив терапия даврида марказий вена катетери ўрнатилди	Ҳа/Йўқ
12.	ЎЛЛ ташхиси қўйилган 18 ёшгача бўлган беморда терапиянинг биринчи кунларида (ҳафталарида) ЎЛСни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди	Ҳа/Йўқ

Иловалар

Клиник баённомани ишлаб чиқиш методологияси

Далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи (диагностик аралашувлар учун)

Далилларнинг ишончлилик даражаси	
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

Далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи (профилактик, даволаш, реабилитацион аралашувлар учун)

Далилларнинг ишончлилик даражаси	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

Тавсияларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	
A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
B	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
C	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган (кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)


18 ёшгача бўлган ЎЛЛ билан касалланган беморларни даволаш баённомалари

ALL-MB 2015 Россия тадқиқот гуруҳи баённомаси бўйича даволашнинг асосий қоидалари ва схемалари

АЛЛ-МБ 2015 тадқиқотида "хавф гуруҳи" ўрнига "терапевтик гуруҳ" атамаси ишлатилган. Терапевтик гуруҳ терапияни бошлашдан олдин аввалдан аниқланиб, генетик тадқиқот натижаларини олгандан кейин белгиланади. Терапиянинг 36 кунда (В-ўтмишдош хужайралар ЎЛЛ учун) ҳамда 15 ва 36 кунда (Т-ЎЛЛ учун) ҳар бир бемор такроран баҳоланади. Агар даволашга нисбатан ёмон жавоб қайд этилса, бемор юқори хавф остидаги гуруҳлардан бирига ўтказилади. Маълум бир терапевтик гуруҳ учун баённомани фақатгина барча дастлабки маълумотлари аниқ бўлган ва керакли текширувлардан ўтган беморларгагина қўллаш зарур. Агар қайсидир банд учун қандайдир маълумот (мисол учун, иммунофенотиплаш, дастлабки люмбал пункция амалга оширилмаган бўлса), бемор маълум бир терапевтик гуруҳга киритила олмайди, ва унинг учун терапевтик режа индивидуал тарзда тадқиқот раҳбари томонидан клиниканинг бошқа шифокорлар билан биргаликда ишлаб чиқилади.

ALL-MB 2015 тадқиқотларида терапевтик гуруҳларга ажратиш

Барча беморлар (>1 ёш < 50 ёш)



Терапевтик гуруҳларга ажратиш мезонлари

Барча беморлар бошидан бласт ҳужайраларнинг иммунотипига қараб В-ўтмишдош ҳужайрали ўЛЛ ва Т-ўЛЛга ажратилади. Ph-мусбат ўЛЛ (t(9;22); BCR-ABL1) билан касалланган беморлар алоҳида гуруҳ (F гуруҳ)га ажратилади.

В-ўтмишдош ҳужайрали ўЛЛ билан касалланган беморлар қаторига қуйидагилар киради:

- Ҳар қандай ёшдаги ва бошқа белгилар бор-йўқлигидан қатъи назар **t(12;21)ли беморлар** алоҳида ажратилади. Қўшимча клиник аломатлар бор-йўқлигига қараб улар 2 гуруҳга бўлинади: «1221 -SR» гуруҳ («стандарт хавф» беморлари) ва «1221-IR» гуруҳ («оралиқ хавф» беморлари). «1221-SR» гуруҳи: лейкоцитлар дастлабки миқдори $<30 \times 10^9/\text{л}$ ва қоражигар (талоқ) ўлчами <4 см, МАТ (марказий асаб тизими) ҳолати I/II. «1221-IR» гуруҳи: лейкоцитлар дастлабки миқдори $\geq 30 \times 10^9/\text{л}$ ва/ёки қоражигар (талоқ) ўлчами ≥ 4 см ва/ёки МАТ ҳолати III (бир белгининг ўзи етарли).
- Ёшдан қатъи назар **D терапевтик гуруҳидаги** беморларда дастлабки лейкоцитоз $\geq 100 \times 10^9/\text{л}$ («D1» гуруҳи) ва/ёки дастлабки лейкоцитоздан қатъи назар t(4;11) мавжудлиги («D2» гуруҳи). Бунда дастлабки лейкоцитоз $\geq 100 \times 10^9/\text{л}$ бўлган ва t(12;21)га эга беморлар «D1» гуруҳига киритилмайди.
- Бошқа беморлар ёшга қараб стратификация қилинади (ажратилади): **15 ёшдан кичик беморлар** қўйидаги белгилар бор-йўқлигига қараб терапияни қабул қиладилар: «А» гуруҳи – «стандарт хавф» беморлари ва «В» гуруҳи – «оралиқ хавф» беморлари. «А» гуруҳи: лейкоцитлар дастлабки миқдори $<30 \times 10^9/\text{л}$ ва қоражигар (талоқ) ўлчами <4 см, МАТ ҳолати I/II. «В» гуруҳи: лейкоцитлар дастлабки миқдори $\geq 30 \times 10^9/\text{л}$ ва/ёки қоражигар (талоқ) ўлчами ≥ 4 см ва/ёки МАТ ҳолати III (бир белгининг ўзи етарли).
- **15 ёшдан катта беморлар алоҳида** «С» терапевтик гуруҳига ажратилади.
- В-ўтмишдош ҳужайрали барча терапевтик гуруҳлар («А», «В», «С», «D1», «D2», «1221-SR», «1221-IR»)даги беморлар терапиянинг 36 кунда ремиссия мавжуд бўлмаса юқори хавф гуруҳи («Е» гуруҳи)га ўтказилади.

Т-ўЛЛ билан касалланган беморлар *ёшларидан қатъи назар* 3-та терапевтик гуруҳлар (қуйи, ўрта ва юқори хавф гуруҳлар) га ажратилади. Стратификация бласт ҳужайралардаги CD1a ва Т-ҳужайрали рецеторлар (TCR – T cell receptor) экспрессиясига ҳамда терапиянинг 8, 15 ва 36-кундаги натижаларга асосан амалга оширилади. Ҳар бир гуруҳ («Т-LR», «Т-IR», «Т-HR») учун ўз терапевтик қатори кўзда тутилган.

«Т-LR» гуруҳи: «CD1a+, TCR–» дастлабки лейкоцитоз $<500 \times 10^9/\text{л}$ ва терапиянинг 8- (<1000 бласт ҳужайралари/мкл периферик қонда) ва 15- ($<30\%$ суюқ илигида) кунда яхши жавоб қайтариши шarti билан ҳамда терапиянинг 36- кунда ремиссияга эришилиши шarti билан. Агар терапиянинг 8- кунда периферик қон мклда ≥ 1000 бласт ҳужайралари бўлса, беморлар Т-IR гуруҳига ўтказилади.

«Т-IR» гуруҳи: «CD1a+, TCR+» ёки «CD1a–, TCR–» терапиянинг 15- кунда ($<30\%$ суюқ илигида) яхши жавоб қайтарлиши ва терапиянинг 36- кунда ремиссияга эришилиши шarti билан.

15- кунда ёмон натижа ($\geq 30\%$ суюқ илигида) қайд этилса ёки терапиянинг 36- кунда ремиссияга эришилмаса, Т-LR ва Т-IR гуруҳи беморлари юқори хавф гуруҳи (Т-HR) га ўтказилади.

Пациенты с вариантом экспрессии «CD1a–, TCR+» эксперссия тури бўлган беморлар бошидан T-HR гуруҳига киритилади.

Терапевтик режалар

«А», «В», «1221-SR», «1221-IR» гуруҳи беморлари индукция, учта консолидация ва мустаҳкамлаш терапиясини олади. «В» гуруҳидаги 10 ва ундан катта ёшдаги беморларда қўшимча 12 Гр дозада краниал нурлантириш ўтказилади. «1221 -SR» гуруҳидаги терапия «А» гуруҳидаги терапиядан, «1221-IR» гуруҳиники эса – «В» дан асосан фарқ қилмайди. Улар орасидаги яқона фарқ шундаки, «1221» гуруҳидаги беморлардан ҳеч бирига краниал нурлантириш амалга оширилмайди.

«С» гуруҳидаги беморлар индукциядан сўнг 6 консолидацияларни умумий миқдори 36-та бўлган аспарагиназа, бироқ 5 000 ЕД дозада (шундай қилиб, аспарагиназа кумулятив дозаси ALL-MB 2002 ва ALL-MB 2008 тадқиқотларига кўра оралиқ хавф гуруҳидаги беморларга мос келади), ва мустаҳкамлаш терапиясини қабул қилишади. МАТ дастлабки шикастланмаган мазкур гуруҳдаги беморлар нурлантирилмайди.

«D1» гуруҳи беморлари индукция, уч консолидация, 12 гр дозада краниал нурлантириш ва мустаҳкамлаш терапиясини қабул қиладилар. Мазкур гуруҳдаги беморларга ПЭГ - аспарагиназа индукциянинг 5-суткасида (одатда ўсимталарнинг катта ўлчамдалигини инобатга олган ҳолда индукциянинг 3- кунда эмас). «D2» гуруҳидаги терапия «D1» гуруҳидаги терапияга ўхшаш, лекин реиндукцияга бортезомиб қўшилган.

«T-LR» ва «T-IR» гуруҳи беморлари индукция, 3 консолидация ва мустаҳкамлаш терапиясини қабул қиладилар. Мазкур гуруҳ беморларида МАТ дастлабки шикастланиши кузатилмаган тақдирда, нурлантириш ўтказилмайди. «T-IR» гуруҳи беморлари индукция терапиясининг қўшимча 2- фазасини оладилар (Protocol 1b).

«F» гуруҳи беморлари индукция, 3 консолидация, 12 гр дозада краниал нурлантириш ва мустаҳкамлаш терапиясини оладилар. Индукциянинг 15-кундан бошлаб, бутун терапия (шу жумладан, мустаҳкамлаш терапияси) мобайнида ва терапия тугаганидан кейин камида 3 йил давомида, беморлар доимий тарзда 300 мг/м²/сут дозада иматинибни қабул қиладилар (агар молекуляр жавоб қайтарилиши назорати/мониторинги жараёнида иматиниб дозасини кўпайтиришга ёки препаратни тирозинкиназанинг бошқа ингибиторига алмаштиришга зарурат туғилмаса).

«А», «В», «С», «1221», «T-LR», «T-IR» гуруҳлари барча беморларида марказий асаб тизимининг дастлабки шикастланганлиги (МАТ III) қайд этилса, улар тегишли терапевтик гуруҳи учун мўлжалланган баённомага асосан даволанадилар ва уларда 12 гр дозада қўшимча краниал нурлантириш ўтказилади.

«E» ва «T-HR» гуруҳи беморлари (юқори хавф гуруҳи беморлари) индукция тугашига «F1» ва «F2» паллиатив кимёвий терапия блокларинини оладилар. Кейинчалик, ремиссия ҳолати ва бласт ҳужайраларининг иммунологик мансублилига қараб (-Т-ЎЛЛ/Т-ЎЛЛ эмас), интензив кимёвий терапиянинг турли хил блокларига баъзи ҳолларда неларабин ёки клофарабин қўшилган экспериментал терапия ҳам ўтказилади. Баъзи ҳолларда «E» гуруҳи беморларига анти -CD19 моноклонал биспецифик антитана ҳисобланган блинатумумаб препарати билан даволаш ҳам тавсия этилиши мумкин. «E» ва «T-HR» гуруҳи барча беморларига (юқори хавф беморлари) ремиссияга эришилгандан сўнг юқори хавфдаги кимёвий терапия доирасида иложи борица қисқа

вақтда мажбурий тарзда албатта ҳар қандай турдаги аллоген Суяк илиги трансплантацияси ўтказилиши лозим (донорлар мавжудлиги ва техник имкониятларга қараб).

Шунинг учун ушбу гуруҳнинг барча беморларига HLA-типлаш ва HLA-ўхшаш донорни излашни бошлаш ишлари беморлар мазкур терапевтик гуруҳга ажратилганидан кейиноқ амалга оширилиши керак.

Терапия схемаси

Индукция

- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os кунига 2 марта 12 соат оралиғи билан. 1-кундан 28-кунга қадар. Тўлиқ бир суткалик дозага ўсимтанинг дастлабки массасига қараб секин-аста эришилади. Терапиянинг 29-кундан дексаметазон дозаси камайтириб борилади: 29 -31 кунлари – 3 мг/м², 32-34 кунлари – 1,5 мг/м², 35-36 кунлари – 0,75 мг/м²; кейинчалик дексаметазон бутунлай бекор қилинади.
- Пэгаспаргаза – 1 000 Ед/м² томир ичига терапиянинг 3-кунида томизилади (в/в капельно).
- Винкрестин – 1,5 мг/м² (максимал доза – 2 мг) 8, 15, 22, 29 ва 36-кунлари томир ичига қўйилади (в/в струйно).
- Даунорубицин – 45 мг/м² терапиянинг 8 ва 22-куни томир ичига томизилади. «А» ва «1221-SR» гуруҳлари беморлари учун 22-куни фақатгина 15-кун ҳолатига кўра илик сўягида 10%дан кўпроқ бласт ҳужайралари аниқлансагина юборилади.
- Иматиниб – «F» гуруҳи беморларига индукциянинг 15-кундан бошлаб 300 мг/м²/сут per os дозада. Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – бемор ёшига қараб даволанишнинг 0/1, 8, 15, 22, 29 ва 36-кунлари.

Ёшга қараб интратекал терапия учун мўлжалланган препаратлар дозалари:

Ёш	Метотрексат (мг)	Цитарабин (мг)	Преднизолон (мг)
1 ёшдан кичик	6	20	4
1 ёшдан 2 ёшгача	8	30	6
2 ёшдан 3 ёшгача	10	40	8
3 ёшдан катта	12	50	10

Агар 36 кунга МРД жавоби ижобий бўлса Блинотумумаб(блинцито) дориси беморнинг вазнига қараб схема бўйича 2 курс қилинади.

Консолидация 1

- Меркаптопурин– кунига 50 мг/м² per os ҳар куни (7 -12-ҳафта); «Т-IR» гуруҳига – 12-17-ҳафта мобайнида
- Метотрексат – 30 мг/м² мушаклар ичига ҳафтада 1 марта (7 -12- ҳафта); «Т-IR» гуруҳига – 12-17-ҳафта мобайнида

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади.

- Аспарагиназа – мушаклар ичига ҳафтада 1 марта метотрексат юборилгандан аниқ бир сутка (кун-у тун) ўтгандан кейин, (7-12- ҳафта; «Т-IR» гуруҳига – 12-17-ҳафта); «А», «С», «1221-SR»

гуруҳлари учун – 5 000 Ед/м² дозада, «В», «D1», «D2», «F», «1221-IR», «T-LR», «T-IR» гуруҳлари учун – 10 000 Ед/м² дозада

- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб 7-, 9-, 11- ва 13-ҳафтада; «T-IR» гуруҳига – 12-, 14-, 16- ва 18-ҳафтада
- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os кунига икки марта 12 соат оралиғи билан 10 кун мобайнида, кейин 3 кун ичида тез бекор қилинади –13-14- ҳафталар; «T-IR» гуруҳига – 18-19-ҳафта.
- Винкристин– 1,5 мг/м² (максимал доза – 2 мг) 85-, 92- кунда (13-, 14- ҳафта) томир ичига қўйилади (в/в струйно); «T-IR» гуруҳига – 124-, 131- кунда (18-, 19- ҳафта).
- Даунорубицин – 30 мг/м² томир ичига томизилади (в/в капельно). Икки марта «В», «D1», «D2», «F», «1221-IR», «T-LR» гуруҳларига – 44- ва 65- кунда (7-, 10- ҳафталар), «T-IR» гуруҳига – 79- ва 93- кунлари (12, 14- ҳафталар); ва бир марта «С» гуруҳига – 85 кун (13- ҳафта).
- Иматиниб – «F» гуруҳи беморлари 300 мг/м²/сут per os доимий равишда бутун консолидация давомида оладилар.
- Бортезомиб – «D2» гуруҳи беморлари 1,3 мг/м² дозада болюс тарзда (жуда ҳам тез) 3-5 сония ичида томир ичига қўйилиб, филиологик эритма билан катетер ёрдамида 85, 89, 92, 96- кунлари ювиб ташланади (13, 14- ҳафта).

Консолидация 2

- Меркаптопурин – кунига 50 мг/м² per os ҳар кун (15 -20- ҳафта); «T-IR» гуруҳига – 20-25- ҳафта.
- Метотрексат – 30 мг/м² мушаклар ичига ҳафтада бир марта (15-20- ҳафта); «T-IR» гуруҳига – 20-25- ҳафта.

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади.

- Аспарагиназа – мушаклар ичига ҳафтада бир марта метотрексат юборилгандан сўнг аниқ бир сутка (кун-у тун) ўтгандан сўнг, (15-20- ҳафта ; «T-IR» гуруҳига – 20 -25- ҳафта); «А», «С», «1221-SR» гуруҳлари учун – 5 000 Ед/м² дозада, «В», «D1», «D2», «F», «1221-IR», «T-LR», «T-IR» гуруҳлари учун – 10 000 Ед/м² дозада
- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб – 141- кун бир марта (21- ҳафта) «А», «(нур терапияси ўтказилиши режалаштирилган) В», «D1», «D2», «F», «1221-SR» гуруҳлари учун; «(нур терапияси ўтказилмайдиган) В», «1221 -IR», «С», «T-LR» гуруҳлари учун 4 марта 15,17,19 ва 21- ҳафтасида; «T-IR» гуруҳига – 20, 22, 24 ва 26- ҳафтада.
- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os кунига икки марта 12 соат оралиғи билан кейинчалик 3 кун ичида тез бекор қилинади – 21-22- ҳафтада; «T-IR» гуруҳига – 26-27- ҳафтада.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) 141, 148- кун (21, 22- ҳафта); «T-IR» гуруҳига – 180, 187- кун (26, 27- ҳафта) томир ичига қўйилади
- Даунорубицин – 30 мг/м² томир ичига томизилади. Икки марта «В», « D1», «D2», «F», «1221-IR», «T-LR» гуруҳларига – 98 ва 121- кун (15, 18- ҳафталарда), «T-IR» гуруҳига – 135 ва 156 кун (20, 23- ҳафталарда); ва бир марта «С» гуруҳига – 141- кун (21- ҳафтада).
- Иматиниб – «F» гуруҳи беморлари бутун консолидация давомида 300 мг/м²/сут per os дозада.
- Бортезомиб – «D2» гуруҳи беморларига 1,3 мг /м² дозада болюс тарзда (жуда ҳам тез) 3 -5 сония ичида томир ичига қўйилиб, сўнгра физиологик эритма билан катетер ёрдамида 141, 145, 148, 152- кун (21, 22- ҳафта) ювилади.

Консолидация 3

- Меркаптопурин – кунига 50 мг/м² per os ҳар куни (23 -28- ҳафта); «Т-IR» гуруҳига – 28-33- ҳафта.
- Метотрексат – 30 мг/м² мушак ичига ҳафтада 1 марта (23-28- ҳафта); «Т-IR» гуруҳига – 28-33- ҳафта

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади.

- Аспарагиназа – мушак ичига ҳафтада 1 марта метотрексат юборилганидан сўнг аниқ бир сутка (кун-у тун) ўтгандан сўнг, (23-28- ҳафта; «Т-IR» гуруҳига – 28-33- ҳафта); «А», «С», «1221-SR» гуруҳлари учун – 5 000 Ед/м² дозада, «В», «D1», «D2», «F», «1221-IR», «Т-LR», «Т-IR» гуруҳлари учун – 10 000 Ед/м² дозада.
- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб – 1 марта 197 куни (29- ҳафтада) «А», «(нур терапияси) В», « D1», «D2», «F», «1221-SR» гуруҳлари учун; 4 марта «(нур терапияси кўзда тутилмаган) В», «1221 -IR», «С», «Т-LR» и «Т-IR» гуруҳлари учун 23, 25, 27 ва 29- ҳафтада; «Т-IR» гуруҳига – на 28, 30, 32 ва 34- ҳафтада.
- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os кунига 2 марта 12 соат оралиғи билан 10 кун мобайнида, кейин 3 кун ичида тез бекор қилинади – 29-30- ҳафтада; «Т-IR» гуруҳига – 34-35- ҳафта.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) 197, 204 куни томир ичига қўйилади (29, 30- ҳафта); «Т-IR» гуруҳига – 232, 239 кунига (34, 35- ҳафта).
- Даунорубицин – 30 мг/м² томир ичига томизилади. 1 марта «В», «D1», «D2», «F», «1221-IR», «Т-LR» гуруҳлари учун – 163 куни (24- ҳафта); «С» ва «Т-IR» гуруҳларига – 197 куни (29- ҳафта).
- Иматиниб – «F» гуруҳи беморлари доимий равишда бутун консолидация давомида 300 мг/м²/сут дозада per os
- Бортезомиб – «D2» гуруҳи беморлари 1,3 мг/м² дозада болус тарзда (жуда ҳам тез) 3-5 секунд ичида томир ичига қўйилиб, физиологик эритма билан катетер ёрдамида 197, 201, 204, 208- кунлари (29, 30- ҳафта) ювилади.

Консолидация 4 (фақат «С» гуруҳи беморлари)

- Меркаптопурин – кунига 50 мг/м² per os ҳар куни (31-36- ҳафта)
- Метотрексат – 30 мг/м² мушак ичига ҳафтада 1 марта (31-36- ҳафта)

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади

- Аспарагиназа – мушак ичига ҳафтада 1 марта метотрексат юборилгандан кейиноқ аниқ бир сутка (кун-у тун) ўтгандан кейин, (31-36- ҳафта); 5 000 Ед/м² дозада
- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб – бир марта 253- куни (37- ҳафта).
- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os кунига 2 марта 12 соат оралиғи билан 10 кун мобайнида, кейин эса 3 кун ичида – 37-38- ҳафтада тез бекор қилинади.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) 253, 260- кунлари (37, 38- ҳафта) томир ичига қўйилади.
- Даунорубицин – 30 мг/м² томир ичига томизилади. 1 марта 253- куни (37- ҳафта).

Консолидация 5 (фақат «С» гуруҳи беморлари).

- Меркаптопурин– кунига 50 мг/м² per os ҳар куни (39-44- ҳафта).
- Метотрексат – 30 мг/м² мушак ичига ҳафтада 1 марта (39-44- ҳафта).

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади

- Аспарагиназа – мушак ичига ҳафтада 1 марта метотрексат юборилгандан сўнг бир сутка (кун-у тун) ўтгандан (39-44- ҳафта); 5000 Ед/м² дозада
- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб – бир марта 309- кун (45- ҳафта).
- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os 2 марта 12 соат оралиғи билан 10 кун давомида кейин 3 кун ичида тез бекор қилинади – 45-46- ҳафталар.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) 309, 316- кунлари (45, 46- ҳафта) томир ичига қўйилади.
- Даунорубицин – 30 мг/м² томир ичизга томизилади. Бир марта 309- кун (45- ҳафта).

Консолидация 6 (фақат «С» гуруҳи беморлари)

- Меркаптопурин– кунига 50 мг/м² per os ҳар кун (47-52- ҳафта).
- Метотрексат – 30 мг/м² мушак ичига ҳафтада 1 марта (47-52- ҳафта).

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади

- Аспарагиназа – мушак ичига ҳафтада 1 марта раз метотрексат қабул қилинганидан сўнг аниқ бир сутка ўтгандан сўнг, (47-52- ҳафта); 5 000 Ед/м² дозада
- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб – бир марта 365- кун (53- ҳафта).
- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут per os кунига икки марта 12 соат вақт оралиғи билан 10 кун мобайнида, кейин 3 кун ичида бекор қилинади – 53-54- ҳафталар
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) 365, 372- кун (53, 54- ҳафта) томир ичига қўйилади.

Индукциянинг иккинчи фазаси (Ib баённома) (фақат «Т-IR» гуруҳи беморлари).

- Циклофосфамид– 1000 мг/м² дозада, 43 ва 71- кун 1 соатга томир ичига томизилади.
- Месна – 400 мг/м² циклофосфамид инфузиясидан олдин томир ичига, шунингдек, препарат юборилгандан сўнг 4 ва 8 соатга.
- Цитарабин – 75 мг/м²/сут дозада, томир ичига қўйилади, 45, 46, 47, 48; 52, 53, 54, 55; 59, 60, 61, 62 ва 66, 67, 68, 69- кунлари (4 марта 4-кунлик блоклар бўйича).
- Меркаптопурин – 60 мг/м²/сут дозада, per os, 43-дан 71- кунга қадар (умумий 28 кун; 4 ҳафта)
- Инtrateкал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб 52 ва 66- кун.

Юқори хавф гуруҳлари беморлари терапияси («Е» ва «Т-НР» гуруҳлари)

Блок F1-F2

- Метилпреднизолон – 80 мг/м²/сут, per os ёки томир ичига 3 марта; 1 – 5; 11 – 15- кунлар.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) томир ичига қўйилади; 1, 6 ва 11- кун.
- Метотрексат – 5 000 мг/м² томир ичига 1- кунда 24 соатда. Умумий дозадан 1/10, оғир доза сифатида томир ичига 30 дақиқада томизилади. Умумий дозадан 9/10 узоқ томир ички инфузияси сифатида 23,5 соатда.
- Кальций фолинати – 15 мг/м² томир ичига 42, 48 ва 54 –чи метотрексат инфузияси соатида

Лейковорин дозасини ва миқдорини кўпайтириш қондаги метотрексат концентрациясига боғлиқ.

- Цитарабин – 2 000 мг/м² томир ичига 3 -соатлик инфузия сифатида 11- ва 12- кунлари. 4 марта 12 соат оралиғи билан.

- Пэгаспаргаза – 1 000 Ед/м² 2 соатда томир ичига томизилади; 4 ва 14- кунлар.
- Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб; 1 ва 15- кунлар.

HR-1 Блоки

- Метилпреднизолон – 80 мг/м²/сут, per/os ёки томир ичига 3 марта; 1 – 5- кунлар.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) томир ичига қўйилади; 1 ва 6- кунлар.
- Метотрексат – 5 000 мг/м² 24 соатга 1- куни қўйилади.
- Умумий дозадан 1/10, оғир доза сифатида 30 дақиқада томир ичига қўйилади, умумий дозадан 9/10 узоқ томирички инфузия сифатида 23,5 соатда.
- Кальций фолинати – 15 мг/м² метотрексат инфузиясининг 42, 48 ва 54- соатларида

Лейковорин дозасини ва миқдорини кўпайтириш қондаги метотрексат концентрациясига боғлиқ.

- Циклофосфамид – 200 мг/м² 1 соатда томир ичига томизилади; 2– 4- кунлар. 5 марта 12 соат оралиғи билан.
- Месна – 70 мг/м² циклофосфан инфузиясидан олдин томир ичига, ҳамда препарат юборилгандан кейин 4 ва 8 соатда.
- Цитарабин – 2 000 мг/м² 3-соатлик инфузия сифатида 5- куни. 2 марта 12 соат оралиғи билан.
- Пэгаспаргаза – 1 000 Ед/м² 2 соатда томир ичига томизилади; 6- куни.
- Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб; 1- куни.

HR-2 Блоки

- Метилпреднизолон – 80 мг/м²/сут, per/os ёкт томир ичига 3 марта; 1, 5-кунлар.
- Метотрексат – 5 000 мг/м² томир ичига 24 соатда 1-куни.
- Умумий дозадан 1/10, оғир доза 30 дақиқада умумий дозадан 9/10 узоқ томирички инфузия сифатида 23,5 соатда томир ичига томизилади.
- Кальций фолинат – 15 мг/м² томир ичига метотрексат инфузиясининг 42, 48 ва 54-соатида.

Лейковорин дозасини ва миқдорини кўпайтириш қондаги метотрексат концентрациясига боғлиқ.

- Пэгаспаргаза – 1 000 Ед/м² 2 соатда томир ичига томизилади; 6- куни.
- Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб; 1-куни.
- Виндезин – 3 мг/м² (максимал бир марталик доза 5 мг) томир ичига 1 ва 6-кунлар.
- Ифосфамид – 800 мг/м², томир ичига 1 соат давомида, 2, 4- кунлар. 5 марта 12 соат оралиғи билан.
- Месна – 400 мг/м² томир ичига ифосфамид инфузиясидан олдин, ҳамда препарат юборилгандан сўнг 4 ва 8 соатда.
- Даунорубицин – 30 мг/м², 24 соатда томир ичига томизилади, 5- куни.

HR-5 Блоки

- Метилпреднизолон – 80 мг/м²/сут, per/os ёкитомир ичига 3 марта; 1, 3-кунлар.
- Клофарабин – 52 мг/м² (30 ёшдан кичик беморларга) томир ичига 2 соатда томизилади, 1, 5- кунлар
- Циклофосфамид – 300 мг/м² 1 соатда томир ичига томизилади; 1, 5-кунлар. 5 марта 24 соат оралиғи билан.
- Месна – 100 мг/м² томир ичига циклофосфан инфузиясидан олдин, ҳамда препарат юборилганидан сўнг 4 ва 8 соатда.

- Этопозид – 100 мг/м² 2, 3, 5-кунлар, 2 соатда томир ичига томизилади. 3 марта 24 соат оралиғи билан.
- Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб; 1-кун.

HR-6 Блоки

- Метилпреднизолон – 80 мг/м²/сут, per/os ёки томир ичига 3 марта; 1, 5-кунлар.
- Неларабин – 1 400 мг/м² томир ичига 1 соатда; 1, 3, 5-кунлар.
- Цитарабин – 300 мг/м² томир ичига 3 марта, 3, 5-кунлар. 6 марта 12 соат оралиғи билан.
- Циклофосфамид – 200 мг/м² томир ичига 1 соатда томизилади; 1 – 5-кунлар. 5 марта 24 соат оралиғи билан.
- Месна – 70 мг/м² томир ичига циклофосфан инфузиясидан олдин, ҳамда 4 ва 8 соатда препарат юборилганидан сўнг.
- Пэгаспаргаза – 1 000 Ед/м² 2 соатда томир ичига томизилади; 6- кун.
- Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб; 6-кун.

HR-7 Блоки

- Дексаметазон – 6 мг/м²/сут, per/os ёки икки марта томир ичига; 1 – 5-кун.
- Клофарабин – 52 мг/м² (30 ёшдан кичик беморларга) томир ичига 2 соатда томизилади, 1-5-кун.
- Цитарабин – 1000 мг/м² томир ичига 3 соатлик инфузия сифатида, 1-5- кунлари. 5 марта 24 соат оралиғи билан.
- Идарубицин – 8 мг/м², 6 соатда томир ичига томизилади, 3-5- кунлари

Краниал нурлантириш

Нур терапияси 10-15 яшар «В» терапевтик гуруҳи беморларида, «D» ва «F» терапевтик гуруҳларининг 3 ёшдан катта барча беморларида ўтказилади. Барча терапевтик гуруҳлари учун нурлантириш дозаси бир хил бўлиб, 12 Грни ташкил этади.

Нур терапияси айрим мезонлар бўйича бошқа гуруҳга мансуб бўлсада, бироқ МАТ дастлабки шикастланиши бўлган (МАТ ҳолати III) барча беморларда ўтказилади. Нурлантириш дозаси 1 ёшдан 3 ёшгача беморлар учун 8 Гр, 3 ёшдан катта беморларга – 12 Гр.


Нурлантириш даврида 2 марта интратекал тарзда препаратлар юборилади (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ҳафтада бир марта.

Меркаптопурин– кунига 50 мг/м² per os ҳар кун бутун краниал нурлантириш давомида. 6-МП дозаси қондаги лейкоцитларга қараб тўғриланади.

Мустақамлаш терапияси

Мустақамлаш терапияси «А», «В», «D 1», «D2», «F», «1221-SR», «1221-IR», «T-LR» терапевтик гуруҳи беморлари учун баённоманинг 31- ҳафтасида бошланади. «С» гуруҳи беморлари учун терапиянинг 55-ҳафтасида бошланади. «T-IR» гуруҳи беморлари учун – 36-ҳафтада.

ALL-MB 2015 баённомаси бўйича қўллаб-қўвватловчи даволаш схемаси



Мустаҳкамлаш терапияси даволашнинг умумий давомийлиги – 2 йилгача давом этиб, 6 та Меркаптопурин+Метотрексат ҳафталик курсларидан ташкил топган, ундан кейин 2 ҳафталик «Дексаметазон+Винкристин» реиндукция даври келади, 1 марта интратекал тарзда 3 та препарат (метотрексат, цитарабин, преднизолон) юборилади. Интратекал терапия фақат терапиянинг 1-йилида ўтказилади.

- Меркаптопурин– кунига 50 мг/м² per os ҳар куни.
- Метотрексат – 30 мг/м² мушак ичига ҳафтада бир марта.

6-МП ва метотрексат дозалари қондаги лейкоцитларга ҳам тўғриланади.

- Дексаметазон – per os ҳар куни 10 кун давомида, кейин 3 кун ичида тез бекор қилинади. Препаратнинг бир суткалик дозаси икки марталикка ажратилиб, 12 соат оралигидан ярим дозадан қабул қилинади.
- Винкристин – 1,5 мг/м² (максимал доза 2 мг) ҳафтада 1 марта (реиндукциянинг 1- ва 8- кунлари) томир ичига қўйилади.
- Интратекал тарзда (метотрексат, цитарабин, преднизолон) – ёшга қараб 37, 45 ва 53-ҳафтада (биринчи винкристин билан ҳар реиндукцияда). Кейин интратекал терапия ўтказилмайди. Нур терапиясидан кейинги интратекал терапия икки препарат (цитарабин, преднизолон) билан ўтказилади.

Ота-оналар учун маълумот

Лейкоз ёки лейкокемия – суяк илиги касаллиги бўлиб, халқ тилида “оққон касаллиги” деб ҳам аталади. Лейкемияда табиий қон ишлаб чиқариш бузилади: бунда ноодатий етилмаган қон ҳужайраларининг – лейкоцитларнинг ўтмишдошлари ортиқча миқдорда ишлаб чиқарилади. Ушбу бласт ҳужайралари суяк илигида тўпланиб ва кўпайиб, табиий қон ҳужайраларининг ишлаб чиқарилиши ва ишлашига тўсқинлик қилиб, касалликнинг асосий белгиларини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, бу ўсимта ҳужайралари лимфа тугунларида, жигарда, талоқда, марказий асаб тизимида ва бошқа аъзоларда тўпланиб, муайян белгиларни/симптомларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ) – болалар ва ўсмирлардаги лейкознинг энг кенг тарқалган тури бўлиб, у болалардаги (100 мингта боладан йилига 3-4-тасида) қон ишлаб чиқариш тизимининг барча ўсимтавий касалликларининг 75-80% ташкил қилади. Одатда ЎЛЛ 14 ёшгача пайдо бўлади; болаларда ЎЛЛ билан касалланиш чўққиси 2-5 ёшларга тўғри келади. Ўғил болаларда бу касаллик қизларга нисбатан кўпроқ учрайди. «Ўткир» тушунчаси сурункали лейкоздан фарқли ўлароқ касалликнинг тез ривожланишига ишора қилади. «Лимфобласт» тушунчаси касалликнинг асосини ташкил этадиган етилмаган ҳужайралар – лимфобластлар, яъни лимфоцитларнинг ўтмишдолари эканлигини англатади.

ЎЛЛ ҳар хил белгилар билан тавсифланади ва ҳар хил беморларда турлича кечиши мумкин. Кўзга ташланадиган белгиларнинг аксарияти қон ишлаб чиқаришнинг жиддий бузилишлари билан боғлиқ. Одатда анемия ва ўсимтавий интоксикациянинг намоён бўлиши қуйидаги белгилар билан тавсифланади: заифлик/ҳолсизлик, рангпарлик, иштаҳанинг йўқолиши, вазн йўқотиш, тез-тез юрак уриши (тахикардия). Тромбоцитлар етишмаслиги тери ва шиллиқ пардаларда кичик қон кетишлар, милклардан қон кетиши, бурун ва ичакдан қон кетиш, кўкариш, қонталаш жойлар билан намоён бўлади. Бласт ҳужайралари тўпланиши туфайли лимфа тугунлари – хусусан, бўйин, қўлтиқ ости ва чов лимфа тугунлари тез-тез катталашади. Кўпинча жигар ва талоқ ҳам катталашади. Тўлиқ лейкоцитларнинг етишмаслиги иммунитетнинг пасайишига ва кўпинча юқори иситма билан инфекциялар ривожланишига олиб келади.

Лейкемик ҳужайралар бутун танага тарқалиб, нафақат қон таркибидаги ўзгаришларга олиб келади. Лейкемик ҳужайралар суяк бўшлиқлари ва суяк илигини тўлдиргани сабабли суяклар ва бўғимларда оғриқлар ҳам пайдо бўлиб, баъзида патологик (яъни касаллик натижасида) суяк синиши вужудга келиши мумкин. Ўсимта ҳужайралари жигарда, талоқда ва лимфа тугунларида тўпланиши мумкин, қоринда оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Баъзида ЎЛЛ бошқа аъзоларда ҳам: кўзлар, бўйрақлар, ўғил болаларда мойялар ва қизларда тухумдонларда ҳам ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин, ўғил болаларда жинсий шикастланишлар кўпроқ учрайди. Кўп ҳолларда марказий асаб тизимининг шикастланиши – нейролейкемия ҳам кузатилади.

Кузатилган барча белгилар бошқа касалликлар билан боғлиқ бўлиб, ЎЛЛга хос бўлмадлиги мумкинлиги сабабли, даволашни бошлашдан олдин шошилиш тарзда касалхонада амалга ошириладиган лаборатория диагностикаси зарур бўлади.

ЎЛЛда қоннинг одатдаги клиник таҳлилида ўзгаришлар бўлади: қизил қон таначалари ва тромбоцитлар даражаси пасайиши, бласт ҳужайралари пайдо бўлиши ва лейкоцитлар сони кўпайиши мумкин. Аммо охириги ташхис учун суяк илиги ҳужайраларидан намуна олиш талаб этилади, бунинг учун суяк илиги тешилиши (пункция қилиниши) керак.

Морфологик текширувда ўткир лимфобласт лейкоз ташхиси суяк илигида бласт ҳужайраларининг 25% дан кўпроғи топилганда қўйилади. Аммо барибир аниқроқ тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади: цитокимёвий (ҳужайраларни бўяш, бу уларнинг табиатини аниқроқ аниқлаш имконини

беради), цитогенетик (лейкемик ҳужайралардаги хромосомалар тузилишини ўрганиш) текширувлар, иммунофенотиплаш (ҳужайра юзасида оқсил молекулаларини ўрганиш). Гап шундаки, нафақат ЎЛЛ ташхисини қўйиш, балки ЎЛЛнинг ўзига хос вариантини аниқлаш ҳам муҳим. Бу терапияни режалаштиришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Лейкоз ташхисини қўйилгач, терапияни режалаштириш жараёнида суяк илигидан бошқа яна қанча аъзолар иштирок этганини аниқлаш керак. Аниқроқ маълумотлар ултратовуш ва рентген текшируви, магнит-резонанс томография ва компьютер томографияси каби диагностика усуллари ёрдамида олинади. ЎЛЛ ташхисини пайтида марказий асаб тизимининг ҳолати ҳам текширилади. Орқа мия суюқлиги (ликвор)нинг таҳлили беморда марказий асаб тизимининг шикастланиши – нейрорлейкемия бор-йўқлигини аниқлаш имконини беради. Таҳлил қилиш учун ликвор намунаси орқа мия каналининг пункцияси (люмбал пункция) ёрдамида олинади.

Даволашдан олдин (ва даволаш жараёнида) боланинг юрак фаолияти ва юрак уриши текширилади (электрокардиограмма – ЭКГ ва эхокардиограмма – ЭхоКГ ёрдамида).

Кенг қамровли лаборатория тадқиқотлари боланинг ҳолатини объектив баҳолашга ва метаболик касалликлар ёки ҳар қандай аъзолар функцияларини аниқлашга ёрдам беради. Даволаш пайтида мазкур ўзгаришлар албатта ҳисобга олинади керак. Зарур бўлиб қолиши мумкин бўлган қон қуйиш учун беморнинг қон гуруҳи ҳам аниқланади.

Кимётерапия ЎЛЛни даволашда марказий ўринни эгаллайди. Баъзи беморларда марказий асаб тизимида қўшимча тарзда нур терапияси ва / ёки илдиз ҳужайралари трансплантацияси ўтказилади. Терапиянинг мақсади барча аъзолардаги лейкемик ҳужайраларни иложи борича бутунлай йўқ қилишдир. Кимётерапиянинг интенсивлиги ва давомийлиги, нур терапияси ва трансплантацияга бўлган эҳтиёж ва прогноз лейкемия тури, турли омиллар ва касалликнинг терапияга нисбатан қайтарадиган жавобига боғлиқ.

Кимётерапия – бу ҳужайралар бўлинишини блоклайдиган ёки ўсимта ҳужайраларини ўлдирадиган дорилар (цитостатиклар) билан даволаш. Даволаш ишлари кўпроқ самара бериши учун турли хил дорилар комбинацияси қўлланилади.

Ҳозирги ЎЛЛни замонавий даволаш усуллари беморларни хавф гуруҳларига ажратишдан иборат. Айнан терапевтик гуруҳларга ажратиш келгусида касалликни прогнозлаш ва режа асосида беморларни даволашга имкон яратади. Мазкур гуруҳлар оддий (стандарт), юқори хавф ва шунга ўхшаш хавф даражаларига кўра тузилади. У ёки бу гуруҳга беморни қўйишда кўп омилларга эътибор қаратилади. Ўз ўрнида, юқори хавф гуруҳидаги беморлар (яъни бошланғич прогнози ёмонроқ бўлганлар) кўпроқ интенсив терапия оладилар, қуйи хавф (хавфи пастроқ) гуруҳида эса камроқ интенсив терапия қўлланилиши мумкин, бу эса кераксиз захарланиш ва оғир асоратлардан сақланишга ёрдам беради.

Қоидага асосан, ЎЛЛ терапияси 3-та босқичдан иборат:

Ремиссия индукцияси – бу интенсив кимётерапиянинг бошланғич босқичи бўлиб, унинг мақсади қисқа вақт ичида иложи борича кўпроқ лейкоз ҳужайраларини ўлдиришдан ва ремиссияга эришишдан иборат. Бу босқич тахминан 6-7 ҳафтани ўз ичига олади. Ремиссия деганда суяк илигида 5% кам бласт ҳужайралари борлиги ва қонда уларнинг умуман йўқ бўлиб, табиий қон ишлаб чиқариш тизими тикланганлигини англатади. Мазкур босқичда турли хил ўсимтага қарши препаратлар қўлланилади. Индукция 95% кўпроқ болаларда ремиссияга эришишга ёрдам беради. Ремиссия консолидацияси (маҳкамлаш/ушлаб қолиш) касаллик рецидивдан сақланиш мақсадида қолиб кетган нотабиий ҳужайраларни йўқ қилишга қаратилган. Ушбу босқичнинг умумий давомийлиги бир неча ойларни ташкил этиб, даволашнинг аниқ бир баённомасига

чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, реиндукция тушунчаси ҳам мавжуд: бу индукция пайтида ўтказиладигандек покимётерапиянинг ремиссияга эришилгандан сўнг вақти-вақти билан такрорланиб турадиган цикллари билдиради. Реиндукция лейкомик ҳужайраларнинг миқдорини қўшимча тарзда камайтиришга ёрдам бериб, ремиссиянинг “ишончилигини” оширишга ёрдам беради.

Мустаҳкамлаш терапияси ремиссияни сақлаб қолиш, яъни индукция ва консолидация босқичларидан сўнг рецидив хавфини қўшимча тарзда камайтириш учун амалга оширилади. Мазкур босқичда кимёвий препаратларнинг унча юқори бўлмаган дозалари тайинланади. Бунинг хусусияти шундаки, терапия узоқ вақт мобайнида (даволаниш бошланганидан бошлаб 2 йил) ва узлуксиз амалга оширилади.

Индукция ва консолидация босқичларида кимёвий терапевтик препаратлар асосан стационар шароитда томир ичига ва мушак ичига юборилади. Мустаҳкамлаш терапияси унчалик интенсив бўлмаган даволаш босқичи бўлиб, бунда шифохонада бўлиш талаб этилмайди (реиндукция даври бундан мустасно).

Санаб ўтилган босқичларда нейрорейкемияни даволаш ва олдини олиш учун кимёвий препаратлар интратекал тарзда, яъни орқа мия каналига люмбал пункциялар орқали юборилади. Баъзан дорилар бош мия қоринчаси (бош миёдаги алоҳида бўшлиқ)га бош терисининг тагига ўрнатиладиган Оммайя махсус резервуари орқали юборилади. Баъзи беморларда миани нурлантириш амалиёти – краниал нурлантириш ҳам ўтказилади. ЎЛЛни даволаш давомида қариндош ёки қариндош бўлмаган донордан суяк илигини трансплантация қилиш ҳам қўлланилиши мумкин. Агар даволаш режасига кўра трансплантация ўтказиш кўзда тутилган бўлса, унда бу амалиёт ремиссияга эришилгандан сўнггина амалга оширилади. Одатда трансплантация юқори хавф мавжуд бўлгандагина тайинланади, чунки ЎЛЛ стандарт терапиянинг самараси кўп ҳолларда, айниқса болаларда, кўпроқ.

Афсуски, барча санаб ўтилган чора-тадбирларга қарамасдан, баъзида ЎЛЛ рецидивлари ҳам – суяк илиги рецидиви, экстрамедулляр рецидив (яъни суяк илигидан ташқарида, мисол учун, марказий асаб тизими ёки мойя/тухумдонларнинг шикастланиши) ёки бирлашган рецидив юзага келади. Бундай ҳолларда рецидивга қарши терапия ўтказилади. ЎЛЛ кимёвий терапияси юқори самара берсада, кўп ҳолларда жуда оғир кечилади ва қўшимча жиддий таъсирларга ҳам эга. Шундай қилиб, даволаниш мобайнида қон ишлаб чиқариш бузилиб, беморда анемияга қарши кураш учун жуда паст даражада эритроцитлар ва тромбоцитлар бўлгани сабабли қон кетишини олдини олиш учун донор қонининг компонентлари – тромбоцитлари қуйилиши керак бўлади. Донор лейкоцитлари (гранулоцитлари) жуда камдан-кам ҳолларда, оғир инфекция ҳолатларда қўлланилади.

Кимётерапиянинг қўшимча таъсирларига кўнгил айланиши, қайд қилиш, соч тўкилиши киради. Ҳар бир цитостатик қўшимча таъсирга эга. Кўп ҳолларда улар вақтинчалик бўлади, лекин баъзан даволанишнинг бутун курсини қамраб олади.

Кимётерапияда жиддий муаммони аллергия реакциялардан тортиб, ҳаётга таҳдид солувчи ҳолат – шишлар, нафас олишнинг қийинлашиши, кучли қичималар ва бошқалар билан ажралиб турувчи анафилактик шок ташкил этади. Шундай қилиб, нисбатан тез-тез аспарагиназага аллергия кузатилгани сабабли ушбу препаратнинг аналогларини қўллашга эҳтиёж пайдо бўлади.

Лейкемиянинг ўзи ҳам, уни даволашда қўлланиладиган кимётерапия ҳам организмнинг турли инфекцияларга чидамчилигини кескин камайтиришига қарамасдан, даволаниш вақтида беморларга сурункали ва юқумли (инфекцион) асоратларнинг олдини олиш ва даволаш учун

самарали антибактериал ва замбуруғларга қарши препаратлар керак бўлади.

ЎЛЛни интенсив даволашда беморнинг турмуш тарзи жиддий чекланади. Махсус парҳез ва қатъий гигиена талабларига риоя қилиш керак. Инфекцияларни олдини олиш учун ташқи дунё билан алоқа чекланади. Тромбоцитлар сонининг жуда пастлиги сабабли, ҳар қандай жароҳат етишидан ҳимоя қилиниш зарур, ҳатто милқдан қон кетишини олдини олиш учун тиш чўткасидан фойдаланиш ҳам тақиқланади. Ремиссияга эришилгандан сўнг, бу жиддий чекловлар аста-секин камаяди. Шифокорлар ва ҳамширалар ҳар бир беморга даволанишнинг тегишли босқичида нима мумкин ва нималар тақиқланишини айтиб ўтишади.

Агар ЎЛЛ даволанмаса, бир неча ойлар ёки ҳафталар ичида беморнинг ўлимига олиб келади. Аммо, замонавий даволаш баённомалардан фойдаланилса, ЎЛЛда жуда яхши натижалар қўринади: болаларнинг 80% га яқини тўзалиши мумкин (баъзи манбаларда, масалан, 85% гача болалар шифо топиши қайд этилган).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Pui C.-H. Treatment of acute leukemias. New directions for clinical research. New Jersey, Humana Press Inc., 2003.
2. Rabin K.R., Gramatges M.M., Margolin J.F. Acute lymphoblastic leukemia // Principles and Practice of Pediatric Oncology, 7th ed. 2015. P. 463–497.
3. Hunger S.P., Mullighan C.G. Acute lymphoblastic leukemia in children // New England Journal of Medicine. Massachusetts Medical Society, 2015. Vol. 373, № 16. P. 1541 – 1552.
4. Cooper S.L., Brown P.A. Treatment of pediatric acute lymphoblastic leukemia // Pediatric Clinics of North America. W.B. Saunders, 2015. Vol. 62, № 1. P. 61–73.
5. Heerema-McKenney A., Cleary M., Arber D. Pathology and molecular diagnosis of leukemias and lymphomas // Principles and Practice of Pediatric Oncology. 7th ed. Philadelphia, Pa: Lippincott Williams and Wilkins. 2015. P. 113–130.
6. Wenzinger C., Williams E., Gru A.A. Updates in the pathology of precursor lymphoid neoplasms // The revised Fourth edition of the WHO Classification of tumors of hematopoietic and lymphoid tissues. Curr Hematol Malig Rep. 2018. P. 275–288.
7. Wang S., He G. 2016 Revision to the WHO classification of acute lymphoblastic leukemia // J. Transl. Intern. Med. Walter de Gruyter GmbH, 2017. Vol. 4, № 4. P. 147– 149.
8. Swerdlow S.H. et al. WHO classification of tumours of haematopoietic and lymphoid tissues. Revised 4th ed. Lyon, France: International Agency for Research in Cancer (IARC) / ed. Swerdlow SH, Campo E, Harris NL, Jaffe ES, Pileri SA, Stein H T.J. 2017. 585 p. Leukemia. 1995. Vol. 9, № 10. P. 1783–1786.
9. Coustan-Smith E. et al. Early T-cell precursor leukaemia: a subtype of very high-risk acute lymphoblastic leukaemia // Lancet Oncol. 2009. Vol. 10, № 2. P. 147–156.
10. Pui C.H. Toward a total cure for acute lymphoblastic leukemia // Journal of Clinical Oncology. 2009. Vol. 27, № 31. P. 5121–5123.
11. Vrooman L.M., Silverman L.B. Childhood acute lymphoblastic leukemia: Update on prognostic factors // Current Opinion in Pediatrics. 2009. Vol. 21, № 1. P. 1–8.
12. Hunger S.P. et al. The thirteenth international childhood acute lymphoblastic leukemia workshop report: La Jolla, CA, USA, December 7-9, 2011 // Pediatr. Blood Cancer. 2013. Vol. 60, № 2. P. 344–348.
13. Bürger B. et al. Diagnostic cerebrospinal fluid examination in children with acute lymphoblastic leukemia: Significance of low leukocyte counts with blasts or traumatic lumbar puncture // J. Clin. Oncol. 2003. Vol. 21, № 2. P. 184–188.
14. Nellis M.E., Goel R., Karam O. Transfusion Management in Pediatric Oncology Patients // Hematology/Oncology Clinics of North America. W.B. Saunders, 2019. Vol. 33, № 5. P. 903–913.
15. Schultz K.R. et al. Risk- and response-based classification of childhood B-precursor acute lymphoblastic leukemia: A combined analysis of prognostic markers from the Pediatric Oncology Group (POG) and Children’s Cancer Group (CCG) // Blood. 2007. Vol. 109, № 3. P. 926–935.
16. Gaynon P.S. et al. Early response to therapy and outcome in childhood acute lymphoblastic leukemia: a review. // Cancer. 1997. Vol. 80, № 9. P. 1717–1726.
17. Gao J., Liu W.J. Prognostic value of the response to prednisone for children with acute lymphoblastic leukemia: A meta-analysis // Eur. Rev. Med. Pharmacol. Sci. 2018. Vol. 22, № 22. P. 7858–7866.
18. Leoni V., Biondi A. Tyrosine kinase inhibitors in BCR-ABL positive acute lymphoblastic leukemia // Haematologica. Ferrata Storti Foundation, 2015. Vol. 100, № 3. P. 295.
19. Bernt K.M., Hunger S.P. Current concepts in pediatric Philadelphia chromosome-positive acute lymphoblastic leukemia // Frontiers in Oncology. Frontiers Research Foundation, 2014. Vol. 4 MAR.

20. Borowitz M.J. et al. Clinical significance of minimal residual disease in childhood acute lymphoblastic leukemia and its relationship to other prognostic factors: A Children's Oncology Group study // *Blood*. 2008. Vol. 111, № 12. P. 5477–5485.
21. Conter V. et al. Molecular response to treatment redefines all prognostic factors in children and adolescents with B-cell precursor acute lymphoblastic leukemia: Results in 3184 patients of the AIEOP-BFMALL 2000 study // *Blood*. 2010. Vol. 115, № 16. P. 3206–3214.
22. Schrappe M. et al. Late MRD response determines relapse risk overall and in subsets of childhood T-cell ALL: Results of the AIEOP-BFM-ALL 2000 study // *Blood*. 2011. Vol. 118, № 8. P. 2077–2084.
23. Румянцев А.Г. Эволюция лечения острого лимфобластного лейкоза у детей // *Педиатрия*. 2016. Vol. 95(4). P. 11–22.
24. Sramkova L. et al. Detectable minimal residual disease before allogeneic hematopoietic stem cell transplantation predicts extremely poor prognosis in children with acute lymphoblastic leukemia // *Pediatr. Blood Cancer*. 2007. Vol. 48, № 1. P. 93–100.
25. Shen Z. et al. Influence of pre-transplant minimal residual disease on prognosis after Allo-SCT for patients with acute lymphoblastic leukemia: systematic review and meta-analysis // *BMC Cancer*. 2018. Vol. 18, № 1. P. 755.
26. Sanchez-Garcia J. et al. Quantification of minimal residual disease levels by flow cytometry at time of transplant predicts outcome after myeloablative allogeneic transplantation in ALL // *Bone Marrow Transplant*. 2013. Vol. 48, № 3. P. 396–402.
27. Balduzzi A. et al. Chemotherapy versus allogeneic transplantation for very-high-risk childhood acute lymphoblastic leukaemia in first complete remission: Comparison by genetic randomisation in an international prospective study // *Lancet*. 2005. Vol. 366, № 9486. P. 635–642.
28. Schrauder A. et al. Superiority of allogeneic hematopoietic stem-cell transplantation compared with chemotherapy alone in high-risk childhood T-cell acute lymphoblastic leukemia: Results from ALL-BFM 90 and 95 // *J. Clin. Oncol*. 2006. Vol. 24, № 36. P.5742–5749.
29. Ribera J.M. et al. Comparison of intensive chemotherapy, allogeneic, or autologous stem-cell transplantation as postremission treatment for children with very high risk acute lymphoblastic leukemia: PETHEMA ALL-93 trial // *J. Clin. Oncol*. 2007. Vol. 25, № 1. P. 16–24.
30. Duval M. et al. Hematopoietic stem-cell transplantation for acute leukemia in relapse or primary induction failure // *J. Clin. Oncol*. 2010. Vol. 28, № 23. P. 3730–3738.
31. Pui C.H. Central nervous system disease in acute lymphoblastic leukemia: prophylaxis and treatment. // *Hematology / the Education Program of the American Society of Hematology*. American Society of Hematology. Education Program. 2006. P. 142–146.
32. Pui C.H., Evans W.E. A 50-year journey to cure childhood acute lymphoblastic leukemia // *Semin. Hematol*. 2013. Vol. 50, № 3. P. 185–196.
33. Karachunskiy A. et al. Results of the first randomized multicentre trial on childhood acute lymphoblastic leukaemia in Russia // *Leukemia*. Nature Publishing Group, 2008. Vol. 22, № 6. P. 1144–1153.
34. Karachunskiy A. et al. Efficacy and toxicity of dexamethasone vs methylprednisolone - Long-term results in more than 1000 patients from the Russian randomized multicentric trial ALL-MB 2002 // *Leukemia*. Nature Publishing Group, 2015. Vol. 29, № 9. P. 1955– 1958.
35. Möricke A. et al. Long-term results of five consecutive trials in childhood acute lymphoblastic leukemia performed by the ALL-BFM study group from 1981 to 2000 // *Leukemia*. 2010. Vol. 24, № 2. P. 265–284.
36. Kumar K. et al. L-asparaginase: An effective agent in the treatment of acute lymphoblastic leukemia // *Leukemia and Lymphoma*. Informa Healthcare, 2014. Vol. 55, № 2. P. 256– 262.
37. Schrappe M. et al. Outcomes after induction failure in childhood acute lymphoblastic leukemia // *N. Engl. J. Med*. Massachusetts Medical Society, 2012. Vol. 366, № 15. P.1371–1381.

38. Richards S. et al. Systematic review and meta-analysis of randomized trials of central nervous system directed therapy for childhood acute lymphoblastic leukemia. [Review][Erratum appears in *Pediatr Blood Cancer*. 2013 Oct;60(10):1729 Note: Attarbarschi, A [corrected to Atta // *Pediatr. Blood Cancer*. Vol. 60, № 2. P. 185–195.
39. Pui C.-H., Howard S.C. Current management and challenges of malignant disease in the CNS in paediatric leukaemia // *Lancet Oncol*. 2008. Vol. 9, № 3. P. 257–268.
40. Pui C.H. et al. Treating childhood acute lymphoblastic leukemia without cranial irradiation // *N. Engl. J. Med. Massachusetts Medical Society*, 2009. Vol. 360, № 26. P. 2730–2741.
41. Pui C.-H. Toward optimal central nervous system-directed treatment in childhood acute lymphoblastic leukemia. // *J. Clin. Oncol*. 2003. Vol. 21, № 2. P. 179–181.
42. Schultz K.R., Bowman W.P., Aledo A. Continuous dosing Imatinib with intensive chemotherapy gives equivalent outcomes to allogeneic BMT for Philadelphia chromosome-positive (Ph⁺) acute lymphoblastic leukemia (ALL) with longer term follow up: Updated Results of Children's Oncology Group (COG) // *Pediatr. Blood Cancer*. 2010. Vol. 54. P. 788.
43. Schultz K.R. et al. Long-term follow-up of imatinib in pediatric Philadelphia chromosome-positive acute lymphoblastic leukemia: Children's oncology group study AALL0031 // *Leukemia*. Nature Publishing Group, 2014. Vol. 28, № 7. P. 1467–1471.
44. Short N.J. et al. Which tyrosine kinase inhibitor should we use to treat Philadelphia chromosome-positive acute lymphoblastic leukemia? // *Best Practice and Research: Clinical Haematology*. Bailliere Tindall Ltd, 2017. Vol. 30, № 3. P. 193–200.
45. Porkka K. et al. Dasatinib crosses the blood-brain barrier and is an efficient therapy for central nervous system philadelphia chromosome positive leukemia // *Blood*. American Society of Hematology, 2008. Vol. 112, № 4. P. 1005–1012.
46. Chiaretti S., Messina M., Foà R. BCR/ABL1-like acute lymphoblastic leukemia: How to diagnose and treat? // *Cancer*. John Wiley and Sons Inc., 2019. Vol. 125, № 2. P. 194 – 204.
47. Khan M., Siddiqi R., Tran T.H. Philadelphia chromosome-like acute lymphoblastic leukemia: A review of the genetic basis, clinical features, and therapeutic options // *Seminars in Hematology*. W.B. Saunders, 2018. Vol. 55, № 4. P. 235–241.
48. Roberts K.G. Why and how to treat Ph-like ALL? // *Best Practice and Research: Clinical Haematology*. Bailliere Tindall Ltd, 2018. Vol. 31, № 4. P. 351–356.
49. Kotb A. et al. Philadelphia-like acute lymphoblastic leukemia: diagnostic dilemma and management perspectives // *Experimental Hematology*. Elsevier Inc., 2018. Vol. 67. P. 1–Pui C.H. et al. Philadelphia Chromosome-like Acute Lymphoblastic Leukemia // *Clinical Lymphoma, Myeloma and Leukemia*. Elsevier Inc., 2017. Vol. 17, № 8. P. 464–470.
50. Richards S. et al. Duration and intensity of maintenance chemotherapy in acute lymphoblastic leukemia: overview of 42 trials involving 12 000 randomised children // *Lancet*. 1996. Vol. 347. P. 1783–1788.
51. Shukla N. et al. Phase II trial of clofarabine with topotecan, vinorelbine, and thiotepa in pediatric patients with relapsed or refractory acute leukemia // *Pediatr. Blood Cancer*. 2014. Vol. 61, № 3. P. 431–435.
52. Miano M. et al. Clofarabine, cyclophosphamide and etoposide for the treatment of relapsed or resistant acute leukemia in pediatric patients // *Leuk. Lymphoma*. 2012. Vol. 53, № 9. P. 1693–1698. P.440-442.
53. Gossai N. et al. A clofarabine-based bridging regimen in patients with relapsed ALL and persistent minimal residual disease (MRD) // *Bone Marrow Transplant*. 2014. Vol. 49, №
54. Liu A.P. et al. Refractory acute lymphoblastic leukemia in Chinese children: bridging to stem cell transplantation with clofarabine, cyclophosphamide and etoposide // *Ann Hematol*. 2016. Vol. 95(3). P. 501–507.

55. Patrick K., Vora A. Update on biology and treatment of T-cell acute lymphoblastic leukaemia // *Current Opinion in Pediatrics*. Lippincott Williams and Wilkins, 2015. Vol. 27, № 1. P. 44–49.
56. Winter S.S. et al. Safe integration of nelarabine into intensive chemotherapy in newly diagnosed T-cell acute lymphoblastic leukemia: Children’s Oncology group Study AALL0434 // *Pediatr. Blood Cancer*. John Wiley and Sons Inc., 2015. Vol. 62, № 7. P. 1176–1183.
57. Hefazi M., Litzow M.R. Recent Advances in the Biology and Treatment of T Cell Acute Lymphoblastic Leukemia // *Current Hematologic Malignancy Reports*. Current Science Inc., 2018. Vol. 13, № 4. P. 265–274.
Дастлабки 100x10⁹/л ва ундан юқори миқдордаги лейкоцитозда люмбал пункция индукциянинг биринчи кунда эмас, балки лейкоцитлар 50x10⁹/л даражагача камайганидан кейин – ликворнинг периферик қон бластлари билан контаминацияси (ифлосланиши) ва орқа мия каналда қон кетиш хавфи борлиги сабабли нейролейкознинг нотўғри ташҳисини қўймаслик мақсадида амалга оширилади.

Ёшига қараб интратекал киритиш учун цитарабин дозалари.

Ёши	Дозаси, мг
1 ёшдан кичик	20
1 – 2 ёш	26
2 – 3 ёш	34
3 ёшдан катта	40

Профилактик терапия (марказий асаб тизимида дастлабки шикастланиш бўлмаган ҳолда): цитарабиннинг интратекал киритишлари: ҳар бир терапия блоки бошланишидан олдин 5 та киритиш ва охириги блок тугагандан ва гематопоз тиклангандан сўнг, яна 2 та киритиш 1 ой оралиқ билан.

МАТнинг дастлабки шикастланишлари учун терапия: цитарабинни интратекал киритишлар орқа мия суюқлиги тозаланмагунча, ҳафтасига бир марта, лекин камида 3 марта ўтказилади. Кейин орқа мия каналига цитарабинни киритиш профилактик даволашдаги схема бўйича, яъни ҳар бир кимётерапия бошланишидан олдин ва охириги блок тугагандан ва гематопоз тикланганидан кейин яна 2 та киритиш 1 ой оралиқ билан давом эттирилади.

5C 3 ёшдан ошган с inv(16) билан ЎМЛ бўлган, МАТнинг бирламчи шикастланиши бўлмаган беморлар учун 12 Гр билан профилактик краниал нурлантириш тавсия этилади

5C 3 ёшдан ошган МАТнинг бирламчи шикастланиши билан ЎМЛ бўлган барча беморлар учун цитарабинни 3 та интратекал киритилишидан кейин ликворнинг санациясига эришмаган барча беморларга 18 Гр билан краниал нурлантириш терапиясини ўтказиш тавсия этилади

Краниал нурлантириш гамма-пичоқ ёки чизиқли тезлатгич ёрдамида амалга оширилади. Бундай ҳолда, нурланиш майдонига бутун нейрокраниум, шу жумладан умуртқа бўйин соҳасининг С2 гача бўлган қисмини ўз ичига олган юқори қисми, ретробульбар бўшлиқ ва бош суюгининг тўлиқ асоси тушиши керак; жағ бўғимларининг нурланиш майдонига тушиши майдон конфигурациясига таъсир қилмаслиги керак. Кундалик бир марталик доза - 1,5 Гр-ни ташкил қилади, умуман бемор ҳафта давомида 7,5 Гр доза олади. Нурлантиришнинг умумий давомийлиги 2 дан 3 ҳафтагачани ташкил қилади. Орқа мия нурланиши ҳеч кимга ўтказилмайди. ГИХТ режалаштирилган беморларга трансплантациядан кейин нурлантириш ва цитарабиннинг охириги 2 интратекал киритилиши амалга оширилади.

5C ЎМЛ билан касалланган барча беморларга ВФМ баённомаси бўйича терапиянинг интенсив қисми тугагандан кейин, бемор учун потенциал фойда ва хавфларни ҳисобга олган ҳолда қўллаб-қувватловчи терапияни кўриб чиқиш тавсия этилади

Қўллаб-қувватловчи терапия босқичи охириги кимётерапия курсидан кейин- гематопозни тиклашдан кейин бошланади. Меркаптопурин ҳар куни оғиз орқали 50 мг/м² бошланғич доза билан, цитарабин кунига 2 марта 25 мг/м² дозада ҳар ойнинг 4 кунда тери остига буюрилади. Қўллаб-қувватловчи терапиянинг давомийлиги 12 ой.

Юқори интенсивликдаги «блоки» терапиядан кейинги қўллаб-қувватловчи терапиянинг муҳимлиги, ўтказилган текширувларга кўра, шубҳалидир. Бундан ташқари, қўллаб-қувватловчи терапиянинг умумий омон қолишга салбий таъсири борлиги ҳақида далиллар мавжуд.

ЎМЛ рецидивлари ва рефрактер шакллари терапияси

5C ЎМЛ рецидиви ва рефрактер кечиши қайд этилган беморларга аллоГИХТ билан интенсив юқори дозали поликимётерапияни ўтказиш тавсия этилади

Агар индукция курсидан кейин беморда қисман ремиссияга эришилган бўлса, у баённомага кўра даволанишни давом эттириши керак. ЎМЛ рефрактердир, бунда 2 та кимётерапия блокидан кейин (бу ҳолатда АІЕ ва НАМдан кейин) суяк илигида 5% дан ортиқ бласт инфильтрация ёки экстрамедулляр шикастланиш сақланиб қолади. Бундай ҳолатда ва рецидив ривожланишида, беморни флударабин, цитарабин ва антрациклиннинг юқори дозалари билан даволашга ўтказиш керак.

Флударабинли терапиядан сўнг беморларга гемотрансфузион (қон қуйиш) терапияси учун нурланган қон маҳсулотларидан фойдаланиш керак.

Ремиссияга эришилганда, антрациклинсиз ўхшаш терапия курсини ўтказиш керак, сўнгра – HLA генетик ўхшаш ёки альтернатив донордан аллогеник трансплантацияни амалга ошириш керак. Рефрактер ёки рецидив ЎМЛнинг кимётерапиясини бошлашдан олдин, бемор, сиблинг ва оналаридан HLA-типиклашни ўтказиш ва маълумотларни трансплантация марказига юбориш керак.

ЎМЛ учун мақсадли терапия сифатида энг яхши натижалар сорафениб препаратини қўллашда кўрсатилади. Тирозин киназалари сорафениб *in vitro* селектив бўлмаган ингибитори ITD-Flt-3 рецепторининг фосфорилланишини ингибирлайди; алло-ГИХТдан кейин экстрамедулляр такрорий ЎМЛ бўлган беморда 47 кун давомида ҳар куни 300 мг/м² сорафенибдан муваффақиятли фойдаланиш тўғрисида маълумотлар мавжуд, сўнгра ҳар куни 170 мг/м² сорафениб терапияси ўтказилди.

Индукция вақтида кладрибин (5 кун давомида 9 мг/м²) цитарабин (5 кун давомида 500 мг/м²) билан қўлланилди, сўнгра яна 2 та DAV курси (30 мг/м² даунорубицин 1-3 кунлари 72 соатлик инфузия) 1-5 кунларда 250 мг/м² цитарабин 120 соатлик инфузия, 4 ва 5-кунларда 200 мг/м² этопозид 48 соатлик инфузия) қўлланилди, бу 90-100% беморларда ремиссияни олиш имконини берди, ва бунинг узоқ муддатли натижалар учун баҳосини анча кейинроқ бериш мумкин бўлса-да, бу маълумотлар анча ишонч беради.

Ҳамроҳ терапия

5C Тавсияларга мувофиқ ЎМЛ терапиясини олаётган барча беморларга комбинацияланган ва ҳамроҳ терапияни ўтказиш тавсия этилади. Даво тактикаси ҳар бир ҳолат учун индивидуал равишда танлаб олинади.

Болаларни ламинар боксларда ёки кўчма HEPA - филтрларини ўрнатиш билан юқори босимли мажбурий шамоллатиш тизимига эга бўлинмаларида изоляция қилиш тавсия этилади.

Инфузион терапия:

Индукциянинг биринчи фазасида инфузия калий хлоридсиз амалга оширилади. Декстроза 5% 3000 мл/м²/кун + натрий хлор 10% 30 мл/м² + натрий гидрокарбонат 7,5% 40 - 60 мл/м²/кун. Бу вақтда диурез балансини диққат билан кузатиб бориш керак, агар сийдик тутиб турилиши 6 соат давомида 200 мл/м² дан ошса, 0,5-1 мг/кг дозада фуросемидни киритиш тавсия этилади.

Индукциянинг иккинчи фазасида инфузион терапия ва кейинги барча полимеротерапия курслари: декстроза 5% 2000 мл/м²/кун + натрий хлорид 10% 1 мл/кг/кун + калий хлор 7,5% - 1-2 мл/кг/кун (ёки зардобдаги К⁺ даражаси натижаларига кўра).

Колониестимулловчи омиллар. Колониестимулловчи омилларни режалаштирган равишда тайинлаш тавсия этилмайди. Қўллаш фақат ҳаётини кўрсатмалар билан, яъни гематопоестик аплазия ҳолатида бўлган беморларда сепсис бўлганда ва бактериал ва/ёки замбуруғ инфекцияларини етарли даражада назорат қилинмайдиган антимиқроб терапияси чегараланиши керак.

Антибактериал терапия. Агар инфекция белгилари пайдо бўлганда (ўчоқ шикастланиши ёки номаълум этиологияли иситма), эмпирик антибактериал терапияси буюрилади, яъни бактериологик текширувлар натижалари олинмагунгача. Безгак (лихорадка) деб аксилляр ҳароратнинг $\geq 38,0^{\circ}\text{C}$ битта эпизоди ёки субфебрил иситманинг ($37,5-38,0^{\circ}\text{C}$) 3 та эпизоди ёки $37,5-37,9^{\circ}\text{C}$ бир соат ёки ундан кўпроқ вақт давом этадиган битта эпизодга айтилади. **Субфебрил ҳолатда - иситмани туширувчи воситаларни ишлатманг!**

Пневмоцист пневмония профилактикаси. Пневмоцист пневмонияси ЎМЛ терапиясининг кам учрайдиган асоратлари бўлса-да, триметоприм бўйича ҳафтада 3 кун кетма-кет ко-тримоксазол [сульфаметоксазол + триметоприм] қабул қилиш тавсия этилади, фақат флударабин олган беморларда.

5C Резистент микрофлоранинг шаклланиш эҳтимоли юқори бўлганлиги, шунингдек, кенгайтирилган спектрли бета-лактамаза (КСБЛ) маҳсулотлари билан энтеробактериялар келтириб чиқарадиган инфекцияларнинг юқори частотасини ҳисобга олган ҳолда, ЎМЛда бактериал инфекцияларнинг антибиотикли препаратлар билан бирламчи профилактикаси барча беморларга тавсия этилмайди (ичакнинг селектив деконтаминацияси)

5C Интенсив индукцион кимётерапияни ўтказиш пайтида беморларга инвазив аспергиллезнинг (ИА) юзага келиши частотаси 10%дан ошадиган тиббий муассасаларда посаконазол билан инвазив микозларнинг профилактикасини ўтказиш тавсия этилади

5C Олдинги курсларда ИА ташҳиси қўйилган беморларга препаратни қўллаш билан ИАдан даволанишга эришилган иккиламчи замбуруғга қарши профилактикани ўтказиш тавсия этилади

5C Фебрил нейтропенияда биринчи босқич антибиотиклари сифатида цефоперазон + сульбактам, пиперациллин + тазобактам, цефепим, цефтазидим дан фойдаланиш тавсия этилади

Антимикробиал терапияни модификациялаш ўтказилган текширув маълумотларига мувофиқ амалга оширилади (КТ, микробиологик текширувлар ва бошқалар). Карбапенемларни фебрил нейтропенияда биринчи босқич антибиотиклари сифатида тайинлаш септик шок мавжуд бўлган, шунингдек инфекциялар этиологиясида КСБЛ ҳосилалари билан энтеробактериялар устунлик қиладиган клиникалар мавжудлигида беморларда оқланади.

5C Гуморал иммунитет танқислиги ва оғир юқумли асоратлар (сепсис), шу жумладан вирусли (цитомегаловирусли) инфекциялари мавжудлигида препаратни тиббий қўллаш бўйича йўриқномаларга мувофиқ дозаларда одам иммуноглобулини томир ичига нормал трансфузиясини амалга ошириш тавсия этилади

5C ЎМЛ билан касалланган 18 ёшгача бўлган барча беморларга тромбоцитлар даражаси $10 \times 10^9/\text{л}$ -дан паст бўлган ёки тромбоцитларнинг бундан юқори кўрсаткичларида геморрагик синдром ёки инфекция мавжудлигида тромбоцитлар трансфузиясини амалга ошириш тавсия этилади

Геморрагик синдромнинг ҳар қандай намоён бўлиши (петехиал, айниқса оғиз шиллиқ қаватида, юзда ва кўкрак қафасининг олд юзасида тошмалар, ҳар қандай қон кетиши) ва/ёки тана ҳароратининг $37,5^{\circ}\text{C}$ дан ошиши, аниқ инфекция ўчоғи бўлмаса ҳам, ҳатто тромбоцитлар миқдори периферик қонда $20 \times 10^9/\text{л}$ дан ошса ҳам, тромбоконцентратлар конфузиясини талаб қилади.

Беморни инвазив муолажаларни бажаришдан олдин тайёрлашда тромбоконтратларни трансфузия қилиш учун шунга ўхшаш кўрсатма бўлиб ҳисобланади.

Индукциянинг биринчи босқичи ва инвазив манипуляцияларни бажариш учун (люмбал пункция, марказий томир катетеризацияси) тромбоцитлар даражаси камида $30 \times 10^9/\text{л}$ бўлиши керак. Ҳар қандай поликимётерапия курсидан кейин гематопознинг аплазияси даврида, агар қон кетишлар бўлмаса ва/ёки фебрил иситма билан инфекция бўлмаса, тромбоцитлар камида $15 \times 10^9/\text{л}$ даражасида сақланиши керак. Фебрил иситма билан инфекция бирлашганда ва Амфотерицин В-дан фойдаланилганда тромбоцитлар камида $20 \times 10^9/\text{л}$ даражасида сақланиши керак.

Шиллиқ пардалардан кучли қон кетиш, ошқозон-ичак трактида қон кетиш, ўпкадан қон кетиши, мияга қон қўйилиши - тромбоцитларнинг ҳар қандай кўрсаткичларида тромбоцитларни трансфузия қилиш учун кўрсатма бўлиб ҳисобланади.

5C 18 ёшгача бўлган ўМЛ касаллиги бўлган барча беморларга гемоглобин 70 г/л-дан паст ва гематокрит 0,3-дан кам бўлганда ёки анемия синдромининг клиник белгилари (уйқучанлик, тахикардия, нафас қисилиши) ривожланишида эритроцитар масса трансфузиясини бажариш тавсия этилади

Кладрибин олган беморларга нурлантирилган қон препаратлари қўйилиши керак.

5C Қон плазмасида гемостаз (гипо- ва гиперкоагуляция) бузилиши ҳолатларида қон компонентлари трансфузиясини бажариш тавсия этилади

Кўрсатмалар ва трансфузияли қўллаб-қувватлаш ҳажми коагулограмма кўрсаткичлари ва клиник ҳолат билан белгиланади.

Кладрибин олган беморларга нурлантирилган қон препаратлари қўйилиши керак.

Янги музлатилган плазма трансфузияси фақат коагулограммада жиддий ўзгаришлар бўлганда амалга оширилади: фибриноген 1 г/л-дан кам, протромбин индекси 50%дан паст, ФҚТВ 55 секунддан ортиқ.

5C Ўткир ёки сурункали оғриқ синдромида оғриқнинг этиологиясини аниқлаштириш тавсия этилади; агар яллиғланиш ўчоғи аниқланса, тегишли клиник кўрсатмаларга мувофиқ яллиғланиш ўчоғини даволаш учун зарур чоралар кўрилади (шу жумладан, агар керак бўлса, жарроҳлик йўли билан даволаш); агар оғриқ синдромининг юқумли ва яллиғланиш табиати чиқариб ташланса, оғриқ қолдириш бўйича мавжуд баённомаларга мувофиқ, шу жумладан, агар кўрсатмалар бўлса, гиёҳвандлик ва психотроп дориларни қўллашда, цитопения билан боғлиқ мумкин бўлган контрэндикацияларни, бошқа клиник ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда анестезик терапияни ўтказиш тавсия этилади

Профилактикаси

Асосий касалликнинг паст даражаси ва касалликнинг номаълум сабаблари туфайли ўМЛни бирламчи профилактикасини ўтказиш мумкин эмас.

Касаллик рецидивининг олдини олиш биринчи қатор терапияси баённомаси ва ГИХТни амалга ошириш ҳамда мунтазам динамик кузатувни олиб боришга асосланган.

Асосий касалликнинг паст даражаси ва касалликнинг номаълум сабаблари туфайли ўМЛни бирламчи профилактикасини ўтказиш мумкин эмас.

Касаллик рецидивининг олдини олиш биринчи қатор терапияси баённомаси ва ГИХТни амалга ошириш ҳамда мунтазам динамик кузатувни олиб боришга асосланган.

5C Қўллаб-қувватловчи терапия давомида ойига бир марта умумий (клиник) қон таҳлилини ўтказиш тавсия этилади

Терапия тугагандан сўнг, гематолог ва/ёки педиатр томонидан қуйидаги частотада керакли миқдордаги текширувлар ўтказилиб, кузатилиши тавсия этилади:

1. Суяк кўмиги трансплантациясини (СКТ) олган беморлар трансплантация марказининг тавсияларига биноан кузатиб борилади.

2. СКТсини олмаган беморлар:

- 5C**
- a) лейкоцитар формуласини ҳисоблаган тарзда умумий (клиник) қон таҳлили - биринчи 3 ойда бир марта, сўнгра 5 йилда 6 ойда бир марта.
 - b) одам иммунитет танқислиги вируси ОИВ-1 (Human immunodeficiency virus HIV-1) учун молекуляр-биологик қон текшируви, қондаги В гепатити вируси (Hepatitis B virus) антигенини (HbsAg) аниқлаш, қондаги С гепатити вирусига (Hepatitis C virus) антитаначаларни кимётерапия тугаганидан 6 ой ўтгач аниқлаш
 - c) биокимёвий умумий терапевтик қон таҳлили - альбумин, АЛТ, АСТ, ЛДГ, билирубин (умумий ва тўғридан-тўғри), мочевино ва креатинин, ферритин 1 марта 5 йил давомида.
 - d) ЭКГ ва эхокардиография йилига бир марта 5 йил давомида
 - e) кимётерапия тугаганидан 6 ой ўтгач, экстрамедулляр ўчоқларнинг КТ/МРТси.

Тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштириш

Режалаштирилган равишда касалхонага ётқизиш учун кўрсатмалар:

- ЎЛ касаллигига шубҳа/ташҳис қўйилиши.
- ЎЛЛ рецидивининг диагностикаси.
- Кимё терапиянинг навбатдаги курсини туну-кунги стационарда ўтказиш.
- Режалаштирилган ГЎХТни бажариш.
- Режалаштирилган жарроҳлик аралашувларни бажариш.
- Мунтазам экстракорпорал қонни тозалаш ва буйракнинг алмаштириш терапиясини ўтказиш.
- Гемокомпонентларнинг алмаштириш терапиясини ўтказиш.

Шошилинч равишда касалхонага ётқизиш учун кўрсатмалар:

- лейкоцитоз $100 \times 10^9/\text{л}$ дан юқори
- фебрил иситма ва кимётерапия курсидан сўнг нейтропения фонидида юқумли асоратлар;
- геморрагик аломат;
- тромботик асоратлар;
- гемокомпонентли шошилинч терапияни ўтказиш зарурияти;
- асосий касалликнинг ривожланишидан келиб чиққан ёки даволаниш натижасида ривожланган бошқа тизимли касалликлар.

Беморни касалхонадан чиқариш учун кўрсатмалар:

- Навбатдаги Кимё терапия курсидан кейин периферик қон кўрсаткичларини тиклаш (лейкоцитлар $1 \times 10^9/\text{л}$ дан юқори, гранулоцитлар $0,5 \times 10^9/\text{л}$ дан юқори, тромбоцитлар $50 \times 10^9/\text{л}$ дан юқори, гемоглобин 80 г/л дан юқори).
- 3-5 кун ичида нормотермия ва курсдан кейинги даврда назоратсиз юқумли асоратларнинг йўқлиги.
- Геморрагик асоратларни енгиллаштириш.
- Тромботик асоратларни енгиллаштириш.

- Асосий касалликнинг кечиши натижасида келиб чиққан ёки даволаниш натижасида ривожланган тизимли касалликларни енгиллаштириш.
- Беморни ихтисослаштирилган тиббий муассасага ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш тақдим этилган тиббий ҳужжатлар бўйича олдиндан маслаҳатлашиш ўтказилгандан ва/ёки беморни ўтказилиши режалаштирилган тиббий ташкилот мутахассислари томонидан олдиндан текширилгандан сўнг амалга оширилади.

Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари

№	Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари	Бажарилди
1.	ЎМЛ шубҳа қилинган ёки ЎМЛ билан касалланган беморни биринчи қабул қилиш пайтида шикоятлар, анамнез маълумотлари тўпланди ва объектив ҳолат баҳоланди.	Ҳа/Йўқ
2.	ЎМЛ шубҳа қилинган ёки ЎМЛ билан касалланган беморни биринчи қабул қилиш пайтида умумий (клиник) қон таҳлили лейкоцитларнинг дифференциал сони (лейкоцитар формуласи) ва қондаги тромбоцитлар даражасини ўрганиш амалга оширилди.	Ҳа/Йўқ
3.	ЎМЛ шубҳа қилинган беморда суяк илиги мазокини цитологик текшириш (миелограммалар) ва суяк илиги микропрепаратини цитокимёвий ўрганиш амалга оширилди.	Ҳа/Йўқ
4.	ЎМЛ шубҳа қилинган беморда суяк илиги аспиратини цитогенетик ўрганиш (кариотип) амалга оширилди.	Ҳа/Йўқ
5.	ЎМЛ шубҳа қилинган беморда ёки ЎМЛ билан касалланган беморда биринчи қабул қилиш пайтида биокимёвий умумий терапевтик қон таҳлили ўтказилди (креатинин, умумий оқсил, умумий билирубин, лактатдегидрогеназа).	Ҳа/Йўқ
6.	ЎМЛ шубҳа қилинган беморда орқа мия суюқлигининг умумий (клиник) таҳлили ўтказилди.	Ҳа/Йўқ
7.	ЎМЛ шубҳа қилинган беморда кўкрак қафаси ва/ёки миянинг рентгенограммаси ва/ёки КТ текшируви ўтказилди.	Ҳа/Йўқ
8.	ЎМЛ биринчи марта ташҳис қўйилган бемор, имконият бўлган тақдирда, клиник текширувга киритилди.	Ҳа/Йўқ
9.	ЎМЛ биринчи марта ташҳис қўйилган беморда барча диагностик тадбирлари тугагандан сўнг, индукцион терапия ўтказилди	Ҳа/Йўқ
10.	ЎМЛ текшируви ўтказилган, клиник тадқиқотлар доирасидан ташқарида даволанаётган ва терапиянинг индукцион босқичидан кейин ТРга эришган беморга ремиссия консолидация дастури амалга оширилди.	Ҳа/Йўқ
11.	ЎМЛ текшируви ўтказилган, клиник тадқиқотлар доирасидан ташқарида даволанаётган ва терапиянинг индукцион босқичидан кейин ТРга эришган беморга аллогеник суяк илиги трансплантацияси /аллогеник - ГИХТни ўтказиш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилиш учун трансплантация марказида маслаҳатдан ўтказилди.	Ҳа/Йўқ
12.	ЎМЛ текшируви ўтказилган, клиник тадқиқотлар доирасидан ташқарида даволанаётган беморда ремиссия индукциясининг 1 ва 2-курслари тугагандан сўнг, суяк илиги мазокининг (миелограммалар) цитологик текшируви ўтказилди.	Ҳа/Йўқ

13.	ЎМЛ текшируви ўтказилган, клиник тадқиқотлар доирасидан ташқарида даволанаётган беморда ремиссия консолидацияси тугагандан сўнг, суяк илиги мазокининг (миелограммалар) цитологик текшируви ўтказилди.	Ҳа/Йўқ
14.	ЎМЛ текшируви ўтказилган, клиник тадқиқотлар доирасидан ташқарида даволанаётган беморда бутун терапия дастури тугагандан сўнг, суяк илиги мазокининг (миелограммалар) цитологик текшируви ўтказилди.	Ҳа/Йўқ

Иловалар

1-илова

Клиник баённомани ишлаб чиқиш методологияси

Далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи (диагностик ёндошувлар учун)

Далилларнинг ишончлилик даражаси	
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

Далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи (профилактик, даволаш, реабилитацион аралашувлар учун)

Далилларнинг ишончлилик даражаси	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

Тавсияларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	
A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
B	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
C	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган (кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)

Даволаш схемалари

Хавф гуруҳини стратификациялаш



АІЕ индукция протоколи

**Лейкопения ва тромбоцитопения
борлигидан қатъий назар бошланади!!!**


Цитарабин 1 ва 2 кун давомида доимий инфузия билан 100 мг/м²/ кун

Цитарабин 3 дан 8 кунгача ҳар 12 соатда 100 мг/м² 30 дақиқали инфузия билан;

Идарубицин 12 мг/м² ҳар 24 соатда 3, 5, 7-кунларда, цитарабин дан олдин 60 дақиқали инфузия;

Этопозид 6-8-кунлари 150 мг/м² 2 соатлик инфузия билан, Ага-С гача 6 соат олдин;

Цитарабин интратекал тарзда 1 ва 8-кунларда ёшга боғлиқ дозада.




НАМ 2-чи индукция протоколи

Блокнинг бошланиш шarti:
гранулоцитлар > 1000/мкл, лейкоцитлар > 2000/мкл,
тромбоцитлар > 100000/мл

Юқори дозали цитарабин 3000 мг/м² ҳар
12 соатда 1-3 кунларда 3-соатлик инфузия билан;

Митоксантрон 10 мг/м² 3 ва 4-кунларда
60 дақиқали инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 1 марта
ёшига кўра дозада.




AI протоколи

Блокнинг бошланиш шarti:
гранулоцитлар > 1000/мкл,
лейкоцитлар > 2000/мкл,
тромбоцитлар > 100000/мл

Цитарабин 500 мг/м² /кун 4 кун давомида
узлуксиз инфузия билан;

Идарубицин 7 мг/м² 3- ва 5- кунларда 60
дақиқали инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 1
марта ёшига кўра дозада.



hAM консолидация протоколи


Блокнинг бошланиш шarti:
 гранулоцитлар >1000/мкл,
 лейкоцитлар >2000/мкл,
 тромбоцитлар >100000/мл

Цитарабин 1000 мг/м², 1-3 кунларда ҳар 12 соатда 60 дақиқали инфузия билан.

Митоксантрон 10 мг/м²/кун 3- ва 4- кунларда 60 дақиқали инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 1 марта ёшига кўра дозада.

hAM





HAЕ интенсификация протоколи

Блокнинг бошланиш шarti:
 гранулоцитлар >1000/мкл,
 лейкоцитлар >2000/мкл,
 тромбоцитлар >100000/мл


Юқори дозали цитарабин 3 мг/м² ҳар 12 соатда 1-3- кунларда 3-соатлик инфузия билан;

Этопозид 125 мг/м² 2 – 5-кунларида 2-соатлик инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 1 марта ёшига кўра дозада.



Даун синдромини даволаш ML-DS 2006 протоколи



ЎМЛ М3 вариантида, шу жумладан Даун синдроми бирга келганда:


АТО+АТРА+ХТ (арсеникум триоксид+трансетин кислотаси+кимёвий терапия)

ЎМЛ М3 вариантида ягона фарқ: юқори хавф гуруҳда, яъни бошланғич лейкоцит сони 10 000/микролитрдан юқори булса индукция курсида Идарубицин 12 мг/м² 1, 3, 5- кунларда, 4 соатли инфузия қўшилади.

МНТ шикастланишини олдини оливчи қўллаб-қувватлаш терапияси

Қўллаб-қувватловчи (мустақкамловчи) терапия

1. ВФМ гуруҳи баённомаларида, даволаниш бошланганидан 18 ой ўтгунга қадар, охириги кимётерапия курсидан сўнг, гематопэтик тикланишдан сўнг, ҳар ойда 4 кун давомида кунига бир марта 40 мг/м² тери остига цитарабин қўлланилади.
2. Иккинчисига кунига 40 мг/м² бўлган 6-меркаптопурин, 1500 мг/м² дозада гидроксимочевина билан биргаликда киритилиши мумкин ва лейкоцитоз 50x10⁹/л-дан паст бўлгунга қадар буюрилади.
3. Даунорубицин (22,5 мг/м²/кун) ва этопозид (50 мг/м²/кун) лейкоцитлар даражаси 50x10⁹/л-га етгунга қадар, лекин 3 кундан ошмаган ҳолда, доимий инфузия орқали юборилади.
4. Кейин, цитарабин билан индукция антрациклин ва VP-16 дозалари билан амалга оширилади, ундан циторедуктив фазада олинган ушбу дориларнинг умумий дозаси чиқариб ташланади.
5. Бундан ташқари, циторедуктив фазада дексаметазон томир ичига 10 мг/м²/кун дозада (3 та инъекцияга бўлинади) юборилади. Циторедукциянинг бутун курси давомида, агар гемоглобин даражаси 70 г/л-дан пастга тушиб кетмаса, эритроцитларнинг алмаштирувчи трансфузияларини ўтказиш керак эмас.



Қўллаб-қувватловчи терапия:

ВФМ гуруҳи баённомаларида, даволаниш бошланганидан 18 ой ўтгунга қадар, охириги кимётерапия курсидан сўнг, гематопэтик тикланишдан сўнг, ҳар ойда 4 кун давомида кунига бир марта 40 мг/м² тери остига цитарабин билан қўллаб-қувватлаш терапияси қўлланилади.

Бироқ, бошқа тадқиқот гуруҳлари томонидан шунга ўхшаш интенсив кимётерапийадан сўнг паст дозали қўллаб-қувватлаш терапияси фойдаланилмайди.

Бошланғич гиперлейкоцитозда ўпка ва церебрал лейкостазлари билан боғлиқ асоратларнинг профилактикаси. Бу асорат ва 50x10⁹/л- дан юқори лейкоцитозга эга бўлган М4 ва М5 вариантли беморлар ва лейкоцитози 100x10⁹/л-дан юқори бўлган М1 ва М2 вариантли беморлар учун хосдир, гарчи у лейкоцитоз кўрсаткичлари анча паст бўлса ҳам ривожланиши мумкин. Лейкостаз синдроми ривожланишининг энг юқори хавфи остида бўлганлар – бу коагулопатия билан бирга кечадиган ЎМЛнинг моноцитар кичик вариантлари бўлган ёш болалардир. Беморларнинг ушбу гуруҳида цитозин-арабинозиднинг тўлиқ дозаларини тайинлаш лейкостаз хавфининг кескин ошиши билан боғлиқ, натижада бундай беморларга лейкоцитаферез (ёки 3 ёшгача бўлган беморларда алмаштирувчи қон қўйиш) ва/ёки дори-дармонларни циторедукция қилиш кўрсатилади.

Иккинчисига кунига 40 мг/м² бўлган 6-меркаптопурин, 1500 мг/м² дозада гидроксимочевина билан биргаликда киритилиши мумкин ва лейкоцитоз 50x10⁹/л-дан паст бўлгунга қадар буюрилади.

БГОВАКИ тажрибаси цитозин-арабинозидсиз этопозид ва даунорубицин (ёки бошқа антрациклин) камайтирилган дозалари билан циторедукция самарадорлиги тўғрисида далолат беради. Даунорубицин (22,5 мг/м²/кун) ва этопозид (50 мг/м²/кун) лейкоцитлар даражаси 50x10⁹/л-га етгунга қадар, лекин 3 кундан ошмаган ҳолда, доимий инфузия орқали юборилади. Кейин, цитарабин билан индукция антрациклин ва VP-16 дозалари билан амалга оширилади, ундан циторедуктив фазада олинган ушбу дориларнинг умумий дозаси чиқариб ташланади. Бундан ташқари, циторедуктив фазада дексаметазон томир ичига 10 мг/м²/кун дозада (3 та инъекцияга бўлинади) юборилади. Циторедукциянинг бутун курси давомида, агар гемоглобин даражаси 70 г/л-дан пастга тушиб кетмаса, эритроцитларнинг алмаштирувчи трансфузияларини ўтказиш керак эмас.

Индукция ва консолидация курси вариантлари

Индукция ва консолидация дастури	Дори воситалари
ADE	Цитарабин 100 мг/м ² , т/и 1-10-кунлари кунига 2 марта, 1 циклда ҳаммаси бўлиб 20та доза, кейин 1-8 – кунлари ҳаммаси бўлиб 16та доза Даунорубицин 50 мг/м ² , 1, 3 ва 5-кунлари Этопозид 100 мг/м ² , 1-5-кунлар
AME	Цитарабин 100 мг/м ² , т/и 1-10-кунлари кунига 2 марта, ҳаммаси бўлиб 20та доза Митоксантрон 12 мг/м ² т/и, 1, 3, 5-кунлар Этопозид 100 мг/м ² т/и, 1-5-кунлар
AIE	Цитарабин 100 мг/м ² т/и 1-2-кунлари кунига 2 марта, ҳаммаси бўлиб 4та доза, 120 мг/м ² т/и 3-8-кунлари кунига 2 марта, ҳаммаси бўлиб 12та доза Идарубицин 12 мг/м ² т/и, 3-5-кунлар Этопозид 150 мг/м ² т/и, 6-8-кунлар
HAM30	Цитарабин 3000 мг/м ² т/и 1-3-кунлари кунига 2 марта Митоксантрон 10 мг/м ² т/и 4-5-кунлари кунига 1 марта
HiDAC	Цитарабин 3000 мг/м ² 3-соатлик т/и инфузия, кунига 2 марта, 1-3-кунлар
FLAI	Флударабин 30 мг/м ² т/и 30-дақиқали инфузия, 1-5-кунлар Цитарабин 2000 мг/м ² 3- соатлик т/и инфузия кунига 1 марта флударабинни киритгандан кейин 4 соат ўтгандан кейин, т/и 1-5-кунлар Идарубицин 12 мг/м ² т/и 10 дақиқали инфузия флударабин тугагандан кейин курснинг 1,3,5-кунлари

AML-BFM DS 2006 баённомалари

AML-BFM DS 2006 баённомасига кўра қимётерапиянинг умумий режаси

AIE:

Цитарабин 100 мг/м²/кун 1- ва 2- кунлари давомида доимий инфузия билан, кейин

Цитарабин 100 мг/м² 30-дақиқали инфузия билан ҳар 12 соатда 3 – 8-кунлар;

Идарубицин 8 мг/м² 60- дақиқали инфузия билан ҳар 24 соатда цитарабином олдин 3, 5, 7-кунлар;

Этопозид 150 мг/м² 2-соатлик инфузия билан 6-8-кунлар, цитарабингача 6 соат олдин;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 1 марта ёшига кўра дозада.

AI:

Лейкопения ва тромбоцитопения борлигидан қатъий назар бошланади!!!

Цитарабин 1 ва 2 кун давомида доимий инфузия билан 100 мг/м²/ кун

Цитарабин 3 дан 8 кунгача ҳар 12 соатда 100 мг/м² 30 дақиқали инфузия билан;

Идарубицин 12 мг/м² ҳар 24 соатда 3, 5, 7- кунларда, цитарабин дан олдин 60 дақиқали инфузия;

Этопозид 6-8- кунлари 150 мг/м² 2 соатлик инфузия билан, Ага-С гача 6 соат олдин;

Цитарабин интратекал тарзда 1 ва 8-кунларда ёшга боғлиқ дозада.

НАМ:

Блокнинг бошланиш шarti: гранулоцитлар>1000/мкл, лейкоцитлар>2000/мкл, тромбоцитлар>100,000/мл

Юқори дозали цитарабин 3000 мг/м² ҳар 12 соатда 1-3 кунларда 3-соатлик инфузия билан;

Митоксантрон 10 мг/м² 3 ва 4-кунларда 60 дақиқали инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 1 марта ёшига кўра дозада.

АI:

Блокнинг бошланиш шarti: гранулоцитлар>1000/мкл, лейкоцитлар>2000/мкл, тромбоцитлар>100000/мл

Цитарабин 500 мг/м² /кун 4 кун давомида узлуксиз инфузия билан;

Идарубицин 5 мг/м² 3- ва 5- кунларда 60 дақиқали инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 0 марта ёшига кўра дозада.

наМ:

Блокнинг бошланиш шarti: гранулоцитлар>1000/мкл, лейкоцитлар>2000/мкл, тромбоцитлар>100000/мл

Цитарабин 1000 мг/м², 1-3 кунларда ҳар 12 соатда 60 дақиқали инфузия билан.

Митоксантрон 7 мг/м²/кун 3- ва 4- кунларда 60 дақиқали инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 0 марта ёшига кўра дозада.

НАЕ:

Блокнинг бошланиш шarti: гранулоцитлар>1000/мкл, лейкоцитлар>2000/мкл, тромбоцитлар>100000/мл

Юқори дозали цитарабин 3 мг/м² ҳар 12 соатда 1-3- кунларда 3-соатлик инфузия билан;

Цитарабин интратекал тарзда кунига 0 марта ёшига кўра дозада.

ЎМЛнинг биринчи тўлиқ ремиссиясида ЎМЛнинг молекуляр генетикаси, клиник хусусиятлари ва трансплантацион ўлим хавфига кўра алло-СИТ учун синтетик кўрсатмалар

Интеграллашган хавф гуруҳи	Хавф гуруҳини аниқлаш	Бажарилишига кўра рецидив ривожланиши хавфи		Алло-ГИХТни консолидациялашнинг афзал варианты сифатида қарашга имкон берадиган рецидивга боғлиқ бўлмаган ўлим прогнозининг баллар билан баҳоланиши.		
		КимТ ёки ауто-ГИХТ, %	алло-ГИХТ, %	ЕВМТ шкаласи	НСТ-С1 шкаласи	Рецидивга боғлиқ бўлмаган ўлим хавфи, %
Яхши	<ul style="list-style-type: none"> - t(8;21) ва л. $\leq 20 \times 10^9 / \text{л}$ - inv16; t (16;16) 35 ёшгача - <i>CEBPA</i> мутацияси (2-аллелли) - <i>NPM</i> мутацияси <i>FLT3-ITD</i> мутациясиз - индукциянинг 1-курсдан кейинги ТР • - МҚКнинг мавжуд эмаслиги 	35-40	15-20	≤ 1	< 1	10-15
Оралиқ	<ul style="list-style-type: none"> - t(8;21) ва л. $> 20 \times 10^9 / \text{л}$ - Нормал кариотип (ёки фақат Хнинг ёки фақат Y хромосомасининг йўқотилиши) • л. $\leq 100 \times 10^9 / \text{л}$ билан ва 1-курсдан кейин ТР га эришилганда 	50-55	20-25	≤ 2	≤ 2	< 20-25
Ёмон	<ul style="list-style-type: none"> - Яхши ва оралиқ хавф гуруҳидаги беморларда 1-курсдан кейин ТР га эришмаслик - Нормал кариотип ва л. $> 100 \times 10^9 / \text{л}$ • - Аномал кариотип, оралиқ ва ўта ёмон прогнозли гуруҳда қайд этилмаган 	70-80	30-40	$\leq 3-4$	$\leq 3-4$	< 30
Ўта ёмон	Моносом кариотип	> 90	40-50	≤ 5	≤ 5	< 40

Илк бор ЎМЛ ташҳиси қўйилган беморларда қўлланиладиган диагностик текширувлар

Параметр	Текширувлар	Текширувни ўтказиш зарурияти
Ташҳис қўйиш учун зарур бўлган тадқиқотлар	Формулали клиник қон таҳлили	Ҳа
	Суюк илиги аспирати	Ҳа
	Трепанобиопсия	Кўрсатмаларга кўра
	Иммунофенотиплаш	Ҳа
	Цитогенетика	Ҳа
	FISH	Кўрсатмаларга кўра
	<i>RUNX1-RUNX1T1, CBFβ-MYH1, PML/RARA</i> ёки бошқа генлар скрининги	Ҳа
	Люмбал пункция	Ҳа
Даволашни бошлашдан олдинги керакли тадқиқотлар	Ҳаёт ва касаллик тарихи	Ҳа
	Беморнинг ҳолати (ECOG/WHO шкаласи бўйича)	Ҳа
	Биокимёвий тадқиқот, коагулограмма	Ҳа
	Ҳомиладорлик тести	Ҳа
	HLA-турлаш	Ҳа
	Қонни В, С гипотетелари вируслари маркерарига тест-синови; ОИВ	Ҳа
	Кўкрак қафаси органлари рентгенографияси	Ҳа
	Кўкрак қафаси органлари, бош мия КТ	Ҳа
	ЭКГ; Эхо-КГ	Ҳа
	Биобанкинг	Тавсия этилади
	<i>NPM1, CEBPА, FLT3</i> генлар мутацияси	Тавсия этилади
<i>WT1, RUNX1, MLL, KIT</i> генлар мутацияси	Текширув доирасида	
Прогноз маркерлари тадқиқоти	<i>RAS, TP53, TET2, IDH1</i>	Текширув доирасида
	<i>ERG, MN1, EVI1, BAALC</i> генлар экспрессияси	Текширув доирасида
	Минимал қолдиқ касалликни аниқлаш	Текширув доирасида

Ота-оналар учун маълумот

Ўткир миелоид лейкоз - гематопоестик тўқималарнинг камдан-кам учрайдиган ёмон сифатга эга касаллиги бўлиб, у назоратсиз кўпайиш, дифференциациянинг бузилиши ва суяк илиги ва периферик қонда етилмаган гематопоестик ҳужайралар тўпланиши билан тавсифланади.

Касаллик тарқалувчи ҳусусиятга эга бўлгани учун ЎМЛ нинг ривожланишида барча орган ва тизимлар зарор кўради. Касалликнинг клиник кўринишида суяк илигида, шунингдек, жигарда, талоқда зарарли ҳужайралар сонининг кўпайиши билан боғлиқ синдромлар устунлик қилади, марказий асаб тизими ва бошқа органлар ва тизимларнинг шикастланиши ҳам мумкин.

Касалликнинг энг кенг тарқалган кўриниши:

1) Иситма.

Тана ҳароратининг 38.0 даражадан юқори кўтарилиши бласт (ўсимта) ҳужайраларининг мавжудлиги, уларнинг таркибий маҳсулотларининг ажралиб чиқиши, шунингдек инфекция жараённинг ривожланиши билан боғлиқлиги туфайли касалликнинг биринчи ва ягона намоён бўлиши хисобланади.

2) Юқумли жараён (томоқ оғриғи, стоматит, пневмония ва бошқалар) - бласт ҳужайралар томонидан нормал гематопоестик ҳужайралар - лейкоцитлар/нейтрофилларни силжиши натижасида ривожланади, бу бола танасини соғлом ҳолатда бактериял ва замбуруғ инфекцияларидан ҳимоя қилади.

3) Геморрагик синдроми (қон кетиш, кўкаришлар) – тромбоцитларни (қон кетишини тўхтатиш учун мас'ул ҳужайралар) бласт ҳужайралари томонидан нормал гемопоездан силжиши натижасида юзага келади.

4) Анемия синдроми (рангсизлик, бўшашиш, тез чарчаш, заифлик), шунингдек ЎМЛ билан оғриган беморнинг суяк илигида қизил қон таначалари йўқлиги (гемоглобин камайиши) туфайли ҳам ривожланади.

5) Суяклар ва бошқа шикастланган органларда оғриқ

6) Жигар ва талоқ ҳажмининг катталашиши, сариқ касаллигининг пайдо бўлиши

7) Марказий асаб тизимининг шикастланиши бош оғриғи, қусиш, тиришишлар каби намоён бўлиши мумкин.

Ташҳис қўйиш учун кўплаб қон текширувлари, суяк илиги ва бел пункциялари, рентген ва томографик тадқиқотларни ўтказиш керак. Кимётерапияни ўтказиш учун периферик томирларга бир нечта уколлар қилишни олдини олиш мақсадида марказий томир катетерини (МТК) жойлаштириш талаб қилинади. Барча инвазив жараёнлар (пункциялар, МТКни жойлаштириш) умумий наркоз остида амалга оширилади.

Ўткир миелоид лейкозни даволаш асосан икки босқичдан иборат: терапиянинг интенсив босқичи ва гематопоестик илдиз ҳужайралари трансплантацияси. Интенсив босқичда кимётерапия қисқа вақтдаги интерваллар билан ўтказилади ва бу кўпинча беморнинг касалхонада қолишини талаб қилади. Биринчи босқич кимётерапия учта асосий дори воситаларидан иборат: цитозар, вепезид, даунорубицин (идарубицин ёки митроксантрон). Сўнгра юқори дозали кимётерапиянинг бир неча курслари ўтказилади.

Кимётерапиянинг ножўя таъсирлари:

1. Сочларнинг тўкилиши
2. Кўнгил айнаши ва қусиш
3. Иштаҳанинг пасайиши / ўзгариши
4. Иситма
5. Инфекция ўчоқларининг ривожланиши

Терапиянинг мақсади - касалликни даволаш, касалликнинг қайта юзага келиши ва касаллик шу жумладан гематопознинг индукцияланган (кимётерапия билан боғлиқ) аплазияси билан боғлиқ асоратларнинг олдини олишдир. Даволашнинг умумий давомийлиги ГИХТ ни ўтказмаган ҳолда тахминан 6 ойни ташкил қилади. Терапия давомийлигини қисқартириш касалликнинг қайталаниш хавфини ошириши мумкин. Даволашнинг замонавий дастурларига мувофиқ терапия билан тикланиш эҳтимоли тахминан 70%ни ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Протокол лечения AML-BFM 2019.
2. The EBMT Handbook. 5 Edition. 2008.
3. Manual of pediatric hematology and oncology. Philip Lanzkowsky and andere. 5 edition. 2011.
4. National Palliative Care Guidelines 2013.
5. Feld R. Bloodstream infections in cancer patients with febrile neutropenia. *Int J Antimicrob Agents* 2008;32 (Suppl) S30-S33.
6. Kaatsch P, Spix C: German Childhood Cancer Registry - Jahresbericht / Annual Report 2013/14 (1980-2013). Institut für Medizinische Biometrie, Epidemiologie und Informatik (IMBEI), Universitätsmedizin der Johannes Gutenberg-Universität Mainz 2014 [URI: <http://www.kinderkrebsregister.de/dkk/veroeffentlichungen/jahresbericht/jahresbericht-201314.html>].
7. Niewerth D, Creutzig U, Bierings MB, Kaspers GJ: A review on allogeneic stem cell transplantation for newly diagnosed pediatric acute leukemia. *Blood* 2010.
8. 2010 by American Society of Clinical Oncology 0732-183 X / 10/2815-2584/\$20.00 DOI: 10.1200/JCO.2009.22.4857.
9. EUROpean Ewing tumour Working Initiative of National Groups, Ewing Tumour Studies 1999, EE 99, Version 3a, 14th September 2010 <http://www.kinderkrebsregister.de/dkk/veroeffentlichungen/jahresbericht/jahresbericht-201314.html>].
10. Reiter A: Non-Hodgkin Lymphoma in Children and Adolescents. *Klinische Padiatrie* 2013, 225(S 01):S87-S93 [PMID: 23700066].
11. Integrated management of adolescent and adult illness interim guidelines for first level facility health workers. WHO.
12. Elting LS, Lu C, Escalante CP et al. Outcomes and cost of outpatient or inpatient management of 712 patients with febrile neutropenia. *J Clin Oncol* 2008; 26: 606–611.
13. Cuidelines for the adminis parenteral nutritrion Canada 2010.
14. Simon C., Daniel R. Metagenomic analyses: past and future trends // *Appl Environ Microbiol.* 2011, Feb; 77 (4): 1153–1161.
15. Tooley KL, Howarth GS, Butler RN. Mucositis and non-invasive markers of small intestinal function. *Cancer Biol Ther* 2009; 8: 753–758.
16. Support Care Cancer. 2011 Mar;19 Suppl 1:S37-42. doi: 10.1007/s00520-010-0994-7. Epub 2010 Sep 9. Antiemetics in children receiving chemotherapy. MASCC/ESMO guideline update 2009.
17. Recommendations for the use of WBC growth factors: American Society of Clinical Oncology clinical practice guideline update.//American Society of Clinical Oncology clinical practice guideline update. *J Clin Oncol.* 2015 Oct 1;33(28):3199-212. [98 references] PubMed.
18. Effect of albumin on diuretic response to furosemide in patients with hypoalbuminemia /Dounngern T1, Huckleberry Y, Bloom JW, Erstad B. //m *J Crit Care.* 2012 Jul;21(4):280-6. doi: 10.4037/ajcc2012999.
19. Tumor lysis syndrome: Prevention and treatment//uptodate.com.
20. Guidelines for the Administration of Enteral and Parenteral Nutrition in Paediatrics. Canada.Third Edition, June 2007.
21. Pediatric Fluid and Electrolyte Management/NHS. Pediatric clinical guidelines. Emergency. 2008.
22. Clinical practise guiedelines. Treatment for acute hyperkaliemia in adults//UK renal association. 2012.
23. Evaluation and treatment of functional constipation in infants and children: evidence-based recommendations from ESPGHAN and NASPGHAN.NGC 2014.

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПАЛАТА ИННОВАЦИОННОГО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
ЦЕНТР ДЕТСКОЙ ГЕМАТОЛОГИИ, ОНКОЛОГИИ И КЛИНИЧЕСКОЙ
ИММУНОЛОГИИ



Клинический протокол лечения острого
миелоидного лейкоза у детей

ТАШКЕНТ 2022

ВВОДНАЯ ЧАСТЬ

Клиническая проблема	Лейкозы у детей
Название документа	Клинический протокол лечения острого миелоидного лейкоза у детей
Этапы оказания медицинской помощи	Стационарный и амбулаторный
Дата создания	2022 г.
Планируемая дата обновления	2024 г.
Адреса для переписки	г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Арнасай, 17 ^А Тел.: (71) 203-11-03 E-mail: bgoskim@gmail.com

Руководитель рабочей группы:

Абдихакимов А.Н. д.м.н. профессор. директор ЦДГО и КИ МЗ РУз

Состав рабочей группы:

Ибрагимова С.З.	к.м.н., главный врач ЦДГО и КИ МЗ РУз
Бабаханова Н.Н.	врач-гематолог, зав. 1-го детского отделения ЦДГО и КИ МЗ РУз
Арипова Н.Б.	врач-гематолог, зав. 2-го детского отделения ЦДГО и КИ МЗ РУз
Нигматов Х.К.	врач-гематолог, зав. 3-го детского отделения ЦДГО и КИ МЗ РУз
Исматова Г.Н.	врач-гематолог, зав. консультативно-диагностическим отделением ЦДГО и КИ МЗ РУз

Методологическая поддержка:

Ядгарова К.Т., к.м.н.	начальник Управления разработки и внедрения клинических протоколов и стандартов, Национальная палата инновационного здравоохранения
Усмонов С.К.	зам. начальника Управления разработки и внедрения клинических протоколов и стандартов, Национальная палата инновационного здравоохранения

Рецензенты

Исхаков Э.Д.	д.м.н., проф., зав. кафедры гематологии и трансфузиологии Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников
Сулейманова Д.Н.	д.м.н., проф., заведующая центром анемии РСНПМЦГ

Целевая группа протокола: гематологи, онкологи, онкогематологи, педиатры, семейные врачи, организаторы здравоохранения, преподаватели, студенты, клинические ординаторы, магистранты медицинских ВУЗов.

Цели и задачи создания протокола

Основной целью создания настоящего протокола является возможность проведения современной диагностики и лечения детей с острым миелобластным лейкозом, предупреждение осложнений, снижение инвалидности и летальных случаев.

Основными задачами создания настоящего протокола является обоснование ранней и современной диагностики, применения современных протоколов лечения для повышения выживаемости до уровня мировых стандартов.

Список сокращений:

АЛТ	аланин-аминотрансфераза
АСП	аспарагиназа
АСТ	аспартат-аминотрансфераза
ВД-метотрексат	высокодозный метотрексат
ВД-цитарабин	высокодозный цитарабин
ВИЧ	вирус иммунодефицита человека
ВКР	винкристин
ВР	высокий риск
ВП-16	вепезид
в/в	внутривенно
в/м	внутримышечно
ГВР	группа высокого риска
ГСрР	группа среднего риска
ГСтР	группа стандартного риска
ДНР	даунорубицин
Д	день протокола
Доксо	доксорубицин
ЕД	единица (мера)
и/т	интратекально
ИФА	иммуноферментный анализ
ИФО	ифосфамид
КМП	костномозговая пункция
ЛДГ	лактат дегидрогеназа
МРБ	минимальная резидуальная болезнь
МРТ	магнитно-резонансная томография
6-МП	меркаптопурин
ОЛ	острый лейкоз
ОЛЛ	острый лимфобластный лейкоз
ОМЛ	острый миелобластный лейкоз
ОПН	острая почечная недостаточность
ОАМ	общий анализ мочи
п/о	перорально
ПЦР	полимеразно-цепная реакция
СОЛ	синдром острого лизиса опухоли
СОЭ	скорость оседания эритроцитов
ТГ	тиогуанан
УЗИ	ультразвуковое исследование
ХПН	хроническая почечная недостаточность
ЦНС	центральная нервная система
ЦФМ	циклофосфамид
ЭКГ	электрокардиография
ЭхоКГ	эхокардиография
МРБ	минимальная резидуальная болезнь

Введение

Термины

- **Острый миелобластный лейкоз** – это клональное злокачественное новообразование, в основе которого лежит дефект, стволовых клеток различного уровня, либо поражение клеток-предшественников.
- **Полная ремиссия** – отсутствие клинических проявлений заболевания при наличии 5% бластных клеток в костном мозге при нормальном соотношении других ростков кроветворения и отсутствии экстрамедуллярных проявлений.
- **Молекулярная ремиссия** – это полная клинико-гематологическая ремиссия при отсутствии в костном мозге исходно определявшихся молекулярных маркеров острого лейкоза.
- **Рецидив** – это появление морфологически выявляемых бластных клеток с лейкоз ассоциированным иммунофенотипом после периода, в течение которого идентифицировать опухолевые клетки цитологическими методами не представлялось возможным. Костномозговой рецидив – обнаружение в костном мозге 25% и более опухолевых лимфобластов, без одновременного поражения ЦНС и/или другого экстрамедуллярного поражения после констатации ремиссии. ЦНС-рецидив (нейрорецидив) – появление лимфобластов в ликворе при цитологическом исследовании, а также неврологическая симптоматика, не связанная с другими заболеваниями и повреждениями. При внутричерепном образовании на КТ/МРТ и при отсутствии бластных клеток в ликворе, крови и костном мозге, для диагностирования изолированного рецидива ЦНС необходимо получить гистологическое подтверждение или провести однофотонную эмиссионную КТ головного мозга. В костном мозге число опухолевых бластных клеток должно составлять менее 5%. Тестикулярный рецидив – изолированный рецидив яичка диагностируется при появлении одно- или двустороннего безболезненного яичка и значительного увеличения его плотности при пальпации при наличии в костном мозге $\leq 5\%$ опухолевых лимфобластов и отсутствии поражения ЦНС и требует гистологического подтверждения.
- **Комбинированные рецидивы:** сочетание двух и более поражений различной локализации. При комбинированных рецидивах костный мозг считается пораженным при наличии 5% и более опухолевых лимфобластов.
- **Поздний рецидив** – рецидив, возникший через полгода и более после окончания поддерживающей терапии.
- **Ранний рецидив** – рецидив, зарегистрированный ранее, чем через полгода от момента окончания поддерживающей терапии, но позднее 18 месяцев от начала терапии.
- **Очень ранний (сверхранний) рецидив** – рецидив, развившийся в срок до 18 месяцев от начала терапии.
- **Молекулярный рецидив** – это появление исходно определявшихся молекулярных маркеров острых лейкозов в двух повторных анализах (проведенных с коротким интервалом времени) на фоне сохраняющейся клинико-гематологической ремиссии.
- **Минимальная остаточная болезнь** (МОБ; minimal residual disease – MRD) наличие остаточных лейкоэмических клеток у пациента в ремиссии, не выявляемых рутинными морфологическими методами, но определяемых при помощи высокочувствительных лабораторных технологий (ПЦР в реальном времени и/или многоцветной проточной цитометрией).
- **Бессобытийная выживаемость** (event-free survival – EFS) – рассчитывается от даты начала лечения до любого «отрицательного» события или даты последней явки больного. Под «отрицательным» событием понимают рецидив, смерть по любой причине, развитие второй опухоли или рефрактерность (отсутствие полной ремиссии в сроки, определенные протоколом терапии).

- **Общая выживаемость** (overall survival – OS) – рассчитывается от даты начала лечения до смерти пациента по любой причине. Пациентов, судьба которых неизвестна, цензурируют в тот момент, когда было известно, что они живы.
- **Индукция** – это период начального лечения, целью которого является максимально быстрое и существенное сокращение опухолевой массы и достижение полной ремиссии, называется периодом индукции.
- **Консолидация** – второй этап терапии, направленный на закрепление достигнутого противоопухолевого эффекта. Задачей этого периода является по возможности еще большее уменьшение числа остающихся после индукции лейкоэмических клеток.
